

ҒАЙРИТАБИЙ

Муқаддас Китобда ёзилган илоҳий дунё ва унинг моҳияти

Михаил С. Хейзир

Ўзбек тили таржимаси:

Ғайритабий

Copyright © 2015 Нашр қилиш ҳуқуқи Михаил Хейзирга тегишли

Ғайритабий / Ўзбек тили таржимаси

© 2017, Miqlat

Китоб таркибининг таржимаси фақат муаллиф ва нусха қилиш ҳуқуқига эга, инсоннинг руҳсати билан кўчирилади ва тарқатилади. Бу руҳсат фақат Miqlat.org тамонидан нашр қилинган таржимага тегишли. Miqlat.org Америка Қўшма Штатларида рўйхатдан ўтган нодавлат ташкилотдир. Шунинг учун ушбу руҳсатнома Lexham Press томонидан нашр қилинган айни тилдаги ёки бошқа тиллардаги таржималарга тадбиқ этилмайди.

ISBN

Таржимон:

Отам ва Онамга атайман,

Эд ва Жейн Спэров

Буни ким олдиндан кўра билган экан?

Мен ўйлайман, ким эканлигини биз биламиз.

1 Шохлар 1:1-28

Миннатдорчилик

(Инглиз тилидаги китобга сўз боши)

Ғайритабий китоби, менинг “Кўринмас Олам” номли китобимнинг қисқартирилган кўриниши бўлгани учун қуйидаги сўз боши, ўша китобимдан олинган.

Энг аввало, ўз миннатдорчилигимни онлайн мунозара гуруҳига билдираман. Бу гуруҳни, мен илмий фаолиятимни айнан “Илоҳий кенгаш ва Кўринмас Оламнинг илоҳий таълимоти” мавзусида олиб боришга қарор қилганимдан кейин ташкил қилган эдим. Бу гуруҳни «Илоҳий Кенгаш Ўқув Гуруҳи» деб бежизга номламаганман. ИКЎГ мен докторлик номзодини ёқлаганимдан кегин, ва Logos Bible Software дастурида ишлашни бошлаганимдан сўнг тарқалиб кетди. Аммо, улардан олган кўникмаларим, мени иккала китобни ёзишимга тайёрлади десам муболоға бўлмайди.

«Кўринмас Олам» китоби, менинг веб саҳифамда интернет издошларим учун ёзилган, Чин Афсона номли қўлёзма ва “Facade” романи кўринишида бошланган эди. Мен ҳар ой ижод қилишим керак деган фикрга содиқ қолиб, китобнинг кўп қисмини журналларда ва сўнгра интернет блогимда нашр қилдим. Биринчи қўлёзма «Афсона Китоб» номи билан 2012 йилда нашр этилди. Қўлёзма, ўқувчиларнинг фикр мулоҳазалари билан яхшиланди. Муҳим ҳисса қўшган инсонларни Кўринмас Олам китобининг сўз бошида эслаб ўтганман.

Кўринмас Олам китоби нашр бўлишига энг катта ҳисса қўшган уч инсонни эслаб ўтишим жоиз. Улар Faithlife Corporation/Logos Bible Software ташкилоти бошқарувчилари Боб Притчет, Дэл Притчет, ва Бил Нинхуизлардир. Улар нафақат қўлёзмани юқори босқичга кўтаришди, балки унинг ихчам кўринишини олдиндан кўра билишди. Шунинг учун ҳам Ғайритабий китоби уларнинг фикрларининг хосилдир.

Кўринмас олам китобининг муҳбири Дэйв Ламбўрт, Ғайритабий китобини ҳам таҳрир қилди. Унинг тажрибаси ва маҳоратини ҳар бир саҳифада кўрса бўлади. У муштарийларни бошимдаги фикрларимга боғлади.

Ва ниҳоят, менинг турмуш ўртоғим Дрэннага ўз миннатдорчилигимни билдираман. Нимага эришган бўлсам унинг ёрдами билан эришдим.

Миннатдорчилик

(Ўзбек таржимаси учун миннатдорчилик)

Мен миннатдорчилигимни Miqlat.org лойиҳасининг хомийларига билдираман. Сизларнинг саҳийлигингиз бўлмаганда, бу таржима дунё юзини кўрмас эди.

Мундарижа

БИРИНЧИ БОБ: Муқаддас Китобга ишониш	7
ИККИНЧИ БОБ: Кўринмас Олам: Худо ва худочалар	13
УЧУНЧИ БОБ: Ўтган Шохлар ва Келгуси Шохлар	22
ТЎРТИНЧИ БОБ: Илоҳий Оламидаги Қўзғалон	30
БЕШИНЧИ БОБ: Самовий география	41
ОЛТИНЧИ БОБ: Калом, Исм, ва Фаришталар	50
ЕТТИНЧИ БОБ: Жанг Олиб Бориш Қоидалари	58
САККИЗИНЧИ БОБ: Муқаддас Макон	67
ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ: Муқаддас Уруш	75
ЎНИНИЧИ БОБ: Кўз ўнгимиздаги сир синоатлар	84
ЎН БИРИНЧИ БОБ: Ғайритабиий Режа	92
ЎН ИККИНЧИ БОБ: Булутдаги Чавондоз	102
ЎН УЧУНЧИ БОБ: Буюк Ўзгариш	110
ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ: Бу Дунёга Хос Бўлмаганлар	118
ЎН БЕШИНЧИ: Илоҳий Табиатдан Баҳрамандлар	127
ЎН ОЛТИНЧИ БОБ: Фаришталар устидан ҳукм қилиш	134
Хулоса	141
Авф Дуоси	145
Муаллифдан Сўз	150

БИРИНЧИ БОБ**Муқаддас Китобга ишониш**

Муқаддас Китобда айтилган нарсаларга ростдан ҳам ишонасизми?

Баъзи одамларга аксари масиҳийлар томонидан ўқиладиган китобдан савол бериш ғалати туюлиши мумкин. Лекин мен бундай ўйламайман. Муқаддас Китобда ғалати нарсалар талайгина – бу нарсаларга ишониш қийин, айниқса ҳозирги замонда.

Мен буюк нарсалар ҳақида, масалан, Исонинг Худо бўлиб ер юзига келгани, хочда ўлгани ва ўликлар орасидан тирилгани ҳақида айтмаяпман. Мен ҳатто Мисрдан чиқиш каби мўъжизавий ҳикоялар ҳақида ҳам фикр юритмаяпман; бунда Худо Исроил халқини Мисрдаги қулликдан қутқарган ва Қизил денгизни иккига ажратиб, улар учун йўл очиб берганди. Кўпгина масиҳийлар бу нарсаларга ишонишларини айтишлари мумкин. Ҳар ҳолда, агар Худога ва Исога, ҳамда уларнинг мўъжиза ярата олганликларига ишонмасангиз, ўзингизни масиҳий деб аташдан нима фойда?

Мен назарда тутаётган нарсалар Муқаддас Китобни ўқиш жараёнида тез-тез учраб турадиган, лекин жамоталарда камдан-кам тилга олинадиган ғайриоддий нарсалардир.

Мана битта мисол. 1 Шоҳлар 22-бобда Исроилнинг ёвуз шоҳи Ахаб ҳақида баён қилинади. У ўз қўшинини Яхудо шоҳиники билан бирлаштириб, Гиладдаги Рамот деган жойда душманларига қарши зарба беришни хоҳлайди. Яхудо шоҳи эса келажакка бир назар ташлашни, улар ҳужум уюштирган ҳолда нималар содир бўлишини билишни истайди. Шундай қилиб, иккала шоҳ Ахабнинг пайғамбарларига мурожаат қилишади ва улардан маъқул жавобини олишади. Бироқ у пайғамбарлар Ахаб эшитишни хоҳлаган жавобни беришганини ҳар иккала шоҳ ҳам билишарди. Шунда улар Михиё исмли

Худонинг пайғамбаридан сўраб кўришга ҳам қарор қилишади. Унинг айтадиганлари Ахаб учун яхши хабар эмас эди:

Ундай бўлса, Эгамизнинг сўзларини эшитсинлар, - деди Миҳиё Ахабга. – Мен Эгамизни Ўз тахтида ўтирган ҳолатда кўрдим. Жамики самовий мавжудотлар Унинг ўнг ва чап томонидан жой олган экан. Эгамиз улардан сўради: “Ахаб Гиладдаги Рамот шахрига бориб, ўша ерда ҳалок бўлсин, дея ким уни ўзига оғдира олади?” Бири ундай деди, бошқаси бундай деди. Бир пайт руҳлардан биттаси Эгамизнинг рўпарасида пайдо бўлди ва: “Мен уни кўндираман”, деди. “Қандай қилиб кўндирасан?” сўради Эгамиз. “Мен чиқиб, ҳамма пайғамбарларнинг оғзида ёлғончи руҳга айланаман”, деди у. “Сен уни кўндир, бор, айтганингдай қил, сен уддасидан чиқасан”, деди Эгамиз. Мана кўрдингизми, Эгамиз ҳамма пайғамбарларингизнинг оғзига ёлғончи руҳ солиб қўйган. У бошингизга фалокат келтиришни қарор қилган.

(1 Шоҳлар 22:19-23)

Муқаддас Китоб сиздан нимага ишонишни сўраётганини англадингизми? Худо бир гуруҳ руҳлар билан учрашиши ва улар ерда нималар содир бўлишини ҳал қилишини? Бу ҳақиқатдан шундайми?

Мана Яҳудодан бошқа бир мисол:

Шунингдек, ўз мавқеига яраша иш тутмай, маконини ташлаб кетган фаришталарни ҳам Эгамиз қоронғи-зимистонга абадий занжирбанд қилганди. Уларни буюк қиёмат кунигача ўша ерда сақлаб турибди. (Яҳудонинг Мактуби 1:6)

Худо бир қанча фаришталарни қоронғи-зимистонга қамаб қўйган? Ростданми?

Юқорида айтганимдай, Муқаддас Китобда ғалати нарсалар кўп, айниқса кўзга кўринмас, руҳий дунё ҳақида. Мен Муқаддас Китобнинг ғайритабиий нарсалар ҳақидаги

таълимотларга зид келмайдиганларини, масалан Исонинг кимлиги ва нималар қилганлиги ҳақидаги таълимотларини ҳеч қандай муаммоларсиз қабул қиладиган масихийларни кўп учратганман, бироқ юқоридаги каби парчалар уларни талвасага солади, улар бу таълимотларни инкор қилишади. Мен бунга мойилликни яқиндан кузатганман. Рафиқам билан бирга бир жамоатга борганимизда, чўпон 1 Буруснинг мактублари асосида туркум ваъзлар қилаётган экан. Чўпон 1 Бутрус 3:18-22-чи оятдан ваъз қилиши керак бўлган тонгда, минбарга чиқа солиб айтган биринчи гапи шу бўлди: “Биз бу оятларни ташлаб кетамиз. Улар ўта ғалати”. У ғалати ҳисоблаган нарсалар ғайритабий элементларни ўз ичига олган ва чўпоннинг теологиясига мос келмаган оятлар эди. Булар:

Чунки Масих ҳам бизни Худога яқинлаштириш ва гуноҳларимизни ювиш учун бир марта азоб чекиб ўлди. Ўзи солиҳ киши бўлгани ҳолда, гуноҳкорлар учун қурбон бўлди. Унинг баданини ўлдиришган бўлса-да, Руҳи тирилди. Масихнинг Руҳи эса бориб, зиндонга қамалган руҳларга ваъз айтди. Булар қадим замонда, Нух пайғамбар ўз кемасини кураётган замонда Худонинг сабрини инобатга олмай, итоатсиз бўлган эдилар. Ўша кемадан оз киши, яъни саккиз кишигина сувдан ўтиб қутулган эдилар.

Зиндонга қамалган бу руҳлар кимлар ва қаерда эдилар? Чўпон ёки жавобни билмасди ёки жавоб унга ёқмасди, шу сабаб у шунчаки ўша оятларни инкор этганди.

Муқаддас Китоб мутахассиси сифатида, бизга ғалати туюлган парчалар (ва Муқаддас Ёзувларнинг бошқа кўплаб кам ўрганилган ёки тушунарсиз қисмлари) аслида жуда муҳим эканлигини ўргандим. Улар бизга Худо ҳақида, кўзга кўринмас дунё ҳақида ва бизларнинг ўз ҳаётимиз ҳақидаги ўзига хос ғояларни ўргатади. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, лекин агар биз улардан хабардор бўлганимизда, улар қанчалик мураккаб ва бошқотирма

бўлмасин нимани англатишини тушуна олганимизда, бу бизнинг Худо ҳақидаги, бир-биримиз ҳақидаги, нима учун бу ердалигимиз ва бизнинг юксак қисматимиз ҳақидаги фикрлашимизни ўзгартириб юборган бўларди.

Коринфликларга ёзган биринчи мактубида, ҳаворий Павлус имонлиларнинг ораларидаги низоларини ҳал қилиш учун бир-бирларини қозига судраб бораётганидан хафа бўлган эди. Бунинг нафақат вақтни ва эмоционал қувватни ҳавога совуришлигини, балки имонда салбий акс этишини ҳам ҳис қилган эди ҳаворий. У “Наҳотки сиз одамлар бутун дунёни ҳукм этишингизни билмасангиз? Наҳотки фаришталар устидан ҳукм чиқаришингизни билмасангиз!?”, деб ҳитоб қилганди. (1 Кор.6:3, менинг талқиним).

Дунёни ҳукм қилиш? Фаришталар устидан ҳукм чиқариш?

Павлуснинг бу бошқотирма оятда айтаётганлари ҳам ақлни шоширади, ҳам ҳаётни тубдан ўзгартириб юборади. Муқаддас Китоб ғайритабий мавжудотларнинг фаолиятларини бизнинг ҳаётимиз ва тақдиримиз билан боғлайди. Бир кун келиб биз дунёни *ҳукм қиламиз*. Худди Павлус айтганидай, биз фаришталар устидан *ҳукм юритамиз*. Бу ҳақда кейинроқ яна батафсил гаплашамиз.

Павлус Коринфликларга, шу қаторда бизга ҳам, нимаики деган бўлса-да, бунинг сабаби шундаки, Муқаддас Китоб ҳикояси Худо бизни қандай яратгани ва бизни ўзининг самовий оиласига кўшиб олишни исташи ҳақидадир. Муқаддас Китобда оилавий муносабатларга хос атамалар ишлатилиши тасодиф эмас – битта уйда бирга яшаш ва бирга ишлаш – бу ҳаммаси Худо, Исо, кўринмай дунёдаги мавжудотлар, имонлилар, мен ва сизни коллектив тарзда тасвирлаб беради. Худо инсониятни ўз оиласининг ва бутун мавжудотлар устидан ҳукмронлигининг бир қисми бўлишини хоҳлайди.

Осмонда бўлгани каби, ерда ҳам деган концепцияни барчамиз яхши биламиз. Бу Раббимнинг ибодати (Мат.6:10) даги ғоялардан ва ҳатто иборадан келиб чиққан. Аввал бошиданок, Худо инсониятдан иборат оиласи ва аллақачон кўринмас дунёда эга бўлган оиласи, яъни самовий қўшинлари Ўзи билан бирга мукамал дунёда яшашини истади. Худонинг мурод-мақсади, зулмат кучларининг бу мақсадга қарши чиқиши, унинг муваффақиятсизликка учраши, ва келажакдаги пировард ғалабаси – Муқаддас Китоб ҳам ушбу китоб ҳам айнан мана шулар ҳақидадир. Токи *барча* қаҳрамонларни, айниқса ҳикоянинг бир қисми бўлган, бироқ кўплаб Муқаддас Китоб муаллимлари томонидан инкор этилган ғайритабиий қаҳрамонларни ҳам киритмас эканмиз, Муқаддас Китоб ҳикояларининг драматургиясини етарлича қадрлай олмаймиз.

Худонинг самовий қўшини аъзолари иккинчи даражали ёки аҳамиятсиз ёхуд бизнинг ҳикоямизга, яъни инсонлар ҳақидаги Муқаддас Китоб ҳикоясига тааллуқли эмас деб айтолмаймиз. Аксинча улар асосий роль ўйнашади. Аммо ҳозирги замонда, Муқаддас Китоб ўқувчилари ўтмиш воқеалар ҳақида тез-тез ўқиб туришса-да, уларни тушинишмайди, холбуки ғайритабиий дунё мавжудлигининг ҳайратланарли мисоллари Муқаддас Китобнинг ўнлаб бизга яхши таниш парчаларида мавжуддир. Мен Муқаддас Китобда ҳозир кўриб турган нарсаларни кўра олишим учун ўнлаб йиллар кетган, ва мен ўша ўқиб-ўрганган йилларимнинг самарасини сизлар билан бўлишмоқчиман.

Бироқ мен бошида берган саволни унутиб қўймайлик. *Муқаддас Китобда айтилганларга ростдан ҳам ишонасизми?* Резинка асфальтда синаладиган пайт мана шу бўлади. Агар бунга ишонмас экансиз, Муқаддас Китобда кўринмас дунё ҳақида аслида нима дейилганини ўрганишдан сизга ҳеч қандай наф йўқ.

2 Шоҳ.6:8-23да, Элишай пайғамбар (яна бир бор) мушкул аҳволга тушиб қолади. Ғазабга минган Орам шоҳи шаҳарни (унинг уйини) қуршаб олиш учун қўшин юборди. Хизматкори таҳликага тушиб қолганида, Элишай унга шундай дейди: “Кўркма, чунки бизнинг химоячиларимиз уларникидан кўп”. Хизматкори эътироз қилиб улгурмасидан, Элишай шундай деб ибодат қилади: “Эй, Эгам! Хизматкоримнинг кўзини оч, у кўрсин!” Худо ўша заҳоти жавоб берди: “Эгамиз хизматкорнинг кўзини очиб юборди. Элишайнинг атрофидаги қирлар оловли отлар ва жанг араваларига тўлиб кетганини хизматкор кўрди”.

Элишайнинг қилган ибодати менинг сизлар учун ибодатимдир. Худо кўзларингизни очиб юборсин, токи Муқаддас Китоб ҳақида фикрларингиз тубдан ўзгарсин.

ИККИНЧИ БОБ**Кўринмас олам: Худо ва худолар**

Одамлар ғайриоддий ва ғайри инсоний нарсалардан ҳайратга тушадилар. Кўнгил очар дастурлар саноатининг яқин йиллардаги фаолиятини бир ўйлаб кўрайлик. Охирги ўн йилликдаги минглаб китоблар, телевизион шоулар ва кинофильмлар фаришталар, ўзга сайёраликлар, маҳлуқлар, жин-ажиналар, арвоҳлар, жодугарлар, сеҳр-афсунлар, вампирлар, бўри-одамлар ва супер қаҳрамонлар ҳақидадир. Голливуднинг кўплаб блокбастер френчизалари ғайритабиий нарсаларни намоиш этади: *X-Одамлар*, *Қасоскорлар*, Гарри Поттер сериялари, *Супер одам*, Сутдай оқшом афсонаси (Сумерки). Фринж ва албатта Ғайриоддий ва X-Файлс каби телевизион шоулар хатто янги эпизодларни суратга олиш тугатилганда кейин ҳам қуйидагилардан хабардор қилиб келган. Аслида буларнинг барчаси ҳар доим оммабоп бўлиб келмаганми?

Нима сабабга кўра?

Бунга жавоблар уларнинг оддийликдан қочиш мумкин бўлган нарсалигидир. Улар бизга ўзимизникидан кўра қизиқарлироқ ва завқлироқ бир оламни тақдим этади. Бу ерда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш космик масштабларда бўрттириб кўрсатилади, бу эса бизни жунбушга келтиради. *Узуклар Ҳукмдори* трилогиясидаги Ўрта Ер қаҳрамонлари (Гандальф, Фродо ва шериклари)нинг Зулмат Ҳукмдори Сауронга қарши эпик кураши ярим асрдан бери ўқувчиларнинг (эндиликда томошабинларнинг ҳам) юракларини забт этиб келмоқда. Ёвуз қаҳрамон қанчалар бошқа оламдан бўлса, ғалаба шунчалик таъсуротли бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, одамларни бошқа оламлар ўзига тортади, чунки Воиз китобида ёзилганидек, “Худо юрагига солгани учун инсон вақт ўтишини билади” (Воиз

3:11). Инсонинг табиатида шундай нарса борки, у ҳар доим инсоний кечинмалардан ташқарида бўлган қандайдир илоҳий нарсаларни қўмсайди. Ҳаворий Павлус ҳам мана шу кучли истак ҳақида ёзган эди. У бу истак, Худо яратган дунёда шунчаки ҳаёт бўлишдан келиб чиқиши ҳақида таълим берган эди. Яратилган борлиқнинг ўзи Яратувчи ҳақида, бинобарин, бизнинг оламимиздан ташқари олам ҳақида гувоҳлик бериб турибди (Рим. 1:18-23). Аслида эса, Павлус бу туртки шунчалар қудратлики, уни атайдан жиловлаб туришга туғри келади деган эди (18-оят).

Шунга қарамасдан, биз Муқаддас Китобнинг эпик ҳикояси ҳақида ўзимиз китоблар, кинолар ва афсоналарда яратган ғайриоддий нарсалар ҳақидагидек бир хилда фикр юритмаймиз. Бунга бир неча сабаблар бор албатта; уларда махсус эффектлар ҳаддан зиёда. Баъзи одамлар учун Муқаддас Китобдаги қаҳрамонлар ўта оддий ёки боболарга хос. Улар серғайрат ёки қаҳрамонга ўхшашмайди. Ниҳоят, булар болалигимизда якшанба мактабларидан бери эшитиб келатган бир хил одамлар ва бир хил воқеалар ҳақидаги ҳикоялардир. Яна маданиятларимизда ҳам тўсиқлар бор. Бизлар қадимий чўпонлар билан билан тўн кийган одамларнинг туганмас намоишларини ажрата олмаганимиздек, жамоат театр жамоасидаги актерларни ҳам ажратиш олишимиз қийин.

Бироқ менинг ўйлашимча, илмий фантастика ва ғайритабиий фантазия бизнинг тасаввуримизни осонгина эгаллаб олишининг катта омили бизга Муқаддас Китобдаги кўринмас олам ҳақида нималарни ўргатишганидир. Йиллар давомида жамоатда эшитиб келганларим одамни чалғитибгина қолмасдан, балки ғайриоддий нарсани зерикарлига айлантиради. Бундан ҳам ёмони, жамоатнинг таълимоти кўзга кўринмас, ғайриоддий дунёни тўқиб-бичиб, уни куч-қудратдан маҳрум қилиб кўрсатади.

Масихийларнинг кўзга кўринмас олам ҳақида ҳақиқат деб ўйлаганларининг кўпчилиги аслида ҳақиқат эмас. Масалан, фаришталарнинг қанотлари йўқ. (Карублар ҳисобга кирмайди, чунки улар ҳеч қачон фаришта деб аталмаган ва маҳлуқотга киради. Фаришталар ҳар доим одамлар суратида кўринади). Жин-ажиналарнинг умуман шоҳлари ва думлари йўқ, ҳамда улар бизни гуноҳга тортиш учун келишмаган (биз гуноҳ қилишни уларсиз ҳам эплаймиз). Гарчи Муқаддас Китоб жинга чалинганликни ҳақли равишда даҳшатли қилиб тасвирласа-да, ақлли ва айёр иблиснинг одамларни кўғирчоқ қилиб ўйнатишдан кўра жирканчроқ ишлари бор. Устига-устак, фаришталар ва жин-ажиналар иккинчи даражали қахрамонлардир. Жамоат бундан катта ўйинчилар ва уларнинг режаларини ҳали-бери англаб етолмайдиганга ўхшайди.

Худолар ҳақиқатдан бор

Биринчи бобда сиздан Муқаддас Китобда айтилганларига *ҳақиқатдан* ҳам ишонасизми деб сўраган эдим. Буни назорат саволи деб қабул қилинг.

Муқаддас Китобда айтилишича, Худонинг илоҳий мавжудотлардан иборат тезкор гуруҳи бўлиб, унинг қарорларини амалга оширишади. Бу малаклар жамоати, кенгаш ёки суд мажлиси деб аталган (Заб.88:5-7; Дон. 7:10). Бу ҳақдаги энг ёрқин оятлардан бири Забур 81:1 ҳисобланади. Хуш Хабар Таржима (Good News Translation) буни шундай ифодалайди: “Худо раислик қилар самодаги кенгашида; худолар йиғинида эълон қилар У ҳукмини”.

Бир фикр юритиб кўрсангиз, қандай ваҳимали оят! Биринчи марта бу оятни яқиндан кўриб чиққанимда мени ларзага солган эди. Бироқ оятнинг маъноси унда ёзилгани каби жуда оддий ва аниқ. Бошқа ҳар қандай оят каби, Забур 81:1 Муқаддас Китоб яна нималар

дегани контекстида – ушбу ҳолатда эса, Муқаддас Китоб худолар ҳақида нима дейиши ва бу атама қандай изоҳланиши контекстида тушунилиши лозим.

“Худолар” деб таржима қилинган яхудийча сўз оригиналда *элоҳимдир*. Кўпчилигимиз *элоҳимни* узоқ вақтлар давомида фақат биттагина маънода – Отамиз Худонинг исмларидан бири деб ўйлаб келганмиз – шу сабабли бу сўзни бошқа кенгроқ маънолари бор деб ўйлашимиз қийин бўлади. Бироқ бу сўз кўзга кўринмас руҳий оламда яшовчи ҳар бир жонзодга ишора қилади. Шу сабабли Худонинг Ўзига (Ибт. 1:1), жин-ажиналарга (Қонун.32:17), ўлиб у дунёга кетган одамга (1 Шом.28:13) нисбатан шу сўзнинг ишлатилганини кўришингиз мумкин. Муқаддас Китоб учун яшаш жойи руҳий олам бўлган ҳар қандай танасиз мавжудот *элоҳимдир*.

Яхудийча атама фақат Худобагина хос бўлган махсус қобилиятларга ишора қилмайди. Муқаддас Китоб Худо билан бошқа худоларнинг фарқини кўрсатиш учун бошқа усуллардан фойдаланади, *элоҳим* сўзидан фойдаланиш билан эмас. Мисол учун, Муқаддас Китоб худоларга Каломдаги Худога сажда қилишга амр этади (Заб.28:1). Худо уларнинг яратгувчиси ва шоҳидир (Заб.94:3; 148:1-5). Забур 89:6-8 да шундай дейилади: “Осмону фалакда Худовандга тенги бормикан? Илоҳий зотлар ичра Худованд каби бормикан (1 Шоҳ.8:23; Заб.96:9)? Малаклар мажлисида Тангри бир хайбатлидир, атрофидагиларнинг ҳаммаси учун кўркинчлидир”. Муқаддас Китоб муаллифлари Исроилнинг Худосига тенг келадигани йўқ, У худоларнинг Худоси деб жасорат билан ёзган (Қонун.10:17; Заб.135:3).

“Малаклар мажлисидаги” бу мавжудотлар ҳақиқийдир. Ушбу китобнинг биринчи бобида бир парчадан цитата/ҳавоза келтирган эдим, унда Худо шоҳ Ахабдан қандай қутулиш юзасидан қарор чиқариш учун самовий мавжудотлар билан учрашади. Ўша парчада бу самовий гуруҳ аъзолари руҳлар деб аталганди. Агар биз руҳлар дунёсининг

ҳақиқатдан ҳам мавжудлига ва унда Худо ва У яратган руҳий мавжудотлар (масалан, фаришталар) истиқомат қилишига ишонсак, унда мен ҳавоза қилган оятларда ва бошқа кўплаб оятларда тасвирланган Худонинг тезкор гуруҳи мавжудлигини ҳам тан олишимиз лозим бўлади. Акс ҳолда руҳий воқелик қуруқ гап бўлиб қолади.

Муқаддас Китоб бу илоҳий йиғин аъзоларини руҳлар сифатида танигани сабабли, биз биламизки худолар тош ёки ёғочдан ясалган бутларгина эмас. Ҳайкалчалар Худонинг самовий кенгашида ишламайди. Қадимий дунёда одамлар исёнкор худоларга сажда қилиб бутлар ясаганлари ҳақиқатдир. Бироқ улар ўз қўллари билан ясаган бутлари ҳеч қандай қудратга эга эмасди. Ўша одам қўли билан ясал бутлар оддий буюмлар бўлиб, уларнинг худолари қурбонликлар қабул қилиш учун яшашлари мумкин бўлган ва уларга эргашган одамларга билим тарқатадиган жой бўлган; бу одамлар худолар уларнинг ораларига келишлари ва бутларда макон топишлари учун илтижо қилиб диний маросимлар ўтказганлар.

Самовий кенгашнинг тузилиши ва вазифалари

Забур 81:2да тилга олинган худолар мазкур бобнинг 6-оятида “Худойи Таолонинг ўғиллари” деб аталади. у“Худонинг ўғиллари” деган атама Муқаддас Китобда, айниқда Худонинг ҳузурида бир неча марта учрайди (Аюб 1:6; 2:1). Аюб 38:7да айтилишича, Худо ернинг тамал тошини ўрнатишидан ва инсониятни яратишидан аввал Худойи Таолонинг ўғиллари ўша ерда бўлган.

Бу жудаям қизик. Худо бу руҳий мавжудотларни Ўзининг ўғиллари деб атаган. Худо уларни яратгани сабабли бу ерда “оила” сўзини ишлатиш ўриндидир, худди сиз зурриётингизга ўғлим ёки қизим деб мурожаат қилганингиздек, чунки сиз уларнинг яратилишида иштирок этгансиз. Бироқ, Худо уларнинг Оталари бўлибгина қолмасдан,

балки уларнинг шоҳлари ҳамдир. Қадимги дунёда шоҳлар ўзларининг кўп сонли қариндошларидан иборат оилалари орқали мамлакатни бошқарганлар. Шоҳлик қилиш авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб келган. Ҳукмронлик қилиш оиланинг ишига айланган. Худо Ўз кенгашининг раисидир. Унинг ўғиллари эса Оталари билан бўлган муносабатлари туфайли ундан кейинги юқори мартабага эгадирлар. Аммо нимадир содир бўлди – уларнинг баъзилари хиёнатга қўл урдилар, бу ҳақда китобнинг бошидан охиригача муҳокама қилиб чиқамиз.

Худонинг ўғиллари яна қарор чиқарувчилар ҳамдир. 1 Шоҳлар 22 бобдан (ва бошқа кўплаб парчалардан) биламизки, Худонинг иши инсоният тарихига ўзаро таъсир ўтказишни ўз ичига олади. Ёвуз шоҳ Ахабнинг халок бўлиш вақти етгани ҳақида қарор қилганида, буни қандай амалга оширишни Ўз кенгашига топширганди.

Забур 81 ва 1 Шоҳлар 22 даги илоҳий зотлар мажлиси Муқаддас Китобда биз инсонларга тааллуқли бўлган ягона оятлар эмас. Уларнинг баъзилари бутун бир империяларнинг тақдирларини ҳал қилган.

Дониёр 4-чи бобда Худо Бобил шоҳи Навухадназарни жазолаб, вақтинчалик эс-хушидан айиради. Бу ҳукм “Худойи Таолонинг амри” билан (Дон.4:21) ва “кузатувчи фаришталарнинг қарори” билан (Дон.4:17) чиқарилган эди. *Кузатувчи фаришталар* атамаси Худонинг кенгашидаги илоҳий мавжудотларга нисбатан қўлланилган. Бу улар қанчалар сергак бўлиб инсониятнинг ишларини кузатиб туришганига ишора қилади; улар ҳеч қачон мижжа қоқишмаган.

Муқаддас Китобдаги бу илоҳий кенгаш саҳнаси бизга шуни маълум қиладики, Худо кенгашининг аъзолари Худонинг дунёни бошқаришида *иштирок этишади*. Жилла

бўлмаганда баъзи ҳолларда, Худо хоҳиш-истагини эълон қилади, лекин ижро этиш усулини танлашда Ўзининг ғайриинсоний вакилларига эркинлик беради.

Фаришталар Худонинг кенгашида иштирок ҳам этишади. Муқаддас Китобнинг оригинал нусхасида, Эски ва Янги Аҳдда *фаришталар* деб таржима қилинган ибора аслида *хабарчи* деган маънони англатади. *Фаришта* сўзи аслида хизмат вазифасининг тавсифидир. Фаришталар хабар етказиб беришган. Китобнинг кейинги бобларида фаришталар ва уларнинг вазифалари, шунингдек Худо кенгаши аъзоларининг бошқа бурч-вазифалари ҳақида кўпроқ ўрганамиз.

Бу нима учун муҳим

Ушбу китобнинг шу жойигача ўқиганларингизнинг барчасига жавоб реакциянгиз тахминан шундай бўлиши мумкин “Ҳайратда қолдирадиган нарса экан – Муқаддас Китобда аввал бундай нарсани кўрмаган эканман”. Бироқ бу маълумотларнинг кундалик ҳаётимга ва жамоатимнинг фаолиятига қандай алоқаси бор, агар бор бўлса албатта? Бунга жавоб эса шундай, бу китобда баён этилган ҳақиқатлар Худонинг кимлиги, бизнинг Унга қандай боғлиқлигимиз борлиги, ва бизнинг ер юзидаги мақсадимиз нималигини англаб етишимизга катта алоқаси бор. Янаям аниқроқ тушунишингизга ёрдам бериш учун, ҳар бир бобни ҳозиргига ўхшаш бўлим билан яқунлаб, унда бобда очиб берилган ҳақиқатнинг амалий аҳамиятини ёритиб бераман.

Мазкур бобда, биз Муқаддас Китоб Худонинг бутун борлиқни бошқаришини қандай тасвишлаб бериши ҳамда бу нарса бизга Худо ҳақида, айниқса Унинг бизларга қандай алоқаси борлиги ҳақида чуқур тушунчалар бериши ҳақида гаплашдик.

Аввалам бор, Худонинг самовий оиласини бошқариши Унинг ердаги оиласига қандай алоқадорлигини кўрсатиб берувчи намунадир. Буни кейинги бобда муҳокама қилсақда, битта мисол келтириб ўтмоқчиман: Сиз ҳайрон бўлаётган бўлсангиз керак Худога кенгаш нима учун керак деб. Худо бирон иш қилиш учун бировнинг ёрдамига *муҳтож* бўлиши керак эмас, ҳатто руҳий оламда ҳам. У Худодир! Бироқ Муқаддас Китоб яққол қилиб айтадики, У қўл остидаги мавжудотлардан мақсадини амалга ошириш учун фойдаланади.

Унга илоҳий кенгашнинг кераги йўқ, шундай бўлсада Худо ундай фойдаланишни маъқул кўради. Унга бизнинг ҳам керагимиз йўқ. Агар истаги шу бўлганида, Худо хушxabарга муҳтож бўлган бутун одамларга овоз чиқариб гапирган, ҳар бир одамга Унга қайтиб келишлари учун далда берган, ва бунинг яхшилигини кўрган бўларди. Бунинг ўрнига У одамларни – сиз билан мени ишлатади – мақсадига эришиш учун шундай қилади.

Иккинчидан эса, ҳамма нарса истаганидай чиқиши учун воқеа-ҳодисаларни олдиндан белгилаб қўйиши мумкин эди. Шоҳ Аҳаб воқеасида, Худо Ўзининг иродасини қандай амалга оширишни ёрдамчиларининг ихтиёрига топшириб қўйди. Бошқача қилиб айтганда, уларга эркин иродаларини ишга солишларига изн берди. Бу эса бизга ҳамма нарса ҳам олдиндан тайинлаб қўйилмаганлигидан далолат беради. Бу фақатгина кўзга кўринмас оламдагина эмас, бизнинг оламимизда ҳам ҳақиқатдир.

Муқаддас Китобда кўзга кўринмас олам тизимга эгаллиги айтилади. Худо бош Директордир. Унга ишлайдиганлар Унинг оиласидир. Улар биргаликда ҳукмронлик қилишади. Улар компаниянинг фаолиятида иштирок этишади.

Шуниси ажабланарлики, Муқаддас Китоб одамзод ҳақида ҳам худди шундай фикр билдиради. Аввал бошиданок, Адан боғида, Худо одамзодни яратиб, уни Ўзи билан бирга

ер юзида хукмрон бўлшини хоҳлаган эди. Худо Одам Ато билан Момо Ҳавога “Баракали бўлинглар, кўпайинглар. Ер юзини тўлғазиб тобе қилинглар” (Ибтидо 1:28, 2008 таржима) деди. Одам Ато билан Момо Ҳаво Худонинг фарзандлари – Худонинг ердаги оиласи эди. Худо улар билан бирга яшаб, бутун дунёни Адан боғига айлантириш ишида иштирок этишларига имконият берган эди.

Бу ўқувчиларнинг кўпчилигига таниш бўлган тушунчадир. Бунда аниқ бўлмаган нарсаси шуки, Одам Ато билан Момо Ҳаво Худонинг Адан боғидаги оиласининг ягона аъзолари эмасди. Унинг илоҳий оиласи ҳам ўша ерда эди. Адан боғи Худонинг истиқомат жойи эди – Худо қаерда истиқомат қилса, Унинг оиласи ҳам ўша ерда ҳозир бўлади. Биз жаннатни Худо билан ва Унинг фаришталари, яъни Унинг самовий оиласи билан бирга яшайдиган жойимиз деб ўйлаймиз. Аввал бошиданоқ шундай бўлиши режалаштирилган эди, ва шундай бўлади ҳам. Муқаддас Китоб осмон шоҳлигининг ерга янги, глобал Адан боғи бўлиб қайтиб келиши билан якунланиши тасодиф эмас (Ваҳий 21-22).

Қисматимиз қандайлигини англашимиз учун ортга, Худонинг ҳар иккала оиласи битта оламни эгаллаган пайтга қайтиб боришимиз керак. Биз Адан боғига қайтишимиз лозим.

УЧИНЧИ БОБ

Ўтган Шохлар ва Келгуси Шохлар.

Биз Худонинг самовий кенгаши – Унинг кўзга кўринмас оиласи ва ишчи гуруҳи ҳақида қисқача таништириб ўтдик. Буларга кўшимча қилинадиган нарсалар жуда кўп – биз айниқса асосий қаҳрамонлар бўлган Исо ва Шайтон бу манзарага қандай сиғишларига қарашимиз лозим. Бироқ кўринмас дунёда нималар содир бўлишига қайтишдан олдин, ўзимиз ҳақимизда янгитдан ўйлаб кўришимиз лозим. Худо кўзга кўринмас дунёни кенгаши орқали бошқариши Унинг ер юзидаги ҳукмронлигига намуна бўлиб хизмат қилади – буни теологлар Худонинг шоҳлиги деб аташади. Бунинг барчаси эса Ибтидодан, Адан боғидан бошланган.

Адан боғи – Худонинг уй идораси

“Адан боғи” ҳақида эшитганингизда ҳаёлингизга биринчи бўлиб келадиган нарса нима? Мен суҳбатлашган одамларнинг кўпчилиги Одам Ато ва Момо Ҳаво ҳақида ўйлашади. Адан боғи уларнинг уйи эди. Худо уларни мана шу жойга жойлаштирган эди (Ибтидо 2:15-25).

Аmmo Адан боғи *Худонинг* ҳам *уйи* эди. Хизқиё пайғамбар Аданни “Худонинг боғи” деб атайди (Хиз. 28:13; 31:8-9). Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Ажабланарлиси шундаки, Аданни “Худонинг боғи” деб атаганидан сал ўтмай Хизқиё уни “Худонинг муқаддас тоғи” деб атайди (28:14). Қадимги динларнинг аксариятида, ҳашаматли боғлар ва оёқ қўйиб бўлмас тоғлар худоларнинг уйлари деб ҳисобланган. Муқаддас Китоб ҳар иккала тавсифни Аданга нисбатан ишлатади. Адан Худонинг маскани эди, бинобарин Худо ўша ердан туриб иш юритган. У Худонинг бош офиси ёки уй офиси бўлган.

Ва албатта Худо қаерда бўлса, Унинг кенгани ўша ерда бўлади.

Худонинг суратини олиб юрувчилар

Муқаддас Китобдаги энг муҳим оятлардан бири бизга Худо ва Унинг кенгаши Адан боғида бўлишганига ишора қилади. Ибтидо 1:26 да Худо “Ўзимизга ўхшаш Ўз суратимизда одам яратайлик” дейди. Худо Ўзининг ниятини гуруҳга эълон қилади. У кимга гапирётган экан-а? Ўзининг самовий қўшини – Ўзининг кенгашига. Худо Учбирликнинг бошқа аъзоларига гапирётгани йўқ, чунки Худо билган нарсадан улар хабарсиз бўлишлари мумкин эмас! Бу ерда эса У мурожаат қилаётган гуруҳ Худонинг қарори нима эканини билиб олади.

Эълон қилиб айтилган нарсани тушуниш осон. Бу худди мен дўстларимга “Кетдик пицца ейишга!” деганим билан баробар. *Келинлар шундай қиламиз!* Ҳаммаси равшан. Бироқ биз назардан қочирмаслигимиз керак бўлган яна бир нарса бор. Худо аслида гуруҳни қарор чиқариш учун жалб қилмаганди.

Биз кўрган бошқа илоҳий кенгаш мажлисларидан фарқли ўлароқ, Худо кенгашининг аъзолари бу қарорни чиқаришда иштирок этишмайди. Инсоннинг яратилиши ҳақидаги кейинги оятга (Ибт. 1:27) қарайдиган бўлсак, Худо ягона яратувчилик қилаётганини кўрамиз. Инсоннинг яратилиши Худо яқка ўзи амаллаган ишдир. Менинг пицца мисолимга қайтадиган бўлсак, агар мен ўзимнинг эълонимга амал қилиб, ҳаммани пицца ейишга обориб, ўзим пулини тўлайдиган бўлсам, унда мен ўзим ҳамма ишни қилаётган бўлиб чиқаман. Бу ерда кўраётганимиз худди шунинг ўзидир.

Худо битта ўзи одамларни яратаётган бўлиб чиқиши мантиққа тўғри келади. Унинг кенгашидаги илоҳий зотлар бундай ваколатга эга эмас. Бу эса бошқа бир ғайриодатий

нарсани келтириб чиқаради. Ибтидо 1:27 да, инсонлар Худонинг суратида яратилгани айтилади. Унда 26-оятдаги “Ўз суратимизда” деган гапга нима бўлган?

Аслида ҳеч нарса бўлмаган. Ибтидо 1:27 оятдаги “Ўз суратимизда” ва “Ўз суратида” сўзларининг ўрин алмашиши бошқа бир ақлни шоширадиган нарсани ошкор қилади. Худонинг “Ўз суратимизда Ўзимизга ўхшаш одам яратайлик” деган сўзлари Худонинг Ўзи ва У мурожаат қилаётган зотлар умумий бўлган ниманидир бўлишишини билдиради. У нарса нима бўлишидан қатъий назар, Худо инсонларни яратганидан кейин улар ҳам ўша нарсани бўлишишади. Биз Худога қандайдир жиҳатларимиз билан қанчалик ўхшасак, Унинг кенгашидаги илоҳий зотларга ҳам шунчалик ўхшаб кетамиз.

Ўша “нимадир” каломда “Худонинг сурати” деган ибора билан етказиб берилган. Худо инсонларни ўзининг суратидек қилиб яратди десак, Ибтидо 1:26 оятнинг яхшироқ таржимаси шу бўлиши мумкин эди. Инсон бўлиш Худонинг суратини олиб юрувчи бўлишдир. Биз Худонинг вакилларимиз деб айтиш ҳам мумкин.

Худонинг сурати Худо бизга берган қобилият эмас, худди ақл-идрок каби. Биз қобилиятларимизни йўқотишимиз мумкин, лекин Худонинг суратини олиб юрувчи бўлиш мақомини ҳеч қачон йўқота олмаймиз. Бу биздан инсон бўлмасликни талаб қилган бўларди! Ҳар бир инсон туғилишидан то ўлгунига қадар, тоабад инсон бўлиб қолади ва тоабад Худо суратини олиб юрувчи бўлиб қолади. Мана шу сабабли инсоннинг ҳаёти муқаддасдир.

Биз қандай қилиб Худога вакиллик қила оламиз? Аввалги бобда биз Худо Ўз ҳокимиятини кўзга кўринмас ишчи гуруҳининг илоҳий зотлари билан бўлишишини кўриб чиққандик. У ер юзидаги одамлар билан ҳам худди шундай қилади. Худо кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган ҳамма нарсанинг олий ҳукмдоридир. У ҳукмини ўтказади.

У ушбу ҳукмдорликни руҳий дунёдаги оиласи билан ҳам инсоният дунёсидаги оиласи билан ҳам бўлишади. Бизлар Худонинг дунёни Ўзи истаган нарсага айлантириш ва У билан бирга ундан завқланиш режасида иштирок этиш учун шу ерда ҳозирмиз.

Ўз вақтида Худо бизга буни қандай амалга оширишни кўрсатиб берди. Исо Масих Худони одамларга намоён қилишнинг мутлақ мисолидир. У кўринмас Худонинг инъикоси (Кол. 1:15) ва Худо борлигининг аниқ сурати (Ибр.1:3) деб аталади. Ушбу сабабга кўра бизлар Исонинг суратига томон ўзгариб боришимиз лозим (Рим.8:29; 2Кор.3:18).

Иккита кенгаш, ягона қисмат

Бу ерда айтилганларнинг ҳаммасини тушунаясизлар деган умиддаман. Инсонлар моҳиятан Худонинг маъмурияти – Унинг ер юзидаги кенгашидир. Бизлар Худонинг ҳузурида, Унинг самовий оиласи билан бирга яшаш учун яратилганмиз. Бизлар Уни мамнун қилиш ва Унга абадий хизмат қилиш учун яратилганмиз. Даставвал, бу нарса ер юзида ҳам содир бўлиши назарда тутилган эди. Адан боғи жаннат билан ер туташган жой эди. Худо ва Унинг кенгаши аъзолари инсоният билан битта оламни эгаллаган эди.

Бундан мақсад нима эди?

Худо Одам Ато ва Момо Ҳавога: “Баракали бўлинглар, кўпайинглар. Ер юзини тўлғазиб тобе қилинглар...барча жониворлар устидан ҳоким бўлинглар” – деди (Ибт. 1:28). Бу Худонинг суратини олиб юрувчилар учун топшириқ эди. Улар Худога бутун яратилганлар устидан бошқарувчи-шоҳлар сифатида хизмат қилишлари мумкин эди. Инсониятнинг вазифаси ер юзини тўлғазиб Аданни бутун сайёрага ёйиш – Осмон Шоҳлигини кенгайтиришдан иборат эди. Бу иш фақат иккитагина одамга жуда кўплик қиларди, шу сабабли Худо Одам Ато билан Момо Ҳавонинг фарзандлари кўп бўлишини истаган эди.

Билганимиздек, Одам Ато ва Момо Ҳавонинг насли муваффақиятсизликка учради. Инсоният гуноҳга юз тутди. Агар шу нарса содир бўлмаганида, ер юзи оламшумул Аданга айланиб борган бўларди. Бизлар мукамал сайёрада Худо ва Унинг руҳий оиласи билан абадий умр сурган бўлардик.

Худо инсониятни севгани учун Одам Ато ва Момо Ҳавони кечирди. Бироқ инсониятнинг қолган қисми мана шу ондан бошлаб Одам Ато ва Момо Ҳавонинг изидан кетиши белгилаб қўйилди.

Бизнинг Худонинг илоҳий оиласига қўшилишимиз, Унинг кенгашининг аъзосига айланишимиз ва Унинг хузурида яшашимиз ҳақидаги ғоялар бизга Муқаддас Китобдаги баъзи ажойиб нарсаларни тушунишимизга ёрдам беради.

Нимага Муқаддас Китоб имонлиларга нисбатан “Худонинг ўғиллари” ёки “Худонинг фарзандлари” (Юҳ. 1:12; 11:52; Гал.3:26; 1 Юҳ. 3:1-3) ибораларини ишлатишига мана шу нарса изоҳ бўлади. Шу нарса нимага имонлилар Худонинг оиласига “қабул қилинган” деб тасвирланишини тушунтириб беради (Гал. 4:5; Рим. 8:14-16). Нима учун бизлар Худонинг ва Унинг шоҳлигининг “ворислари” (Гал. 4:7; Титус 3:7; Ёқуб. 2:5) ҳамда “илоҳий табиатдан баҳраман” (2 Бут. 1:4; яна қаранг 1 Юҳ. 3:2) бўлишимизни ҳам изоҳлаб беради. Шу нарса нимага Исо Масих қайтиб келганида имонлиларга “Худонинг жаннатидаги ҳаёт дарахти мевасидан ейишни” эҳсон этишига изоҳ беради (Ваҳ. 2:7). Бу яна, не сабабдан Исо бизга Ўзи билан бирга халқлар устидан ҳукмронлик қилишни (Ваҳ. 2: 26-28) ва хатто Ўзи билан бирга “тахтида ўтиришни” (Ваҳ. 3:21) ато этишини тушунтириб беради. Бизлар мана шу ҳаёт орқали *олга юриб*, Адан боғига *қайтамиз*. *Осмон шоҳлиги ер юзига қайтиб келади*.

Бу нима учун муҳим

Бундай туюлмаслиги мумкин албатта, бироқ кўплаб ҳаётни бутунлай ўзгартириб юборадиган ғоялар мана шу нарсалардан бошланади. Ҳаётимиз гўё Худони ва Унинг кейинги режаларини акс эттиргандай виждонан умр кечириш – гарчи бу режаларни ҳали кўрмасакда – ҳар бир кунга қарашимизни ўзгартириб юборган бўларди.

Худонинг дастлабки режаси бутун ер юзини Аданга айлантириш эди. Худо инсонларни Худди Адан боғида бўлганидек, бутун замин устидан яхши ҳукмдорлигини кенгайтиришга чақирган эди. У Одам Ато ва Момо Ҳавога фарзандлар туғиш ва бутун яратилганлар устидан ҳоким ва бошқарувчи бўлишга чақирган эди эди (Ибт. 1:26-28). Бу амр Одам Ато ва Момо Ҳаво гуноҳ қилгандан кейин ҳам унут бўлгани йўқ. Аксинча, бу амр даҳшатли тўфон воқеасидан кейин яна бир марта такрорланганди (Ибт. 8:17; 9:1). Гарчи Адан қўлдан кетган бўлса ҳам, Худо уни қайта тиклашни ният қилган эди. Пировардида, Исо қайтиб келиши ва Худо янги осмон ва янги ерни яратиши билан Унинг ҳукмронлиги – Унинг шоҳлиги – тўла ҳажмда қайта тикланади (Ваҳий 21 ва 22 дагиси Адан боғига жудаям ўхшаб кетади). Бу вақтда эса, биз Худонинг ҳақиқати ва Исонинг хушхабарини ҳар ерда тарғиб қилишимиз мумкин. Биз яна Худони ҳар ерда ҳар бир учратган одамимизга таништиришимиз мумкин. Бизлар Аданни шу ерда ва шу тобда қайта тиклашда Худонинг вакиллари бўлиб, Исо Масих бу режани кульминацион нуқтасига етказадиган вақтга кўз тикишимиз лозим.

Ўзимизни Худонинг вакиллари – Унинг суратини олиб юрувчилар сифатида ақлан фикр юритишимиз шуни англатадики, *бизнинг қиладиган қароримиз аҳамиятга эга*. Масихийлар, бошқа гуноҳ ичида адашмаган бўлиб, Худонинг режасини Муқаддас Рух ёрдамида амалга оширадилар. Бизлар Худо билан ҳаёт кечиришнинг қандай яхшилигини

тарғиб қилиш учун ва хушxabарга мухтож одамларга қандай қилиб бундай ҳаётдан завқланишлари мумкинлигини айтиш учун шу ерда ҳозирмиз. Ҳаётимиз кўплаб одамларнинг ҳаёти билан кесишади. Уларнинг бундай учрашувлар ҳақидаги хотиралари бутун ҳаётлари давомида мавжланиб туради ва бошқа одамларнинг ҳаётларига ҳам таъсир қилади. Бизлар ё Худо билан яшашнинг, ёки Худосиз ҳаётнинг ёрқин нурлари бўламиз. Бунда аросатда қолиш йўқ.

Бутун инсонлар Худонинг суратини олиб юрувчилар эканини билиш ҳам бизга инсон ҳаётига муқаддас деб қараш кераклигини эслатиб туради. Бу ҳаёт-мамот масаласига тааллуқли муҳим ахлоқий қарорлар доирасидан ҳам чиқиб кетади. Биз ўрганган нарса бир-биримизга қандай қарашимиз ва бир-биримиз билан қандай боғлиқ эканимизга қандай қарашимизга кўп жиҳатдан таъсир қилади. Худонинг дунёсида ирқчиликка ўрин йўқ. Адолатсизлик Худони танитиш билан мутлақо мос келмайди. Ҳокимиятни суистеъмол қилиш – хоҳ уйда бўлсин, хоҳ ишда, ва ё хоҳ ҳукуматда – диёнатга зиддир. Худо фарзандлари билан Аданда бундай йўл тутмаган эди, шундай экан биз ҳам ўзимиздек Худонинг суратини олиб юрувчилар билан бундай йўл тутишимиз ўринли эмас.

Ва ниҳоят, Худони намоён қилиш шуни англатадики, Унга шараф келтирадиган ҳар қандай иш *руҳий* даъватдир. Ҳар қандай қонун доирасидаги вазифа ўзимиз яшаётган дунёни Адан томон олға силжитиш ва ўзимиз каби Худонинг суратини олиб юрувчиларни марҳаматлаш, ёки бунинг акси бўлади. Худо Ўзига хизмат қилаётган одамларни қиладиган ишларига қараб бошқалардан кўра муқаддасроқ санамайди. Худо учун ҳар биримиз ўзимиз ҳозир бўлган жойда Уни қандай тақдим этаётганимиз муҳим. Бизлар зулматга қарши чиқиб, Худо ҳар бир одам таътиб кўришини истаган ҳаётни бўлишамиз, ёки бунинг

акси бўлади. Бериладиган имконият оламшумул бўлиши шартмас, балки уни маҳкам ушлаб қолиш керак.

Бизга берилган ваҳий қанчалар Худонинг Адандаги нияти каби ажойиб бўлмасин, у ўшандай тезликда сўнди. *Ёлғиз* Худогина мукамалдир. Номукамал зотлар қўлида – ҳатто илоҳийларининг қўлида ҳам – эркинлик вайронакор натижаларга олиб келиши мумкин.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Илоҳий Оламидаги Қўзғалон

Бундан аввалги бобни ирода эркинлиги номукаммал зотлар қўлида, хоҳ улар илоҳий бўлсинлар хоҳ инсон, вайронакор натижаларга олиб келади деган фикрлар билан яқунлагандим. Бу муболаға қилиб айтилган гапдир. Муқаддас Китобнинг илк бобларида тасвирланган баъзи ҳалокатларнинг барчаси, ҳам одамлар, ҳам илоҳий зотларни қамраб олиши, фикримнинг ифодасидир.

Худо Ўз ҳукмронлигини ғайриоддий оламдаги илоҳий зотлар билан ҳам ер юзидаги инсон зотлари билан ҳам бўлишмоқчи бўлганини бир эслаб кўринг. Бу Худонинг “Ўз суратимизга кўра, Ўзимизга ўхшаш одамни яратайлик” (Ибт.1:26) деб айтган гапига омил бўлган, ва пировардида, Худо одамларни Ўз суратида яратган эди. Илоҳий зотлар ва инсонлар Худонинг суратини олиб юрувчилардир. Биз Худонинг ҳукмронлигига шерикмиз ва Уни биз билан бирга ҳукмронлик қилувчилар сифатида тақдим этамиз.

Бир томондан, бу ажойиб қарор бўлган эди. Ирода эркинлиги Худо каби бўлишнинг бир қисмидир. Ирода эркинлигига эга бўлмаганимизда, У каби бўла олмаган бўлардик. Бу нарсасиз, севги ва ўзидан воз кечиш деган тушунчалар ўлади. Агар сиз “севиш” учунгина дастурланган бўлсангиз, бунда ҳеч қандай қарорнинг ўзи йўқ. Бу ҳақиқий севги эмас. Саҳналаштирилган сўзлар ва ҳатти-ҳаракатлар ҳақиқий эмас. Бу ҳақда ўйлаш мени Юлдузлар Жанги фильмининг охириги қисми бўлган Жедининг Қайтишига олиб кетади. Обиван Кенобининг руҳи отаси Лукага, Дарц Вадер “одамдан кўра кўпроқ машинага ўхшайди” дейди. Шунга қарамай, фильмнинг охирида бунинг ҳақиқат эмаслигини

кўрамиз. Вадер Лукани императорнинг қўлидан ўз жони эвазига қутқариб қолади. Унинг қарори юрагидан, унинг инсонийлигидан – унинг ўз эркин иродасидан келиб чиққанди.

Бироқ Худо қарорининг қоронғу томони ҳам бор. Ақл-идроққа эга бўлган зотларга эркинлик бериш, уларнинг нотўғри нарсаларни танлаши ёки қасддан исён кўтаришини англади. Бу нарса содир бўлиши кафолатланган, чунки ягона мукамал зот Худодир. Худо ишониши мумкин бўлган бирдан-бир зот Унинг Ўзидир. Шу сабабли Адандаги ишлар муваффақиятсиз чиқиши мумкин эди, ва шундай бўлиб чиқди.

Жаннатдаги муаммо

Аданда содир бўлган воқеаларни бир ўйлаб кўринг. Одам Ато билан Момо Ҳаво ёлғиз эмас эдилар. Худо Ўз кенгаши билан ўша ерда эди. Адан боғи бутун ер юзининг қолган қисмини “тобе қилдириш” (Ибт. 1:26-28) – Адандаги ҳаётни сайёранинг қолган қисмларигача тарқатиш мақсадида барпо қилинган илоҳий зотлар/инсонларнинг марказий идораси эди. Бироқ Худо кенгашининг бир аъзоси Худонинг режасидан хурсанд эмас эди.

Ибтидо 1-чи бобда кўрганимиздек, Адан боғи бошқа илоҳий зотларга ҳам маскан бўлганига Ибтидо 3-чи бобда ишоралар бор. 22-чи оятда, Одам Ато ва Момо Ҳаво гуноҳ қилиб қўйишганларидан сўнг, Худо: “Мана, одамзот яхши ва ёмонни фарқлашда худди *Биздай* бўлиб қолди”, - деди. Бу ибора биз Ибтидо 1:26 да кўрган йўл кўрсатгичнинг (“*Ўз суратимизга кўра*”) айнан ўзи.

Ибтидо 3 даги асосий қаҳрамон бўлган улкан илон аслида чиндан ҳам илон бўлмаган. У аслида жонивор бўлмаган. Уни ҳайвонот боғидаги ойнали қафас ичига солиб қўйишга ҳожат йўқ, чунки уни томоша қиладиган жойи йўқ. У илоҳий зот бўлган эди. Ваҳий 12:9 уни Иблис, Шайтон сифатида кўрсатиб беради.

Баъзи масиҳийлар ваҳий 12:7-12 га асосланиб, дунё яратилганидан кўп ўтмай фаришталар кўзғолон кўтарган бўлса керак деб тахмин қилишади:

Осмонда жанг бўлди. Микоил ва унинг фаришталари аждаҳога қарши урушдилар. Аждаҳо ҳам ўзининг фаришталари билан урушга тушди. Аммо аждаҳо голиб келмади. Осмонда уларга бошфа жой қолмади. Улкан аждаҳо – иблис ва шайтон деб аталган, бутун дунёни алдаб йўлдан оздираётган ўша алмисоқ илон ўз фаришталари билан бирга ер юига отилди. (Ваҳ. 12:7-9, 2008 таржима).

Бирок бу оятларда тасвирланган самодаги жанг Масиҳнинг туғилиши билан боғланади (Ваҳ. 12:4-5, 10, 2008 таржима):

Кейин аждаҳо туғаётган аёлнинг чақалоғини ютиб юбориш учун унинг олдида кутиб турди. Аёл ўғил туғди. Ўғлон Худонинг хузурига, Арши Аълога келтирилди, чунки у барча халқларни темир хасса билан боқиши керак...

Ўшанда самодан баланд овоз билан айтилган бу сўзларни эшитдим:

“Энди Худойимизнинг нажоткорлиги, қудрати, салтанади

Ҳамда Унинг Масиҳи ҳукмронлиги ўрнатилди.

Энди биродарларимизнинг тухматчиси, Худойимиз хузурида уларга кеча-кундуз тухмат қилаётган иблис ташқарига отилди.

Муқаддас Китоб Адандаги воқеалардан аввал нималар содир бўлгани, Унинг суратини олиб юрувчилардан бирортаси – илоҳий зотми ёки инсонми – Худонинг иродасига қарши чиққани ёки исён қилгани ҳақида ҳеч нарса айтмайди. Ибтидо 3 да вазият тубдан ўзгариб кетди.

Илоннинг жинояти унинг Худо ҳокимиятини эркин равишда инкор этишидадир. Айтиш жоиз бўлса, Худо Одам Ато ва Момо Ҳавонинг оила доирасидаги ишга

кўшилишини белгилаб қўйган эди. Улар Аданни бутун ер юзига ёйишлари лозим эди. Бироқ душман уларнинг ўша ерда бўлишларини истамади. У ўзини Худонинг ўрнига қўйиб кўрди. У ўз юрагида, “Мен чиқиб бораман самоларга, тахтимни кўтараман Худонинг юлдузлари тепасига. Ўтираман худолар йиғиладиган тоғда, шимолнинг энг чеккасида”. (Иш. 14:13, 2013 таржима).

Унинг хафсаласи пир бўлди. Илоннинг қарори Одам Ато ва Момо Ҳавони гуноҳ қилишга ундагани учун, у Худонинг уйидан бадарға қилинди (Хиз. 28:14-16) ва ер юзига сургун қилинди – “ерга қулаб тушди” (Иш. 14:12) - Муқаддас Китоб тили билан айтганда, ўлим ҳукмрон бўлган, ҳаёт эса абадий бўлмаган жойга отилди. Ҳаёт ҳукмдори бўлиш ўрнига, у ўлим ҳукмдорига айланди, бу эса буюк душманамиз энди бутун инсонларни қўлга киритишга даъво қилишини англатарди, зеро Адан боғидаги воқеалар ерга хос умрибоқийликни қўлдан чиқаришни билдирарди. Инсоният Худо билан янги Адан боғида абадий ҳаётга эришиши учун гуноҳдан сотиб олишини лозим эди.

Оқибат (ҳеч қандай муболағасиз) лаънатлар кетма-кетлиги эди. Илонга айтилган лаънатда бир оз башорат бор эди. Худо Момо Ҳавога унинг зоти билан илоннинг зоти ўзаро душман бўлишини айтади: “Шунда Худованди Карим илонга айтди...Сен билан хотин орасига, сенинг зотинг билан унинг зоти орасига адоват соламан” (Ибт. 3:14-15, 2008 таржима). Момо Ҳавонинг авлодлари ким эди? Инсоният эди. Илоннинг уруғи ким эди? Мана буниси янаям мавҳумроқ. Ҳаворий Юҳанно бизга мисоллар келтиради – булар Исодан нафратланган яҳудий йўлбошчилар эди. “Сизларнинг отангиз – иблисдир” (Юҳ.8:44). Исо ўзига хиёнат қилувчи Яҳудо Ишқариётни иблис деб атагани (Юҳ.6:70). Илоннинг зотлари Худонинг режасига қарши чиқадиган ҳар бир киши бўлиши мумкин.

Ёмон уруғ

Бошқа муаммолар пайдо бўлиши учун кўп вақт кетгани йўқ. Одам Ато ва Момо Хавонинг фарзандларидан бири қотилга айланди. Қобил укаси Ҳобилни ўлдириб қўйди, бу билан ўзининг “қабихлигини” кўрсатди (1 Юҳ.3:12). Муқаддас Китоб ҳикоясида одам зоти кўпайиб борган сари гуноҳнинг ҳам сони ўсиб борди (Ибт.6:5).

Энди бўлса яна битта ғайриоддий, (гарчи бу ҳақда якшанба кунги ваъзларда унча кўп тилга олинмасда), ёвузликнинг ер юзида тарқалиб боришига катта таъсир қилган гуноҳ иш ўртага чиқди. Бу сафар исён қилганлар сони бирдан ортиқ эди. Ибтидо 6:5 да инсоният орқали тарқалиб бораётган ёвузлик, Ибтидо 6:1-4 даги Худо ўғилларининг Нефилим насли сифатида маълум бўлган ерлик фарзандларига оталик қилишлари ҳақидаги воқеа билан бевосита боғланган.

Аслида нималар содир бўлганини Ибтидо китобининг бошқа ҳеч бир жойида учратмаймиз, лекин бу воқеанинг кичик бир қисми Муқаддас Китобнинг яна бир бошқа қисмида, ҳамда Муқаддас Китобдан ташқари яҳудий анъаналарида учрайдики, Янги Аҳд муаллифлари буни яхши билишган ва ўз китобларида ундан иқтибос келтиришган.

Масалан, Бутрус ва Яҳудо фаришталар тўфондан олдин гуноҳ қилишганлари ҳақида ёзишади (2 Бут. 2:4-6; яна қ. Яҳудо 5-6). Улар айтган нарсаларнинг баъзи бирлари Муқаддас Китобдан ташқарида яҳудий манбалардан олинган. Бутрус ва Яҳудо бу гуноҳни содир этган илоҳий зотлар ер тубидаги зиндонларга қамалганлар – бошқача қилиб айтганда, улар жаҳаннамда жазо муддатини ўташмоқда – ва ҳукм кунигача ўша ерда сақланадилар. Худо сўнгги ҳукмини чиқарганда, улар устидан ҳам ҳукм чиқаради, буни Муқаддас Китоб “Эгамизнинг куни” деб атайди.

Бутрус ва Яхудо мурожаат қилган манбалар Муқаддас Китоб олимларига яхши таниш. Улардан бири 1Эноҳ деб аталган китобдир. Бу китоб Исо яшаган даврдаги яҳудийлар ҳамда илк масихий жамоатлар имонлилари орасида оммабоп бўлган, гарчи у муқаддас ва илоҳий Рухдан илҳомланган ҳисобланмаса-да. Шунга қарамай, Бутрус ва Яхудо бу китобнинг баъзи парчаларини муҳим ҳисоблан ва ўз мактубларига киритишни маъқул кўрганлар.

Бу манбалар шуни таъкидлайдики, Худо ўғиллари, ёки инсониятга илоҳий билим бериш орқали “ёрдам беришни” исташган ва охир-оқибатда бу мақсаддан чалғиб кетганлар, ёхуд ўз суратларини олиб юрувчиларни яратиш орқали Худога тақлид қилмоқчи бўлганлар. Манбалар яна ёвуз руҳлар қаердан пайдо бўлишганини ҳам тушунтириб беришади. Ёвуз руҳлар тўфондан олдин ва тўфон пайтида ўлдирилган Нефилим авлодларини тарк этган руҳлардир. Улар ер юзини айланиб, одамларни таъқиб қилишмоқда ва инсон танасига кириш йўлини излашмоқда. Муқаддас Китобнинг Ибтидодан кейинги китобларида, Ибтидо 6:1-4да тилга олинган баҳодирлар насли (Нефилим авлодлари) Иноқ ва Рафа деб аталади (Саҳ. 13:32-33; Қон. 2:10-11). Ушбу Рафа наслининг баъзилари улкан илон улоқтирилган ўликлар диёрининг тубликларида ҳам кўзга ташланади (Иш. 14:9-11). Янги Аҳд муаллифлари кейинчалик бу жойни жаҳаннам деб аташади.

Бу ғоялар бизга шуни кўрсатадики, дастлабки яҳудий муаллифлар Ибтидо 6:1-4 даги таҳликани яхши тушунишган. Худонинг ўғиллари Адан боғини, илоҳий зотлар билан одамзот бирга мавжуд бўлган маконни ўзларича қайта шакллантиришга тиришаётган эдилар. Улар ер юзида нималар содир бўлиши мумкинлигини Худодан кўра яхшироқ хабардор бўлишни кўзлаган эдилар, худди энг дастлабки душманмиз каби. Худонинг ўз

хукмронлигини қайта тиклаш режасини ўзгартириш шундоқ ҳам нозик бўлиб турган вазиятни бадтар қилиб юбориш билан якунланди.

Ибтидо 6:1-4 даги ҳодиса нафақат Илон наслининг даҳшатли акс-садоси – Худоба қасддан қаршилик қилиш – балки бўлажак ёвуз ишларнинг дебочаси ҳам бўлди. Мусо ва Ёшуа пайтида, улар ваъда қилинган ерга даъво қилаётганларида дуч келган баъзи душманлар ўша ерга тарқалиб кетган баҳодирлар насли эди (Қон. 2-3). Бу баҳодирлар турли номлар олган эдилар. Саҳрода китоби 13:32-33 да улар Иноқ насли деб аталган. Улар айнан Нефилим авлодлари, яъни Ибтидо 6:1-4 да тилга олинган Худо ўғилларининг авлодлари дейилади. Эски Аҳд бизга, Исроил халқи, бу тоғдай келадиган душманлар билан шоҳ Довуд давригача урушиб келганлар. Довуд Гўлиётни ер тишлатган (1 Шом. 17), унинг баъзи одамлари ҳам Гўлиётнинг оға-иниларини ўлдириб, ҳавфга барҳам берган эдилар (2 Шом. 21:15-22).

Бу нима учун муҳим

Илонга башорат қилинган лаънат ва бунинг орқасидан илоҳий зотларнинг гуноҳга ботиши, илоҳиётшунослар руҳий жанг деб атайдиган, яъни эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, Худо ва Унинг халқига қарши узоқ давом этадиган жангдир. Бу иккита оламдаги: кўзга кўринар ва кўзга кўринмас оламдаги жанггоҳда борадиган урушдир.

Нечоғлик ғалати бўлишига қарамасдан, ушбу ҳикоялар бизга муҳим бир сабоқ беради: гап инсон тақдирига бориб тақалганида, Худо илоҳий рақибга эга эди. Унинг рақибби ҳали ҳам мавжуд. Худонинг ер юзи ва инсоният ҳақидаги иродасига қарши чиқувчилар, руҳий оламда ҳам, инсоният орасида ҳам, тирик ва соғ-саломат юришибди. Бироқ ер билан осмон шоҳлигини қандай бирлаштириш ҳақида Худонинг ўз режаси бор. Душманларнинг тўсқинлиги жазоланмай қолмайди. Инсониянинг Худо олдида кадри

баланд. Худонинг инсоний оиласи учун тузган ўз режасини ўзгартириб ёхуд барбод қилиб бўлмайди.

Бу парчалар бизга ижобий сабоқ ҳам беради. Модомики, Худога қарши узундан-узок уруш, Худонинг эркинлик хусусиятини бўлишадиган, Унинг суратини олиб юрувчи инсонлар ва илоҳий зотларни яратиш қарорига бориб тақалар экан, Худо ёвузлик *сабабчиси* бўла олмайди.

Муқаддас Китобда, Худонинг Ўз суратини олиб юрувчиларни итоатсизликка итарганлиги, ёки уларнинг итоатсизлигини азалдан белгилаб қўйилганига ишора йўқ. Худонинг келажакдан хабардор бўлгани, келажак аввалдан белгилаб қўйилганини англатмайди. Биз буни 1 Шомуил 23:1-14 каби парчалардан аниқ биламиз; унда Довуд Кейлах шаҳрини Филистликлардан қутқаргани ҳақида айтилади. Жангдан сўнг, Шоул Довуд шаҳарда эканини билиб олди. Шоул анчадан бери Довуднинг жонига қасд қилиб юрган эди, у, Довуд тахтини олиб қўйишидан қаттиқ кўрқарди. Шовул Довудни шаҳар деворлари ичида тузокқа тушириш умидида Кейлахга қўшин юборди. Довуд Шоулнинг режасини эшитганида, у Худодан шундай деб сўради:

“Кейлахликлар мени Шоулнинг қўлига тутиб берадими? Бу қулингнинг эшитганлари ростми, Шоул бу ерга келадими? Эй, Исроил халқининг Худоси – Эгамиз, ўтиниб сўрайман, бу қулингга аён эт!”

“Шоул келади...Ҳа, тутиб беради”, - деди Эгамиз. (1 Шом. 23:11-12)

Шундан сўнг Довуд ҳаммамиз қилишимиз мумкин бўлган ишни қилди – у шаҳардан мумкин қадар тезроқ чиқиб кетди. *Мана шу нарса нима учун Худонинг содир бўлажак воқеаларни олдиндан билиши, уларнинг азалдан белгилаб қўйилмаганлигини билдиради.* 1 Шомуил 23-бобда, Худо ҳеч қачон содир бўлмаган иккита воқеани олдиндан билгани бор.

Илоҳий зотларнинг исён қилиши ва инсониятнинг панд беришини олдиндан билганлиги Худо бу нарсалар *содир этдирганини* англамайди. Олдиндан хабардор бўлиш азалдан белгилаб қўйишни талаб этмайди.

Гуноҳга тушиш воқеаларига мана шу нуқтаи назардан қарашимиз лозим. Худо Одам Ато ва Момо Ҳавонинг гуноҳ қилишини билган. Лекин У бундан тажжубланмаган. У ҳамма нарсани билади; содир бўлаётган ва содир бўлиш эҳтимоли бор нарсаларни ҳам. Бироқ, ҳам инсонлар, ва ҳамда инсониятни исён қилишга ундаган илоҳий исёнкорлар томонидан, Ўз дунёсига ёвузлик ва исённинг кириб келишини олдиндан кўра олганлиги, Худонинг Ўзи бунга сабабчи бўлганлигини англамайди.

Ҳаётимизда ва яшаётган замонамизда бошимиздан ўтказадиган ёвузликларга худди шундай қарашимиз мумкин ва зарур. Худо гуноҳни олдиндан кўра олди ва уни бартараф этиш учун бир режа ҳозирлади. У, яна, бизнинг гуноҳкор бўлиб туғилишимизни ва панд беришимизни (кўп мартаба – очикчасига айтаверлайлик) ҳам билди. Бироқ бу муваффақиятсизликларни У азалдан белгилаб қўйгани йўқ. Гуноҳ содир этганимизда, ўша гуноҳга ҳоким (эга) лозим. Биз гуноҳ қиламиз, чунки ўзимиз шуни танлаймиз. Худо шуни ирода этди, ёки бошқа чорамиз йўқ эди, чунки бу азалдан белгилаб қўйилган эди, дея олмаймиз.

Худонинг бизга бўлган муҳаббати шундан далолатки, “биз ҳали гуноҳга ботган чоғимизда, Масих биз учун ўлди” (Рим. 5:6-8). У бизни нималар қилишга қодирлигимизни билишидан қатъий назар севди. У бизга нафақат гуноҳ қилиш эркини, балки хушхабарга имон келтириш ва Масих учун яшаш эркини ҳам берди.

Худо яна шуни биладики, одамлар билан, ҳатто масихийлар билан ҳам ёмон нарсалар содир бўлиши мумкин – буни биз ҳам ўз тажрибамиздан биламиз. Ёвузлик нима учун

дунёда мавжуд, чунки одамлар (ҳамда илоҳий зотлар) ёвузлик қилиш эркига эга. Бизнинг Худойимиз ақлсиз Тангри эмаски, даҳшатли нарсаларни азалдан белгилаб қўйса, ёки буюкроқ режамалари амалга ошиши учун қўрқинчли жиноятлар ва гуноҳлар содир бўлишига муҳтож бўлса. Худо ёвузликка муҳтож эмас, тамом-вассалом. Унинг режалари мана шу нарсага (ёвузликка) қарамасдан олға силжийверади – унинг устидан ғолиб чиқади ва уни бутунлай маҳкум этсин.

Нимага Худо ёвузликни ҳозирнинг ўзидаёқ тугатиб қўя қолмайди деган савол туғилиши мумкин. Бунинг сабаби бор: Худо ёвузликни бутунлай олиб ташлаши учун Ўзининг суратини олиб юрган инсонлар ва илоҳий зотларни ҳам бутунлай йўқ қилиб ташлаши лозим, чунки улар Худо каби комил эмас. Бу албатта муаммони ҳал қилган бўларди, бироқ бу шуни англатардики, Худонинг, Ўзи билан бирга яшаб, ҳукмронлик қиладиган илоҳий зотлар ва одамзотларни яратиш ҳақидаги илк режаси катта хато бўлган бўларди. Худо эса хато қилмайди.

Биз яна Худо инсонларга умуман эркинлик бермаслигини истаган бўлардик, бироқ ундай бўлса, биз қаерда бўлган бўлардик? Бизга эркинлик беришни танлаш билан, Худо бизни онгсиз қуллар ёки роботлар каби бўлмаслигимизни ҳам танлади. Бу эса ирода эркинлигининг муқобилидир. Лекин, эркинлик, биз Худо билан бирга бўлишадиган хусусият бўлгани учун, бусиз аслида Худонинг суратини олиб юрувчилар бўла олмас эдик. Худо темир одам эмас. У бизни Ўзи каби қилиб яратди. Бу ҳеч қандай хато ҳам эмас эди. Худо инсониятни шунчалик севганидан, бунинг муқобилига қарор ҳам қилган эди. Дунёга ёвузлик кириб келганидан сўнг, инсониятни гуноҳдан қутқариш, Адан боғини янгитдан аратиш, ҳамда ҳар бир кўз ёшини артиб олишнинг иложисини ҳам ўйлаб қўйди. (Вах. 7:17; 21:4).

Худога қарши узоқ курашга назаримиз ҳали ҳам шаклланмоқда. Худонинг жанг қилиш стратегияси бор. Бироқ, У дастлабки қадамини ташлаб улгурмасидан, вазият ёмон томонга ўзгариши мумкин.

БЕШИНЧИ БОБ

Самовий география

Аввалги бобда кўриб чиққан гуноҳларнинг умумий жиҳати бор. Ҳар иккаласи ҳам ғайри-инсоний исёнлар бўлиб, Худонинг инсоният учун режаси ва ҳукмронлигини қайта тиклаш режасини ўзлаштириб олиш мақсадига қаратилган эди. Бу бобда эса, биз бошқа бир исённи, инсонлар томонидан содир этилган исённи кўриб чиқамиз.

Ушбу исён мураккаб бир вазиятни келтириб чиқарган бўлиб, бизлар ҳали ҳам унинг бир қисми бўлиб келамиз, ҳамда бу қийин вазият ғайриоддий мавжудотларни ўз ичига олади. Худонинг қайта тиклаш стратегияси учун кураш ёмон тус олди, энди Исонинг қайта келишигина буни буткул ҳал қилади.

Бобил минораси

Бобил Минораси ҳақидаги ҳикоя (Ибт. 11:1-9) бир вақтнинг ўзида ҳам энг таниқли, ҳам энг тушуниш қийин бўлган воқеалардан биридир. Болалар якшанбалик мактабларида, буни Худо ер юзидаги инсонларнинг тилини аралаштириб юборган вақт сифатида ўрганишади.

Тўфондан сўнг, Худо Одам Ато ва Момо Ҳавога ер юзигини тўлдириш ҳақида берган амрни яна бир бор такрорлайди. У инсоният орқали Ўз ҳукмронлигининг таъсирини кенгайтириш учун старт бермоқчи эди. Яна бир бор, бу иш чиппака чикди. Одамлар рад этишди. Юракларида исён билан, улар бунданда яхшироқ ғоя ўйладилар, ёки шундай деб ўйлашарди. *Улар ер юзига тарқалиб кетмаслик учун* минора қуришга қарор қилишди (Ибт. 11:4). Бундаги мантиқ ақлга сиғмасди. Албатта, бундай ажойиб минора уларни

машҳур қилиши мумкин эди (Ибт. 11:4), бироқ бу нарса қандай қилиб уларни ер юзига тарқалиб кетишдан сақлаб қолиши мумкин?

Саволга жавоб миноранинг ўзидадир. Муқаддас Китоб олимлари ва археологлари қадимги Бобил ва атрофдаги шаҳарлар зиггурат деб аталган миноралар қуришганидан хабардорлар. Зиггуратларни қуришдан мақсад, одамларга худолар билан учрашадиган жой қилиб бериш бўлган. *Улар маъбад ҳудудининг бир қисми бўлишган.* Дунёни Адан боғига айлантириш – Худо ҳақидаги билимни тарқатиш ва ҳамма ерда унинг ҳукмронлигини ўрнатиш ўрнига – бу одамлар Худони ерга, ўзлари тайинлаган жойга туширишни истаганлар.

Бу эса Худонинг режаси эмас эди, ва У бундан мамнун эмасди. Шу сабабли, У яна бир бор Ўз кенгаши аъзоларига юзланиб: “Келинлар, пастга тушиб уларнинг тилларини аралаштириб юборайлик”, - дейди (Ибт. 11:7). Худо худди айтганидай қилди ва инсоният бир-биридан ажраб, тарқалиб кетди. Бу воқеа Ибтидо 10-бобда тилга олинган халқлар қаердан келиб қолганини изоҳлаб беради.

Бу воқеаларни кўпгина масиҳийлар яхши билишади. Ана энди улар билмаган нарса ҳақида гаплашамиз.

Худолар ва уларнинг халқлари

Ибтидо 11- боб Бобил минорасида содир бўлганларни тасвирлаб берадиган ягона парча эмас. Қонунлар 32:8-9 буни шундай тасвирлайди:

Худойи Таоло халқларга ерни бўлиб берганда,
Одамзодни ер юзига тарқатганда,
Халқларнинг чегараларини,
Илоҳий зотлар сонига кўра белгиланганди.
Ёқуб наслини эса Эгамиз Ўзига улуш қилиб олди,
Исроилни Ўз насибаси қилди.

Муқаддас Китобнинг баъзи таржималарида, биринчи гаптаги “илоҳий зотлар” ўрнига “Исроил ўғиллари” ишлатилган. Бироқ *Бобил минораси қурилган пайтда Исроил мавжуд бўлмаган*. Худо Иброҳимни фақатгина Бобил минорасидан кейин чақирган (Ибт. 12). “Исроил ўғиллари” тўғри деб айтолмаймиз. “Худо ўғиллари” Ўлик денгиз битикларида, Муқаддас Китобнинг энг қадимий қўлёзмаларида топилган атамадир. Муқаддас Китобнинг ESV (Инглизча Стандарт Таржима) нусхаси буни тўғри ишлатади.

Сўзларни тўғри ишлатиш муҳимдир. Худо халқларни бўлиб ташлаганда, *улар Худо ўғиллари ёки илоҳий зотларга бўлиб берилган*. Худо халқларни илоҳий кенгаши аъзоларига улуш қилиб берди. Нима учун бошқа халқлар бошқа худоларга сажда қилиб бошлаганларини Муқаддас Китоб шундай изоҳлайди. Бобил минорасигача, Худо бутун инсоният билан муносабат ўрнатишни хоҳлаган эди. Бироқ Бобилда содиб бўлган исён буни ўзгартириб юборди. Худо бошқа халқларни илоҳий кенгашининг аъзолари бошқаришларини хоҳлади.

Худо инсониятни ҳукм қилди. Ҳатто тўфондан сўнг ҳам, улар Худо Адан боғида бошлаган шоҳлик режасини давом эттирмадилар. Шу сабабли, Худо бошқа бир янги халқни, Қонунлар 32:9 Худонинг “улуши” деб атаган Ёқуб наслини яратишга қарор қилди. У буни амалга оширишни Ибтида 12-бобда Иброҳимни чақириш билан бошлади, бу эса Бобил минораси воқеасидан кейинги бобдир.

Худонинг халқларни бошқа худоларга улуш қилиб бериши бутун Эски Аҳдни қамраб олади. Қандай қилиб дейсизми? Эски Аҳднинг қолган барча қисмлари Исроилнинг Худоси ва Унинг халқи ҳақида, ҳамда Исроилнинг бошқа халқларнинг худолари ва уларга сажда қилиб яшайдиган одамлар билан низолари ҳақидадир.

Бу Худонинг илк нияти эмас эди. Ҳа, Унинг Бобил минорасида халқларга нисбатан қилганлари ҳукм эди, бироқ Худо ҳеч қачон халқларни абадий ташлаб қўйишни назарда тутмаган. Худо Иброҳим билан аҳд тузганида, “Ер юзи одамлари Иброҳим ва унинг зоти орқали барака топишини” аниқ қилиб айтганди (Ибт. 12:3). Худо қачонлардир, халқларни Ўзининг оиласига қайтариб келишни режалаштираётган эди.

Павлус буларнинг барчасини яхши билган. Афина шаҳрида маъжусий файласуфларга қилган ваъзида у шундай деган эди:

Худо барча одамзотни битта одамдан яратиб, ер юзига тарқалиб яшашига йўл қўйган. Инсониятнинг белгили даврларини, турли истиқомат жойларини Худо тайин этган. У ҳар биримизга жуда яқин бўлиб, пайпаслаб-пайпаслаб бўлса-да Мени кидириб топинглар деб буюрмоқда. (Ҳав. 17:26-27, 2008 таржима)

Мусо орқали, Худо Ўз халқини “самовий қўшинларга” сажда қилмаслик ҳақида огоҳлантирганди (Қон. 4:19-20), бу атама яна қаердадир илоҳий кенгаш аъзоларига нисбатан ишлатилади (1 Шох. 22:19). Ҳаворийлар 17:26-27 да, Худо халқлар Уни кидириб топишини мақсад қилгани яққол айтилади.

Бироқ халқлар устидан ҳукмрон қилиб тайинланган худолар бу режага иккита йўл билан халақит беришди.

Бундан аввалроқ, Забур 82:1 санода Худо кенгаш аъзолари бўлган худоларни йиққан эди. Нима учунлигини санони тўлиқ ўқиб чиққанимиздан кейин тушунамиз. Халқларнинг худолари уларни адолатсиз бошқарган эдилар – бу эса Худонинг асл нияти ва адолат тамойилларига зид бошқариш эди. Мажлис бошланиши биланок Худо уларни айблади: “Қачонгача сиз ноҳақ ҳукм қиласиз, фосиқ одамларга юз-хотир қиласиз?” (Заб. 81:2). Уларнинг адолатсизлиги учун, кейинги иккита оятда яхшилаб койигандан сўнг, Раббимиз худоларнинг, зулмат ичида юрган халқлар ҳақиқий Худога қайтиб келишларига ёрдам беришда қандай панд берганларини тасвирлайди: “Улар билмасдан ва англамасдан зулматда кезмоқда, ҳатто ернинг негизлари ларзон урмоқда” (Заб. 82:5, 2008 йил таржима).

Бахтга қарши, улар ҳақиқий Худони излаб топиш ўрнига, “Эгаси тайинламаган” худоларга сажда қилишга берилиб кетишди (Қон. 29:26; яна қаранг, 32:17). Худонинг бунга қарши жавоби тез ва кескин бўлди (Заб. 81:5, 2008 таржима): “Мен айтдим, сизлар

худоларсиз, ҳаммангиз ҳам Таолонинг ўғилларисиз. Шунга қарамай инсон каби ўласизлар, ҳар қандай раис каби йиқиласизлар”.

Худолар умрбоқийлик хусусиятини йўқотиб (Заб. 81:7), одамлар каби ўлимга юз тутиши мумкин. Бошқа парчалардан шуни биламизки, Бу ҳукм охириги замон билан боғлиқ нарса эканини бошқа парчалардан биламиз (Иш. 34:1-4). Забур 81-чи санонинг охирида, муаллиф, Худо ниҳоят барча халқларни Ўзининг мероси деб эълон қиладиган кун келишига умид қилади. Унинг нияти Янги Аҳдда амалга оширишини кейинроқ кўриб чиқамиз.

Қонунлар 32-бобга асосланган дунё караш

Қонунлар 32-бобдаги дунёқараш туфайли, Муқаддас Китоб географияси самовий географияга. Ер ёки муқаддас, яъни Эгамизга бағишланган замин, ёхуд бошқа бир худонинг маконига бўлинади. Бундай дунёқараш Муқаддас Китобнинг кўпгина қисмларида акс этган. Мисол учун, Эски Аҳддаги Дониёр китоби бегона халқларга илоҳий “шаҳзодалар” бошқарган халқлар деб ишора қилади (Дон. 10:13; 20-21). Мана бошқа бир мисол: Довуд шоҳ Шоулдан қочиб кетаётганида, Исроилдан Филистлар юртига ўтиб кетишга мажбур бўлган эди. 1 Шомуил 26:29 да, Довуд “Улар Эгамизнинг юртидан мени ҳайдаб, бошқа бегона худоларга хизмат қил деяётгандай бўляпти”, деб хайкирган эди (2013 таржима). Довуд ўз Худосини бошқа худоларга алишаётгани йўқ эди. Яна у Худо ҳамма ерда мавжудлигини ҳам инкор этмётганди. Бироқ, Исроил муқаддас ер эди, ҳақиқий Худога тегишли бўлган замин эди. Довуд бошқа бир худонинг маконида сиқилиб қолган эди.

Юқоридаги фикрни тасдиқлаб берадиган Эски Аҳддаги энг севимли ҳикоям 2

Шоҳлар 5-чи бобдир. Нўъмон Сурия қўшини қўмондони эди. У моҳов касалига йўлиққан

эди. Элишайнинг маслаҳатига амал қилиб, Ўрдун дарёсида 7 марта шўнғигандан кейин, у мўжизавий тарзда шифо топган эди. Шунда Нўъмон Элишайга “Бутун ер юзида Исроилнинг Худосига ўхшаши йўқлигини биламан”, дейди (5:15). Пайғамбар тўлов олишдан бош тортади, шунда Нўъмон камтарлик билан, уйига олиб кетиши учун эшагига тупроқ ортиб олишга изн сўрайди. *Тупроқ?* Нима учун тупроқ сўраб олиш керак бўлиб қолди? Чунки бу ер Исроилнинг Худосига тегишли эди. Бу муқаддас тупроқ эди.

Янги Аҳдда ҳам худди шундай фирклашга дуч келишимиз тасодиф эмас. Павлус душманона илоҳий зотларга нисбатан қатор ибораларни ишлатади (Эф. 1:20-21; 3:10; 6:12; Кол. 1:16; 2:15): хукмронлар, ҳокиму ҳокимиятлар, салтанат, тахту тожлар. Буларнинг қандай умумий жиҳатлари бор? Буларнинг барчаси ҳамма билган атамалар бўлиб, географик хукмронликни тасвирлаш учун ишлатилган.

Ҳаворий Павлус Коринф шаҳридаги жамоатга иккита мактуб ёзиб, ўзи эшитган муаммоли вазиятларга диққатини қаратади. Биринчи мактубда, жамоат оқсоқолларига жинсий гуноҳлардан тавба қилмай яшаётган одамни жамоатдан чиқариб юборишни айтади (1 Кор. 5:1-13). Шуниси қизиқки, у “бундай одамни шайтонга топшириб қўйишлари” керак бўлганини ёзади (1 Кор. 5:5). Бундай сўз ишлатилиши қандай маъно касб этади?

Павлуснинг айтганлари фақатгина Эски Аҳднинг самовий-географик дунёқараши фонига нисбатангина аҳамият касб этади. Эски Аҳд теологиясида, Эгамизнинг “улуши” Исроил бўлган ва У исроилликларга бермоқчи бўлган Канон юрти бўлган. Унинг ҳузури ерни табаррук қилган – уни муқаддас қилган. Даставвал, Яхвенинг ҳузури чодирда кўним торган. Исроилликлар дам олишга тўхтаб, қароргоҳ қурганларида, аҳд сандиғи марказга жойлаштирилиб, Исроил қароргоҳини муқаддас ер сифатида чегаралаб берган.

Кейинчалик, Исроил халқи Канон юртини эгаллаб олганидан сўнг, Яхвенинг хузури маъбадда ҳозир бўлиб, ваъда қилинган ерни муқаддас ер сифатида табаррук қилиб берган – Яхве ва Унинг халқи Исроил энди ўз уйларини топгандилар. Энди бўлса, Яхвенинг хузури имонлиларда макон қилган – бизлар Худонинг маъбадимиз (1 Кор. 6:19; 2 Кор. 6:16; Рим. 8:9). Бу шуни англатадики, Масихнинг бадани Худонинг янги одамлари, янги Исроилдир. Павлус буни Галатияликларга 3 да аниқ яққол кўрсатиб беради:

Иброҳимнинг ҳақиқий фарзандлари Худога имон келтирган одамлардир...

Шундан билинларки, ким имонга эга бўлса, у Иброҳимнинг ўғли саналади. Сизлар Масихни тан олиб, сувда имон келтирдингизлар ва ҳар бирингиз Масихни кийиб олдингизлар. Энди на яҳудий бор, на юноний, на қул бор, на озод, на эркак бор, на аёл. Сиз Исо Масих уммати бўлганингиз учун, ҳаммангиз бирсизлар. Агар Масихники бўлсангизлар, у ҳолда Иброҳимнинг ҳам зурриётисизлар, шунингдек, Худо Иброҳимга ваъда қилган меросдан баҳрамандсизлар. (Гал. 3:7, 26-29, 2008 таржима).

Имонлилар ва улар топиниш учун йиғиладиган жойлар муқаддас бўлгани туфайли, бу жойлар гуноҳдан ҳоли бўлиши лозим. Исроилликларнинг қароргоҳидан ташқари жойлар ва атрофдаги бошқа худолар ҳукмронлиги остида яшаётган халқлар, муқаддас бўлмаган жойлар сифатида тушунилгани учун, Янги Аҳд даврида ва ҳозирги кунда ҳам, дунё макруҳ жой ҳисобланган. Павлуснинг, гуноҳлари учун тавба қилмайдиган имонлиларни дунёга, шайтоннинг ҳокимияти остига қайтариб юбориш амри шундан келиб чиқади. Жамоатдан ҳайдалиш табаррук бўлмаган ерга қайта жойлаштиришни англатган. Гуноҳнинг жойи ўша ерда эди.

Бу нима учун муҳим

Самовий география, Худонинг Бобилда халқларни ҳукм қилиши оқибати бўлиб, Исроил халқи бошидан ўтказадиган қийинчиликларнинг сабабидир. Бу яна хушхабар учун замин ҳам ҳозирлади. Исо хочда амалда оширган ишнинг хуш хабари шундан иборат бўлдики, энди фақатгина яҳудийлар эмас, балки Исога имон келтирган ҳамма Худонинг халқи саналади (Гал.3). Исонинг шогирдлари бутун дунёга тарқалиб боргани сайин, шайтоннинг салтанати Худонинг худудига айлана боради. Худонинг шоҳлиги илгарилаб, халқлар устидан ҳукмронликни қайта қўлга киритади.

Бундан хулоса шуки, бу дунё бизнинг ватанимиз эмас. Зулмат ер юзига ёриб кирди. Исога имон келтирмаганлар, моҳиятан руҳий кучларнинг асиридир. Озод бўлишлари учун уларга хушхабар етказилиши керак. Яна шуни унутмангки, бизнинг қуролимиз хушхабардир. Бизга подшоҳликлар ва ҳокимиятлар билан тўғридан-тўғри юзлашишга ваколат берлимаган. Ҳаворийлар айнан мана шу нарса учун бизга бирон-бир руҳий инъом ато этишмаган. Бироқ хушхабарни имон билан ёйиш, воқеалар ривожини ўзгартириб юборади. Буюк Топширик руҳий кураш режасидир. Бу ҳақда келгуси бобларда кўпроқ ўрганамиз.

Бошқа бир хулоса: Биз ҳар бир ҳақиқий имонлилар йиғинига муқаддас замин деб қарашимиз лозим. Имонлилар жамоатининг ташқи кўриниши, бинолари, ва майдони Худо учун аҳамиятсиз. Аҳамиятлиси, қаерда икки ёки уч киши йиғилса, Исо уларнинг орасида бўлишидир (Мат. 18:20). Коинот табаррукдир. Ҳар бир имонлилар жамоати, қанчалар кичик ёки яхши танилмаган бўлмасин, руҳий курашнинг олдинги сафларида бўлишади. Ҳар бир жамоатга бир хил вазифа берилган. Зулмат кучлари эса биздан устун келолмас.

Биз Исонинг хизматига тўхталганимизда, самовий география ғоясига яна қайтамиз. Ҳозирча эса, уруш чизиғи аллақачон тортилган. Дунё халқлари Худо томонидан ҳукм қилинган ва меросдан маҳрум қилинган. Унинг ҳамма нарсани бошқатдан бошлаб, Ўз улуши ва халқини қайтадан барпо этиш фурсати етди.

ОЛТИНЧИ БОБ**Калом, Исм, ва Фаришталар**

Охирги бобда Муқаддас Китобнинг самовий географияси ҳақида ўрганган эдик.

Бобил минорасида инсоният кўтарган исёнга жавобан, Худо халқлардан юз ўгирган эди. У уларни Ўзининг самовий кенгаши аъзоларига, яъни Худонинг ўғилларига улашиб берган эди (Қон. 32:8-9). Ўзи воз кечган халқларнинг ўрнини эгаллаши учун, У уммати бўладиган янги халқни яратиши керак эди. Улар Худонинг ердаги шоҳлигини янгилаш йўлида Унинг вакиллари бўлишлари керак эди. Бироқ бу вазифа даҳшатли қийинчилик бўлиши ўз исботини топган, чунки бошқа худолар ва уларнинг ҳукмронлиги остидаги одамлар Исроил ва Худонинг ашаддий душманларига айланишганди.

Худонинг янги халқи Ибром исмли одамдан бошланди, кейинчалик эса унинг исмини Иброҳим деб ўзгартирди. Бобилдаги ҳукмдан кўп ўтмай, Худо уни йўқлади.

Иброҳим дунёни кўради

Кўпгина масиҳийлар Ибтидо 12-бобдаги Худонинг Иброҳимни йўқлаши ҳикояси билан танишлар. Худо Иброҳимга ўз уйини тарк этиб, ҳали бориб кўрмаган мамлакатга қараб йўл олишни айтади. Худо унга йўл кўрсатишга ваъда беради. У Иброҳимга сенинг Худойинг бўламан дейди, ҳамда у билан махсус аҳд тузишга ваъда беради. Иброҳим билан Соро қартайиб қолишганига қарамай, уларга ўғил кўришларига қувват беради. Мана шу ўғилдан кўпдан-кўп халқлар – Худонинг ердаги янги оиласидан бўлган халқлар келиб чиқади. Ер юзидаги барча халқлар улар орқали барака топадилар.

Иброҳимнинг Худо билан юзлашиши самодан келадиган, ёки Иброҳимнинг миясида пайдо бўладиган овозлар бўлиши мумкин деб ўйлашга мойилмиз. Балким Худо тушда

намоён бўлгандир. Муқаддас Китоб Худонинг бошқа пайгамбарлар ва одамларга шу каби нарсалар қилгани ҳақида яққол айтади. Лекин Иброҳим билан содир бўлган нарса бошқа эди. Худо бунданда ақлни шоширадиган иш қилди. У одам қиёфасида келди. У Иброҳим билан юзма-юз суҳбатлашди.

Ибтидо 12:6-7 да бунга ишора қилинади. Муқаддас Китоб Худо Иброҳимга *зоҳир* бўлганидан далолат беради. Учта бобдан кейин Худо яна зоҳир бўлади (Ибтидо 15:1-6). Бу сафар Худо Иброҳимга *ваҳийда* “Худованднинг каломи” бўлиб келди. Бу одамнинг миясида пайдо бўладиган овоз эмасди, чунки бу “калом” Иброҳимни ташқарига олиб чиқиб, осмондаги юлдузларни кўрсатади ва унинг зурриётларини саноғига етиб бўлмаслигига ишора қилади (Ибт. 15:5).

Бошқа ҳолатларда Худо Иброҳимга одам сифатида намоён бўлган (Ибт. 18). У Исҳоқ билан, яъни Ўзи ваъда қилиб берган ўғил билан ҳам (Ибт. 26:1-5), ҳамда Исҳоқнинг ўғли Ёқуб билан ҳам худди шундай йўл тутди (Ибт. 28:10-22; 31:11-12; 32:24-30).

Худонинг “каломи” ёки овози, Унинг Ўзини инсон шаклида ифодалашининг усули бўлиб, кутилмаган жойларда намоён бўлган. Энг яхши кўрган мисолларимдан бирини 1 Шомуил 3-бобда топиш мумкин. Ёш Шомуил ухлашга ётган вақтида, исмини айтиб чақираётган овозни бир неча марта эшитади. Ахири, Рухоний Элах, Шомуилни чақираётган Худо эканлигини пайқаб қолади (Шомуил Элах билан яшаб унинг кўли остида хизмат қиларди). 10-оятда, Худо Шомуилнинг олдида қайтиб келди: “Эгамиз ўша ерда зоҳир бўлди ва олдингидай “Шомуил, Шомуил!” – деб чақирди” (2013 таржима). Бу инсон шаклидаги Худо бўлганини биламиз, чунки оят Уни ўша ерда зоҳир бўлганини айтади, ҳамда мазкур бобнинг сўнггида, “Эгамизнинг каломи” Шомуилга зоҳир бўлиши одатий ҳолга айланиши айтилади (3 Шом. 3:19).

“Худонинг каломи” инсон шаклида зоҳир бўлган пайғамбарларнинг яна бири Еремиё ҳисобланади. Еремиё 1-бобда, у ўзини пайғамбар деб атаб, “калом” унга аён бўлганини айтади. Еремиё “каломни” Худонинг Ўзи сифатида таниган. Эгамиз унга *қўлини теккизган* (Ер. 1:1-9).

Инсон шаклидаги Худо

Худонинг инсон шаклида зоҳир бўлиши, аслида, Эски Аҳд даврига хос намуна бўлиб, У Носиралик Исо сифатида бундан анча кейин келган. Бу ҳақда яхшилаб мулоҳаза қилиб кўрсангиз, бунинг мантиққа тўғри келишини биласиз. Худо бизга умуман ўхшамайди. Муқаддас Китоб бизга ҳеч бир инсон Худонинг асл моҳиятини, Унинг ҳақиқий улугвор ҳузурида туролмаслиги, ва тирик қололмаслигига ишора қилади. Муқаддас Китоб қаҳрамонлари Худога жисман дуч келганларида тирик қолмасликлари кутилган (Ибт. 32:30; Қон. 5:24; Ҳак. 6:22-24). Бироқ улар тирик қолдилар, чунки Худо Ўз ҳузурини инсон онги қабул қила оладиган нарсалар – олов, булут, кўпинча эса одам билан тўсганки, буни аксари имонлилар англаб етмайди.

Кўпгина ҳолларда, Худонинг инсон шаклида намоён бўлиши “Эгамизнинг фариштасига” дуч келиш сифатида тасвирланади. Мисол учун, У Эгамизга ёнаётган бутада зоҳир бўлади (Чик. 3:1-3). Бутада зоҳир бўлган Худо, Мусога Ўз халқини Мисрдан олиб чиқишни ваъда қилади. Худо Байтил йўлида Ёқубга тушида кўриниб (Ибт. 28:10-22), унга Ўзини Эгамиз (Яхве) сифатида танитганди. Кейинчалик эса Худонинг фариштаси Ёқубга бошқа бир тушида намоён бўлиб, аввал Байтил йўлида учратгани ўша Худо эканлигини қатъий таъкидлаган эди (Ибт. 31:11-12).

Кўпгина Муқаддас Китоб муаллимлари бу фариштани Худонинг Ўзи сифатида тан олишга иккиланадилар. Бироқ бу айнан Худо эканлигига бир неча ишончли ишоралар

мавжуд. Худо Мусога қонунларни берганидан кўп ўтмай муҳим бир нарса содир бўлгани эҳтимол. Исроилликлар ваъда қилинган ерга сафарга тайёргарлик кўраётган бир пайтда, Худо Мусога шундай дейди:

Сизларни йўлда муҳофаза этсин, сизларни Мен тайёрлаган ерга олиб борсин, деб олдингизда фариштани юборяпман. Менда зоҳир бўлганим учун, унга эътибор қилингллар, унинг сўзларига қулоқ солингллар. Унга ўжарлик қилмангллар, акс ҳолда у ўжарлигингизни кечирмайди. Агар фариштамнинг айтганларига диққат билан қулоқ солсангиз, Менинг амрларимга итоат этсангиз, душманларингизга душман, рақибларингизга рақиб бўламан. (Чик. 23:20-22)

Бу оддий фаришта эмас. Бу фаришта гуноҳларни кечириши ёки кечирмаслиги мумкин. Бу фаришта Худо билан бир хил исмга эга. Бу ибора ғалати эшитилади, лекин аҳамияти катта. “Исм” Эски Аҳдда Худонинг Ўзига ҳавола қилишнинг бир йўли бўлиб, Худо ҳузури ёки моҳиятининг айнан ўзи бўлган. Масалан, Ишайё 30:27-28 Эгамизнинг исмини одам сифатида – Худонинг Ўзи сифатида гавдалантиради:

Ана, Эгамизнинг *Исми* (таржимон тарафидан кўшилган) узоқдан келмоқда,
 Қалин булут ичида, ғазабга миниб келмоқда.
 Лаблари ғазабга тўла,
 Тили яхламай ютадиган оловдай.
 Унинг нафаси бўйингача келадиган
 Тошқин дарёга ўхшар.

Ҳатто бугунги кунгача яҳудийлар Худога *ха-шем* (“исм”) деб мурожаат қилишади.

Бу фаришта инсон шаклидаги Худо бўлганини билишнинг бошқа йўли,

Чиқиш 23:20-23 ни бошқа парчалар билан қиёслашдир. Мусо ёнаётган бутада учратган фаришта, Худонинг исмини ўз ичида сақлаган фаришта, ҳақиқатдан ҳам исроилликларни Мисрдан ваъда қилинган ерга олиб борди (Ҳак. 2:1-3). Бироқ Эгамиз ҳам (Ёшуа 24:17-18), Худонинг хузури ҳам (Қон. 4:37-38) худди шундай қилганди. Эгамиз, Унинг хузури, ҳамда Эгамизнинг фариштаси ягона шахсга, яъни Худога ишора қилишнинг турлича йўллари дир. Бироқ фаришта инсон қиёфасида гавдаланади.

Муқаддас Китобдаги парчалардан бири бу фикрни энг ишончли тарзда ифодаласа-да, ўта тушунарсиздир. Бу ўлим тўшаги сахна сиздир. Ўлимидан олдин, Ёқуб Юсуфнинг фарзандларини дуо қилмоқчи бўлади. Ўзининг марҳамат дуосида, у ҳаёт давомида Худо билан юзма-юз келган онларни бирма-бир эсга олади. У дуосини шундай бошлайди (Ибт. 48:15-16, 2008 таржима):

“Оталарим Иброҳим ва Исҳоқ Унинг олдида юрган Худо,

Умрим бошидан то бугунгача мени боқиб келган Худо,

Ҳар бир мусибатдан мени халос қилган фаришта...”

Сўнгра, 16-оятда, у “Бу ўсмирларни кут-баракали айласин” деб дуо қилади. У худди иккита бошқа-бошқа шахслар, Худо ва фаришта ҳақида гапиргандақа “Улар ўсмирларни кут-баракали айлашсин” деб айтмайди. У ибодатда уларни битта шахсга бирлаштириради: у бу ўсмирларни кут-баракали айласин.

Ақлни бундан-да шоширадигани Ҳакамлар 6-чи бобдаги Гидўнни чақириш ҳисобланади. Бунда *ҳар иккаласи*, яъни Худо билан фаришта *битта сахнанинг ўзида* кўринади (Ҳак. 6:22-23). Ҳатто Эски Аҳдда ҳам Худо биттадан ортиқ шахс бўлган, ва улардан бири одам бўлиб келган.

Исо: Калом, Исм ва Фариштадир

Мана шу пайтгача муҳокама қилиб келганимиз Худонинг тавсифлари таниш туюлиши керак – улар Исо ҳақида Янги Аҳд айтадиганларининг Эски Аҳддаги талқинидир.

Иброҳим каломни, яъни инсон шаклидаги Худони учратди. Юҳанно 1:1 да ҳаворий “Азалда Калом бор эди. Калом Худо ҳузурида эди. Калом – Худо эди” деб ёзади. 14-оятда ҳаворий Калом “инсон қиёфасига кирди ва биз аро маскан қилди” – дейди. Биринчи асрда яшаган яҳудийлар Юҳаннога кўра хушxabарни ўқишганда, уларнинг фикри Калом бўлиб келган Худонинг ўзига бориб тақаларди. Аслида, Исо Иброҳим “Унинг кунини кўрганлигига”, ҳамда Иброҳим вужудга келмасидан олдин Ўзининг бор бўлганига даъво қилади (Юҳ. 8:56-58).

Мусо Худонинг фариштасини инсон шаклида, ёнаётган бутада ва ундан кейин ҳам кўрган эди. Фаришта Исроилни Мисрдан олиб чиқиб, ваъда қилинган ерга олиб борган эди. Бироқ Яҳудо ўзининг қисқача мактубида шундай ёзган эди: “Сиз ҳамма нарсани билсангиз ҳам эсингизга туширмоқчиман: Худованд (*инглизча таржималарда Исо; таржимон изоҳи*) Исроил халқини Миср еридан, асирликдан қутқариб, кейин имонсизларни ҳалок қилган эди. (1:5, 2008 таржима)”. Бундаги фаришта инсон қиёфасидаги Худонинг Ўзи эди. Фаришта муқаддас учликнинг иккинчи шахси эди – кейинчалик у боқира Марямдан туғилиши керак эди.

Худонинг ҳузури, исм, бу фариштани бошқаларидан фарқли қилганди. Вақти-вақти билан, Янги Аҳдда, Исо Ота Худони исм сифатида тилга олар эди. Қўлга олиниб суд қилиниши ва хочга миҳланишидан бир оз олдин, Исо Гетсемания боғида шундай ибодат қилди: “Дунё яратилишидан аввал Мен Сенинг ҳузурингда улуғвор эдим. Энди, эй Ота, Ўз ҳузурингдаги ўша улуғворликни Менга тағин ато қилгин...Сенинг номингни уларга

билдирганман ва яна билдираман” (Юх. 17:5-6, 26). Бу охириги гапта У нимани назарда тутган эди? Исо одамларга Худонинг исми нима бўлганини билдиришини айтмаётган эди. Бу одамлар яҳудийлар эди. Улар Худонинг исми нима эканлигини яхши билишарди - Унинг исми Яхве эди. Уларда Эски Аҳд бор эди. Улар минглаб оятлардан Худонинг исмини қидириб топишлари мумкин эди. Исо Худонинг исмини одамларга маълум қилганини айтганида, У Худонинг Ўзини одамларга маълум қилганини назарда тутган эди. Уларнинг кўз ўнгида У Худо эди. У инсон қиёфасига кирган исм эди.

Бу нима учун муҳим

Мана энди биз Муқаддас Китобдаги ернинг тавсифини етарлича ўрганиб чиқдик. Муқаддас Китобдаги сиз билган барча воқеалар, кўзга кўринмас оламдаги кенг қамровли рухий низолар негизида содир бўлган. Бу худоларнинг “ғолиб ҳамма нарсага эга чиқади” нақлидаги тўқнашуви эди.

Муқаддас Китоб нигоҳидаги кўринмас оламда, Худонинг жиддай душманлари бор эди; булар Худо яратган, бир вақтлар Унга садоқатли бўлиб, бироқ бошқа йўлдан кетган худолар эдилар. Бу исёнкор худолар, Павлус кўринмас оламдаги қора кучлар, ҳокиму-хукмронлар, салтанатлар, ва тахту-тожлар сифатида тасвирлаган худолардир (Эф. 6:11; Кол. 1:16). Улар ҳали ҳам шу ерда. Янги Аҳддаги бирон оят улар бизни тарк этгани ҳақида айтмай. Улар Худонинг хукмронлигига қаршилик қилиш учун, яъни Унинг инсониятдан иборат кадрли оиласи билан, хушхабар орқали қайта бирлашишига қаршилик қилиш учун яшайди.

Бу қора кучлардан бири ўлим худоси ҳисобланади. У инсониятга даъво қилишга қонуний ҳаққи бор, чунки унинг Одам Ато ва Момо Ҳавони алдаши абадий ҳаётдан маҳрум бўлишга олиб келган эди. Унинг мақсади Яхвенинг халқини йўқ қилишдан иборат

эди. Исроилликлар Канонга кирганларида, бир гуруҳ Худонинг исёнкор ўғиллари худди шу нарсани ният қилгандилар: Худонинг халқи юртни эгаллашини олдини олиш учун ё ўлиш ё қолиш. Исроил халқи юртга кирганидан сўнг эса, қоронғулик кучларининг мақсадлари ўша-ўша қолди, бироқ уларнинг стратегиялари ўзгарди: Худонинг халқини бошқа худоларга сажда қилишга оғдирсак, Яхве улардан воз кечиб, бизнинг қўлимизга беради деб ўйлашганди. Улар ўйлаган нарса содир бўлди. Худо Ўз халқини асирликка жўнатди.

Бироқ қоронғулик кучлари яна шуни ҳам билардиларки, Яхве Ўз режасидан воз кечмайди. Энг дастлабки исёнга ўқилган лаънат, бир кун келиб, Момо Ҳаво уруғидан бўлган Зотнинг келишини ва Адан боғида одамзод муваффақиятсизлигининг оқибатларини тузатишини башорат қилади. Ваъда қилинган Зот келишини улар билардилар, гарчи, Павлус айтганидай, Худо айнан нималарни режалаштираётганини улар аниқ билишмаган (1 Кор. 2:6-8; Эф. 3:10; 6:12). Чунки бу, Худойи Таоло атай ҳаммадан сир тутган нарса эди.

ЕТТИНЧИ БОБ**Жанг Олиб Бориш Қоидалари**

Ҳқоямиз қуйидаги нуқтага етиб келди: Худо Бобилда халқлар ва уларнинг одамларини тарқатиб юборди. Улар улуш қилиб берилган кичик худолар ҳукмронликни қўлга олишди (Қон. 32:9-9). Худо Иброҳим билан ҳамма нарсани бошқатдан бошлаганида, Унинг режаси аён эди – Исроилнинг таъсири билан бошқа халқларни қайтариб олиш (Ибт. 12:3). Бироқ халқларнинг худолари Худога таслим бўлишга ва Унга сажда қилишга мажбур қилиниши лозим (Заб. 82:6-8). Бу эса кўзга кўринадиган ва кўринмас оламда низо келиб чиқишини англатарди. Исроил тарих майдонига чиқар-чиқмас, худоларнинг нишонига айланди.

Яхве ким ўзи?

Муқаддас Китоб баёнида Исроилнинг хавфли вазиятга тушиб қолишига унча кўп вақт талаб этилмайди. Юсуф ҳикояси (Ибт. 37-50) нима учун Исроил Мисрга борганлигини изоҳлаб беради. Худонинг инояти билан Юсуфнинг акалари ният қилган ёмонлик, Исроилни очарчиликдан сақлаб қолишга айланди (Ибт. 46:3-4; 50:20). Худо Исроилга Мисрдан дарров чиқиб кет, деб айтмаганлиги ҳам атайдан қилинган нарса эди. У Юсуфга иззат-ҳурмат кўрсатган фиръавн вафот этиб, ўрнига душман ўтиришини ҳам биларди (Чик. 1). У мисрликлар Исроил халқини оғир меҳнатга мажбур қилишини олдиндан кўра билганди (Ибт. 15:13-16). Вақти келганида эса Исроилни қулликдан қутқаришини ҳам биларди (Ибт. 46:4).

Бироқ нима учун кутиш керак эди? Ҳар бир азоб учун Худонинг хайрли сабаби бор. Биз доим ҳам бунни кўра олмаймиз. Ушбу ҳолда эса, Муқаддас Битиклар бунни ойдинлаштириб беради.

Мусо Мисрдан қочиб кетиб, саҳрода кўним топганидан сўнг, Худо уни Мисрга қайтариб жўнатиш учун ёнатётган бута орасида туриб чақирган эди (Чик. 3:1-4). Унинг буйруқлари жуда оддий эди: Фиръавнга “Халқимга ижозат бер” деб айтиш (Чик. 5:1). Фиръавн эса бошқача фикрда эди. У Мисрнинг инсон қиёфасидаги худоси, унинг бутун улуғворлиги ва қудрати тимсоли эди. У яҳудий чўпонларининг кўзга кўринмас Худоси унга буйруқ беришига йўл қўймоқчи эмасди. У хатто Мусонинг Худоси ҳақиқий ёки ҳақиқиймаслигини ҳам билмасди. У истехзо билан, “Эгангиз ким ўзи? Унинг сўзига кириб мен Исроил халқини қўйиб юборайми?!” дейди (Чик. 5:2).

У ўзига яраша жавобни – унга зарар келтирадиган жавобни олиш арафасида эди. Худо уни тузукқа туширган эди. Худо Мусога “Мен эса унинг юрагини тош қилиб қўяман. У халқимни кетишига ижозат бермайди” – деган эди (Чик. 4:21). Худо уруш чиқариш учун сабаб топган эди. Улар исроилликларни асрлар мобайнида қийнаб келишганидан сўнг, ниҳоят Миср ва унинг худоларини жазолаш вақти етган эди. Фиръавннинг юрагини тош қилиши ўша фитнанинг бир қисми эди. Муқаддас Китобда айтилишича, офатлар Мисрнинг худоларига қарши қаратилган эди – айниқса, сўнгги, тўнғич фарзандларнинг ўлими (Чик 12:12; Саҳ. 33:4) фиръавн хонадогига тўғридан-тўғри ҳақоратга айланди: “Эгамиз ярим кечаси Мисрликларнинг жамики тўнғичларини – тахтда ўтирган фиръавннинг тўнғич ўғлидан тортиб зиндонда ётган асирнинг тўнғич ўғлигача ўлдирди” (Чик. 12:29).

Фиръавн Худони ҳақорат қилмоқчи эди, бироқ акси бўлиб, уларни ўринлари тубдан алмашинди. Павлус кейинчалик ёзганидек, “Адашманглар, Худо ҳақоратланмайди. Инсон нимани экса, шуни ўради” деган (Гал. 6:7). Зарба бериш учун қўлларини кўтарган Миср худолари, Исроилнинг Худоси олдида кучсиз бўлиб қолди. Олис Каённдаги халқлар

Исроилнинг Худоси Миср ва унинг худоларига қандай зарба берганини эшитишди (Ёш. 2:8-10; таққосланг Чик. 15:16-18; Ёш. 9:9). Мусонинг Мидиёнлик қайнотаси Ятро Мусонинг олдига келганида, “Эгамиз бошқа худолардан улуг эканини энди биламан” (Чик. 18:11) деган эди.

Ундай бўлса, Мусо Қизил денгизнинг бошқа қирғоғида туриб, фиръавн ва унинг сувга ғарқ бўлган қўшини устидан кулиб, “худолар орасида Сенга ўхшагани борми” (Чик. 15:11) деб сўрашининг хайрон қоларли жойи йўқ экан.

Мисрдан чиқиб, Қизил денгиздан ўтиб борарканлар, Исроилликлар қаерга йўл олишганини яхши билишарди. Улар ўзларининг Худоси билан Унинг ердаги маскани ва маркази бўлган Синай тоғига томон кетишаётган эди.

Ҳақиқатан эса, Исроилликлар Худо ҳақида кўп нарса билишмасди. Мисрдан чиқиш даврида, уларда Муқаддас Китоб йўқ эди. Исроилликлар Худо ҳақидаги ягона билимларини ота-боболаридан эшитиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ҳикоялардан олган эдилар. Бизлар эса ҳозир бу ҳикояни Муқаддас Китобдан ўқиб Худонинг режаси нима бўлганини била оламиз. Исроилликлар ўрганишлари керак бўлган нарса кўп эди. Синай тоғи уларнинг дарсхоналари эди.

Исроил – Худонинг оиласи ва Унинг ердаги вакиллари

Мисрдан чиқишдан олдин, Мусо фиръавннинг хузурида туриб, унга Худонинг хабарини олиб келганини айтган эди: “Исроил Менинг тўнғич ўғлимдир. Ижозат бер, ўғлим бориб Менга сажда қилсин” (Чик. 4:22-23). Худонинг ўғли бўлиши ғояси, ушбу ҳолатда эса, Иброҳимнинг авлодларига ишора қилиши – жуда муҳимдир. Бу ғоя бизни ортга, Худо Одам Ато ва Момо Ҳавони яратган вақтга элтади.

Худо одамзоддан иборат оиласи бўлишини истаган эди. У ижод маҳсули бўлган ер юзида Ўзи яратган одам билан бирга яшашни хоҳлаган эди. У кўзга кўринмас оиласи билан инсонлардан иборат оиласи бирга яшаб, Унга хизмат қилишларини истаган эди. У инсонлар баракали бўлиб кўпайиб, бутун ер юзини Адан боғига айлантиришини ихтиёр этганди. Бироқ Худо инсонларни Бобил Минорасида тарқатиб юбориб, Иброҳимни чақирган пайтгача фарзанди бўлмаган эди. Исроил Худонинг янги оиласи эди. Илк тузилган режага қайтиш фурсати келган эди. Одам Ато ва Момо Ҳаво Худонинг ердаги суратини олиб юрувчилар бўлишгани каби, энди Исроил бу ролни бажариши лозим эди.

Синай тоғига қайтиб бориш, уйга қайтиб келиш эди. Ҳатто самовий кенгаш ҳам ўша ерда бўлиб, Худонинг режаси амалга ошишини назорат қилишарди. Улар Худо билан Унинг халқи ўртасида тузиладиган янги аҳд – Қонунларга гувоҳ эдилар.

Худонинг Қонуни – Худонинг Кенгаши орқали етказилади

Худо Синай тоғида ўнта амрни берган вақтда самовий кенгаш ўша ерда ҳозир эди, деганимга ҳайрон қолмадингизми? Агар Мисрдан чиқиш ва Синай тоғига саёҳат ҳақидаги фильмни бирор марта ҳам кўрмаган бўлсангиз, унда фаришталарни ҳам кўрмаган экансиз. Бироқ Муқаддас Китоб фаришталар ўша ерда бўлганини айтади. У ҳатто Худонинг қонуни фаришталар орқали берилганини ҳам таъкидлайди (Ҳав. 7:52-53; Ибр. 2:1-2).

Шунингдек, қонунлар “Худонинг Ўз қўли билан” ёзилгани айтилади (Қон. 9:9-10). Бу тил таниш бўлиши керак, чунки инсон қиёфасига кирган Худо томонидан ёзилган эди. Худо Синай тоғида бўлган, ва Ибтидодаги Худованднинг Фариштаси каби инсон қиёфасида зоҳир бўлган эди. Худо ва Унинг самовий қўшини, Мусо ва Исроил халқига қонунларни берган.

Худо қонунни берганидан сўнг, Мусо, Хорун, Хоруннинг ўғли ҳамда етмишта оқсоқоллар Исроил халқининг Худосини яна бир бор инсон қиёфасида кўришди. Бу сафар улар тановвул қилиш учун йиғилишган эди (Чик. 24:9-11). Исо пайтида сўнгги Қутлуг Кечлик, Унинг қони билан тасдиқланган янги аҳдни муҳрлаганидек, бу таом Худонинг Исроил халқи билан Синай тоғида тузган янги аҳди – қонунни нишонлади.

Худо Исроилга қонунни муқаддас ҳаёт кечиришлари учун берган эди (Лев. 19:2). У Исроил халқини бошқа халқлардан ажралиб туриши, барчага Унинг оиласи сифатида танилиб туришини истаган эди. Худо бошқа барча худолардан ва ерга хос нарсалардан фарқли бўлгани каби, Унинг халқи ҳам бошқа халқлардан фарқланиб туриши лозим эди.

Муқаддаслик нимани англатган? Бунинг орқасида турган тушунча нима эди? Муқаддаслик ғалатирок бўлишни англатмаган. Муқаддаслик Эгамиз билан ўхшаш бўлиш, Худога бағишланган бўлиш ва Худонинг кўзида солиҳ бўлиб яшашдан келиб чиқадиган ҳамма яхши нарсалардан завқланишни англатган. Худо бошқа халқлар Ўзига қайтиб келишлари учун, Исроил халқи уларни Унга жалб қилишини хоҳлаган эди (Қон. 4:6-8; 28:9-10). Мана шу сабабдан Муқаддас Китоб Исроилни “руҳонийлар шоҳлиги” (Чик. 19:6) ва “бошқа халқлар учун нур” (Иш. 42:6; 49:6; яна қ. 51:4; 60:3) деб атайди. Бутун бир халқ, Иброҳимнинг бошқа халқлар учун барака манбаи бўлиш вазифасини мерос қилиб олган эди (Ибт. 12:3).

Ишончга садоқат

Худонинг кўзи олдида солиҳ бўлиб яшаш нажот ҳақида гапиришнинг бошқа бир йўлидир. Бироқ, якшанбалик мактабларида нималар ўргатишганларига қарамасдан, Исроилликлар нажотни қоидаларга бўйсунуш, қонунга амал қилиш орқали топишгани

йўқ. Хоҳ Эски Аҳдда, хоҳ Янгисида бўлсин, ҳеч ким нажотга сазовор ёки муносиб бўлмаган. У имонга жавоб тариқасида, Худонинг инояти билан *берилган*.

Исроилликлар ҳам, худди Исо Масихнинг ўлими ва қайта тирилишидан кейин туғилган бизлар каби, имонга эга бўлишлари лозим эди. Улар, Эгалари барча худоларнинг Худоси эканлигига, Худо уларни Ўз халқи қилганига *ишонишлари* лозим эди. Фақат уларгина худоларнинг Худоси ҳузурига кириш ҳуқуқига эга эдилар. Қонунлар Исроилликлар қандай нажот топишлари учун эмас, балки улар ўзлари ишонган Худоларига қанчалик содиқ эканликларини намоён қилиш учун берилганди. Исроилликлар учун нажот, Худонинг ваъдаларига ва худоларнинг Худосининг хусусиятларига ишониш, ҳамда бошқа худоларга сажда қилишни рад этишдан иборат эди. Бу яна юракдан чиқадиган *имон-ишонч* ва *садоқат* бўлиб, Худодан брауни баллар қўлга киритиш эди (brownie points – қилган савоб ишлари учун бериладиган мақтовлар ва тасаввурий мукофотлар; таржимон изоҳи).

Шоҳ Довуд зинокорлик ва қотиллик каби жирканч ишларни қилган (2 Шоҳ. 11). Қонунга кўра, у қонунни бузувчи ва жинойтлари учун ўлимга муносиб одам эди. Шундай бўлсада, у ҳеч қачон Яхвега Парвардигори Олам сифатида ишонишдан қайтмади. Худо эса унга раҳм-шафқат кўрсатди.

Янги Аҳдда ҳам худди шундайдир. Хушxabарга ишониш Исроилнинг Худоси ер юзига одам бўлиб келгани, ўз ихтиёри билан бизнинг гуноҳларимиз учун қурбонлик сифатида хочдаги ўлимга боргани, ҳамда учинчи куни тирилганига ишонишдир. Биз буни имон билан қабул қилишимиз, сўнгра эса Исога бўлган садоқатимизни кўрсатиб, бошқа худолардан воз кечишимиз лозим. Бошқа худолар нажот топиш ҳақида нима дейишларидан қатъий назар, Муқаддас Китоб бизга нажот топишимиз учун Исонинг

исмидан бошқа исм берилмагани (Ҳав. 4:12) ҳамда имонимизни бут сақлашимиз лозимлигини айтади (Рим. 11:17-24; Ибр. 3:19; 10:22, 38-39). Одамнинг шахсан панд бериши Исони бошқа худоларга алмаштириш билан баробар эмас – бунинг ўртасидаги фарқни фақат Худогина кўриши мумкин.

Бу нима учун муҳим

Мисрдан чиқишда ҳамда Синай тоғида содир бўлган воқеаларда ўзига тортадиган бир символизм бор. Мусо ва бошқалар Синай тоғида инсон қиёфасидаги Худо билан тановвул қилган сахна, дарров эътиборимизни тортади. Мусо етмишта оқсоқол билан бирга. Агар Ибтидо 10-чи бобда Бобил минорасидаги воқеадан кейин, Худо тарқатиб юборган халқларни санаб чиқсангиз, улар етмишта эканини кўрасиз. Исролнинг Худоси халқларни ҳукм қилганида ўша халқлар Худонинг ўғиллари, яъни бошқа кичикрок худоларга улуш қилиб берилган эди (Қон. 4:19-20; 32:8-9). Нимага етмишта оқсоқол, етмишта Худонинг ўғиллари ва етмишта меросдан маҳрум халқлар?

Бу ўхшашликлар тасодиф эмас. Исо ердаги хизматини бошлаганида, етмишта шогирдини сафарга юборганди (Луқо 10:1). Бу Буюк Топширикнинг даракчиси эди. Бу сон Исонинг шогирдлари Худонинг шоҳлиги учун халқларни даъво қилиши мумкинлиги фикрини етказиб беради. Мазкур шоҳлик Ваҳий 21-22 даги бутун оламни қамраб оладиган Адан боғи барпо этилганида буткул шаклланиб бўлади. Етмиш сонининг такрорланиши бир хабардир: Худонинг ердаги янги оиласи, Иброҳим фарзандлари бўлган Исроил, йўқотилганларни қайтариб олиш учун бир восита бўлади.

Бироқ бу шу билан тўхтаб қолмайди. Ҳаворий Павлус Галатияликларга 3 да, имонлилар Иброҳимга берилган ваъдаларга ворис эканлигини ёзган эди. Исога имон келтирган ҳар бир кимса имони орқали Иброҳимнинг фарзанди ҳисобланади (Гал. 3:26-

29). Бунинг маъноси шуки, сиз билан менга бошқа халқларни худолардан қайтариб олиш вазифаси берилган. Бошқа худоларнинг руҳий ҳукмронлиги остида бўлган халқларни Исога имон келтиришга қайтариш бизнинг вазифамиздир. Бизлар Худонинг ердаги янги инсоний кенгашимиз. Бизлар улуғворликка эришганимизда, янги Адан боғида Унинг илоҳий оиласига қўшиламыз.

Муқаддас Китоб бу ғояларни кўп жойларда етказиб беради. Ваҳий китоби имонлиларнинг дунёнинг охирида Исо билан бирга халқларни бошқаришини тасвирлайди (Вах. 3:21). Бу шуни англатадики, бизлар Бобил воқеасидан бери ўша халқлар устидан ҳукмрон бўлиб келаётган Худонинг ўғиллари ўрнини эгаллаймиз. Шу сабабли Юҳанно имонлилар Худонинг фарзанди бўлиш иқтидорига эга эканлигини айтади (Юх. 1:12; таққосланг 1 Юх. 3:1-3); бизлар ҳақиқатдан ҳам Худонинг илоҳий, бироқ, Унга душман бўлган ўғиллари ўрнини эгаллаймиз.

Худди мана шу сабабга кўра, Павлус, имонлиларга ораларидаги низоларни дунёвий маҳкамалар ҳал қилишига йўл қўймасликни ёзаркан, уларга “Биз фаришталарни ҳукм этишимизни билмайсизларми?” – дейди (1 Кор. 6:3). Янги ер ва осмон яратилганда бизлар илоҳийликка (улуғворликка) эришганимизда, *биз фаришталардан устун бўламыз*. Бир кун келиб Исо каби бўламыз (1 Юх. 3:1-3; 1 Кор. 15:35-49) ва У билан бирга ҳозирда душман худолар назорат қилаётган халқлар устидан ҳукмронлик қиламыз (Вах. 2:26). Иброҳимнинг руҳий авлоди бўлган имонлилар, Адан боғидаги муваффақиятсиздан бошланган халқларни улушидан чиқариб юборишни, ўлим лаънати билан бирга тамомила ўзгартириб юборади.

Биз худди мана шу тақдирга ишонадиган одамлардай ҳаёт кечиримиз лозим. Эски Аҳдда режалаштирилган ҳамма нарса бизларга бошлаб келади. Аданни эсингиздан чиқарманг. Худо ҳар иккала оиласининг – ҳам руҳий ҳам инсоний оиласининг Аданда

бирга яшаб, ҳукмронлик қилишини хоҳлаган эди. Бу режа исён туфайли барбод бўлган эди, бироқ Исроилни Мисрдан озод қилиш орқали қайта тикланди. Иброҳимнинг авлодларидан Масих келиб чиқди ва Адандаги муваффақиятсизликка барҳам берди (Ибт. 3:15). Исроилсиз бизнинг тақдиримиз бўлмас эди.

Худди мана шу сабабга кўра, худолар ва уларнинг тарафдорлари Исроилни ер юзидан йўқ қилиб юборишга ҳаракат қилишади.

САККИЗИНЧИ БОБ

Муқаддас Макон

Исроилликлар Синай тоғида бир йилдан кўп вақтни ўтказишди. Нимага шунчалик узоқ вақт кетди? Улар аллақачон Худо билан аҳд тузишиб, Ўнта Амрни олишган эди. Бироқ улар ҳали кўп нарса ўрганишлари лозим эди. Ота-боболари Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худосига ишонишга ваъда бериш бошқа нарса, Унга содиқ қолиш бошқа нарса эди. Худо улардан нимани кутганини билан билан Унинг қанақа эканлигини билиш бошқа-бошқа нарсалар эди.

Муқаддас бўлиш тушунчаси

Эски Аҳддаги кўпгина ғалати қонунлар ва амаллар, Худо ҳеч бир нарсага *ўхшамаслигини* одамларга ўргатиш заруратига асосланган. Табиати ва хусусиятига кўра, У Ўзига хосдир; У инсониятдан ва бошқа ҳамма нарсадан кўра *бошқачадир*. Исроил учун бу ҳар доим мустаҳкамланиб бориши лозим бўлган ҳақиқат эди. Акс ҳолда, одамлар Худони оддий худо деб ўрганиши мумкин.

Худонинг ўзига хос бошқачалигини Каломдаги *муқаддаслик* сўзи ифодалайди. Бу сўзнинг маъноси “ажралиб туриш” ёки “фарқли бўлиш”дир. Бу тушунча ахлоқий ҳуқуқ-атвор, яъни Худонинг аниқ бир ахлоқ андозаларини акс эттириш учун, ўзимизни муайян тарзда тутишимиз ҳақида эмас, гарчи бу истисно бўлмаса-да (Лев. 19:2).

Худо Исроилликларга муқаддасликни шунчаки ақл билан қабул қиладиган нарса деб изоҳлаш билан кифояланмаган эди. Ўзининг бошқачалиги тушунчасини қадимги Исроилнинг турмуш тарзига сингиб кетишини хоҳлаган эди. Муқаддас Китоб бизга бунинг диний маросимлар (рамзий хатти-ҳаракатлар) ҳамда муқаддас ҳудудларга яқинлашиш қоидалари орқали амалга оширилганини айтади.

Худо қанақасига “бошқача” бўладир?

Бу саволнинг қисқача жавоби “ҳар жиҳатдан”дир, бироқ бу жудаям мавҳум жавоб. Муқаддас Китоб жудаям оддий, ва Исроил халқи амал қилиб яшаётган маросим ва қонун-қоидалар буни акс эттиради.

Мисол учун, Муқаддас Китоб бизга Худо Исроилнинг ҳаёт манбаигина бўлиб қолмасдан, балки Унинг Ўзи ҳаёт *бўлгани* ҳақида таълим беради. Худо ўлим, касалликлар ва комиллик йўқ бўлган маскан – ерга хос эмас. Унинг шоҳлиги ғайриоддий. Бизнинг шоҳлигимиз эса ер юзига хосдир. У ер юзида эгаллаган макон Унинг ҳузури билан муқаддас ва *рухий* (ўзга) дунёга айлантирилган. Биз эгаллаган макон бўлса оддийдир. Худо оддийликнинг қарама-қарши кутбидадир.

Қадимги Исроилда бу ғоялар, одамлар Худо бўлган жойни эгаллаш учун улар Худо томонидан тақлиф қилинишлари ва покланишлари кераклиги билан етказиб берилган. Эски Аҳддаги кўпгина қонун-қоидалар мана шу покланишни тартибга солади.

Исроилликлар турли хил ҳатти-ҳаракатлар ва шарт-шароитлар туфайли муқаддас маконга киришдан маҳрум қилиниши (“нопок” қилиниши) мумкин бўлган. Жинсий алоқа қилиш, қон йўқотиш (ҳайз кўриш), баданда жисмоний нуқсонлар бўлиши ва ўликка (одам ёки ҳайвонга) тегиш, буларнинг барчаси исроиллик одамни нопок қилган. Исроилликларга ўлик жониворлар билан озиқланадиган маълум бир йиртқич қушларни (масалан, ўлаксаҳўрлар, калхатлар; Лев. 11:13-19) ва ўлик тана устида ёки ичида яшайдиган жониворларни (масалан, калтакессак, сичқонлар; Лев. 11:24-40) ейиш манъ этилган.

Ушбу ҳолатларда ҳаромлик ахлоқ билан боғлиқ эмас, балки одамнинг ўлими ва шу жиҳатдан Худонинг комиллиги билан мос келмаслиги билан боғлиқ эди. Бундаги мантик оддий бўлс-ада, бизнинг замонавийлашган онгимизга ётдай туюлади. Қон йўқотиш (ҳайз

кўриш) ва жинсий алоқада ажраладиган суюқликни йўқотиш ҳаётни яратган ва уни тутиб турадиган нарсани йўқотиш каби қабул қилинади. Худони *ҳаётни йўқотиши* билан боғлаб кўрсатиш эмас, балки *ҳаёт берувчи* сифатида кўрсатиш лозимдир. Шундай суюқликларни йўқотгандан сўнг “покланишнинг” талаб қилиниши Худонинг табиатини эслатиб турадиган нарса бўлган. Ўлик танага тегиб кетиб харом бўлгандан кейин ҳам шу каби “покланиш” талаб қилинган. Одамлар жисмоний нопоклиги ёки жароҳатлари туфайли Исроилнинг муқаддас ҳудудларига кириши таъқиқланарди, чунки бундай ҳолларда нокомиллик Худонинг комиллиги билан чиқиша олмасди.

Бу қонунларнинг барчаси ғайриоддий дунёқарашни сингдириб боришга қаратилган эди.

Нопоклик муаммосини ҳал қилиш

“Харом” бўлиш ва муқаддас маконга номуносиб бўлиш қадимги Исроилликлар учун жиддий масала бўлган. Агар улар харом бўлишса, белгиланган манзилларга қурбонликлар ва назрлар олиб келишолмасди. Бунинг ечими покланиш удумлари, баъзан ўша нарсанинг ўзини қурбонлик қилиш ва маълум муддат кутишдан иборат эди.

Қон чиқариб қурбон қилиш ортидаги мантиқ – одам ёки буюмларни поклаш ва уларни муқаддас маконга киришга лойиқ қилиш мақсадида, уларга қон суртиш ёки пуркаш – биз учун ёт нарсалар. Бироқ қон чиқариб қурбонлик қилишнинг теологик мақсади бор – улар бизга ўрин алмаштириш тушунчасини таништириб беради. Қон ҳаёт ато этувчи куч бўлгани учун (Лев. 17:11), жонзоднинг жонини олиш бизга, Худога Унинг Ўзи ўрнатган қонун-қоидаларга амал қилмасдан яқинлашиш, ўлимни англатишини ўргатди.

Қурбонликнинг қони Исроилнинг харом ва нопок ҳолатини тузатиш учун шафқатли муқобил бўлди.

Бу таълимот шундан иборат эдики, Худо қурбонликни бошқасига алмаштириш билан Исроил халқининг жонини *сақлаб қолаётган* эди. Инсон ҳаёти жониворларникидан кўра муқаддасроқ эди, чунки инсонлар Худонинг суратида яратилган эди (Ибт. 1:26; 9:6). Исроилликлар мавжудликлари учун ғайритабий аралашувдан қарздор эдилар; шу нарса Иброиҳим ва Сорога фарзанд ато этишга қобилият берган (Ибт. 12:1-3). Бироқ инсон ҳаёти муқаддас Худо ҳузурида хавф остида эди. Қурбонликлар келтириш Худонинг ҳаёт ва ўлим устидан ҳокимиятга эга эканлигини, Худо эса уларга раҳм-шафқат кўрсатиш истаги борлигини уларга эслатиб турарди.

Ердаги жаннат

Худонинг ўзгачалигига эътиборни қаратиш бошқа ғояларни – нафақат Худо ҳақидаги, балки ғайритабий чегаралар ҳақидаги ғояларни ҳам ифодалаб беради.

“Оламлар орасидги фарқ” ғояси Исроилнинг ғайритабий дунёқараши негизи эди. Агар Худонинг ҳузури макон топган ер муқаддас бўлса, бошқа ерлар муқаддас бўлмаган, яъни улар ёки оддий ер ёки, баъзи ҳолларда, душманлар ва ёвузлар ери бўлган.

Худонинг Ўз ҳузури ҳам Аданни эслатиб турадиган нарсалар билан белгиланган эди. Муқаддас Чодир ва маъбаднинг кўпгина ашёлари одамларни Адан ҳақида, осмон билан ер туташадиган жой ҳақида ўйлашига ёрдам берадиган қилиб ясалганди. Олтин чироқпоя дарахт кўринишида ясалган бўлиб (Чик. 25:31-40), Адандаги ҳаёт дарахтининг рамзи эди. У Муқаддаслар Муқаддасига олиб борадиган йўлни тўсиб турадиган парда олдига кўйилган бўлиб, Муқаддаслар Муқаддасида аҳд сандиғи жойлаштирилган эди ва унинг қопқоғи Худонинг тахти вазифасини ўташ учун ясалганди (Чик. 25:10-22).

Муқаддаслар Муқаддасининг ички қисмидаги карубларнинг ҳам Аданга яққол боғлиқ жойи бор. Адандаги карублар Худонинг маконини қўриқлар эдилар (Ибт. 3:24).

Муқаддаслар Муқаддасининг ички қисмига жойлаштирилган карублар аҳд сандиғининг қопқоғи устида кўриқчилик қилардилар (Чик. 25:18-20). Кейинчалик, Сулаймон Эгамизнинг маъбадини қурганида, Муқаддас Чодирни маъбаднинг ичига кўчириб, иккита улкан каруб аҳд сандиғининг устига, худди Худонинг тахти кўринишида ўрнатилган ва аҳд сандиғи Унинг оёқ курсисига айланганди (1 Сол. 28:2).

Маъбаднинг ўзи ҳам Адан боғига ўхшаб безатилиб, ҳашаматли ўсимлик ва ҳайвонот дуёси тасвирлари билан тўлдирилганди (1 Шоҳ. 6-7). Гуллар, пальма дарахтлари, шерлар ва анор мевалари суратлари ўйиб ишланган эди. Бу Худо илк маротаба ерга тушиб Ўзининг инсоний оиласи билан яшаган жойнинг кўзга кўринар эслатмаси эди.

Исроилликлар кўзга кўринмас оламнинг қоронғи томони ҳақида ҳам эслаб туришлари лозим эди. Агар Исроил қароргоҳи, кейинчалик эса Исроил халқи ҳам, муқаддас ер, яъни Худо ва Унинг халқининг уйи бўлган бўлса, Исроилнинг атрофидаги ерлар *нопок* ерлар бўлган. Худо, Синайдаги аҳддан анча олдин, бошқа халқлардан юз ўгириб, уларни кичик худоларга берган эди (Қон. 4:19-20; 32:8-9). Бир кун келиб У ўша халқларга даъво қилиши мумкин, бироқ Муқаддас Китоб тасвирлаган даврда улар зулмат шохлиги бўлган.

Исроил халқи амал қилган удумлардан биттаси унутилмас тафсилотларни жонли тасвирлаб беради. Левийлар 16-бобда тасвирланган ва ҳар йили нишонланадиган Покланиш куни (Ём Киппур), одамларга муқаддас ва *нопок* бўлган ер ҳақида эслатиб турадиган бир кўрғазмали сабокни ўз ичига олган.

Иккита така танлаб олинган. Улардан бири қурбонлик қилиниб, қони Муқаддаслар Муқаддасини халқнинг *нопок*ликлари, итоатсизликлари ва гуноҳларидан кейинги йилгач пок сақлаш учун унга сепилган. Қурбонлик қилинган така “Эгамизга тегишли” бўлган.

Иккинчи така ўлдирилмаган – олий руҳоний рамзий равишда халқнинг гуноҳини унга юклаганидан сўнг саҳрога қўйиб юборилган. Бу така “Азazelга аталган” бўлган.

“Азazel” ўзи ким ёки нима бўлган? Баъзи таржималар Азazel ўрнига *саҳрога қўйиб юбориладиган така* деган сўзни ишлатишади. Ўлик денгиз битикларида, сўралаётган бу яҳудийча сўз атоқли от, яъни иблиснинг исми бўлиб келади. Ваъда қилинган ерга саҳро орқали сафар чоғида, исроилликлар ёвуз иблисга қурбонлик қилиб келишган (Лев. 17:7), чунки ёвуз кучлар уларнинг қароргоҳига хавф солиши мумкин деб қўрқишган. Саҳро, бундай олиб қараганда, Исроил қароргоҳидан ташқарида бўлган, ва бинобарин ёвуз мавжудотлар яшайдиган жой бўлган. Бу амалиёт тўхтатилиши лозим эди ва Азazelга аталган така буни рўёбга чиқариб берди. Азazelга бағишланган така ёвуз худоларга аталган назр эмасди – чунки у ҳеч қачон қурбонлик қилинмаган. Акинча, уни саҳрога қўйиб юбориш муқаддас ерни (Исроилликларнинг қароргоҳини) гуноҳдан тозалашнинг рамзий усули бўлган.

Бу нима учун муҳим

Янги Аҳдда баъзи нарсалар ўзгариб кетди, бироқ ўзгармай қолганлари ҳам бор. Худо бўлса ҳалигача ҳам *бошқачадир*. Унинг муқаддаслиги биздан, Унинг ҳузурига киришимизда покланишимизни талаб қилади. Бизлар учун, бу нарса Исонинг хочда амалга оширган қурбонлигига ишонишдан иборатдир.

Исо бизнинг ўрнимизда қилган ишлари ғайриоддий моҳият касб этади. У саҳрога – ёвузлик кучлари билан юзма-юз келиши мумкин бўлган жойга чиқди – ва Иблиснинг васвасалари устидан ғалаба қозонди. Мана шу воқеадан сўнг Исонинг хизмати бошланди; “ўлим келтирувчи” Иблис устидан ғалаба қозониши хизматининг энг юқори нуқтаси бўлди (Ибр. 2:14). Исо табаррук шаҳардан *ташқарида* хочга миҳланди (Ибр. 13:12). У

нопок бўлганди, чунки бизнинг гуноҳларимизни Ўзига олганди, Қуддус эса муқаддас заминга айланганди.

Исонинг ўлими ва қайта тирилиши бизни оқлайди – бизни Худонинг хузурида тура олишга муносиб қилади. Биз гуноҳларимиздан “фориғ бўлган” эдик (Рим. 11:27; яна қ. 1 Юҳ. 3:5). Гарчи нопок гуноҳкор бўлсакда, Исо Масихда бўлганимизда бизлар муқаддас бўламиз. Гарчи нокомил бўлсакда, Исо туфайли бизнинг нокомилликларимиз инобатга олинмади. Бу шунчалар оддий ва шу билан бирга шунчалар терандир.

Исроилликлар кўп жиҳатдан бизлардан кўра руҳий имтиёзларга эга бўлишган деб фикрлашга мойилмиз. Чунончи, Худонинг хузури уларнинг нақ ораларида бўлган. Улар ғайриоддий, самовий география *реал воқелик* бўлган дунёда яшашган. Агар уларда бўлган нарса бизларда ҳам бўлганида, яна агар Худонинг ўша доимий эслатмалари бизнинг воқелигимизга айланганидами, бизлар бундан ҳам кўра кўпроқ диндор, Худога кўпроқ яқинроқ бўлардик деб ўйлаймиз.

Янги Аҳд буни *тасдиқлайди*.

Муқаддас маконни белгилаб олишимиз учун бизга муқаддас чодир ёки маъбад зарур эмас. Бизнинг танамиз муқаддас макондир. Павлус бизнинг ерга хос баданимизни “кулба” деб атайди (2 Кор. 5:4), чунки муқаддас чодир ва маъбадда Муқаддаслар Муқаддасини тўлдирган худди ўша илоҳий хузур бизларда ҳам макон топади (Рим. 8:9-11). Бир кун келиб, баданимиз руҳимизнинг ердаги фоний кулбаси ўлади, бу эса “қўл билан қурилмаган бошқа бир макон” (2 Кор. 5:1-3), самовий ватан – янги Адан билан, яъни ер юзига қайтган Осмон Шоҳлиги (Ваҳ. 22:1-3) билан ўрин алмашиш учунгина содир бўлади.

Худо имонлиларда Ўз Руҳи орқали яшаркан, ҳар бир жамоат – ҳар бир имонлиларнинг йиғини – муқаддас заминдир. Худди шу сабабга кўра, Павлус гуноҳ

ишларидан тавба қилмай юрган имонлиларни жамоатдан чиқариб ташлаш ҳақида Коринфликларга буюк ғам билан айтаркан, уларни “Шайтонга топшириб қўйишга” кўрсатма беради (1 Кор. 5:5). Жамоат муқаддас ер эди. Имонлиларнинг жамоатидан ташқари жойлар Шайтоннинг шоҳлиги эди. Гуноҳ ва унинг вайронакорлиги ўша ерга тегишли эди.

Ўзимизга ғайриоддий кўзлар билан қараш вақти келди. Сиз Худонинг фарзандисиз, муқаддас маконга муносибсиз, бу сиз қиладиган ёки қилмайдиган ишга боғлиқ эмас, балки Масихда яшашингизга, Худо томонидан ўғилликка қабул қилинишингизга боғлиқ. Сиз зулмат ҳукмронлигидан озод қилингансиз ва “севимли Ўғилнинг Шоҳлигига кўчирилгансиз” (Кол. 1:13).

Биз ҳеч қачон, ҳатто бир фурсатга ҳам ўзимизнинг Масихда ким эканлигимизни ва бунинг дунё учун қандай аҳамиятга эгаллигини унутмаслигимиз лозим.

ТЎҒҚИЗИНЧИ БОБ

Муқаддас уруш

Муқаддас Китоб баҳсли китоб. Унга Худонинг Каломи сифатида қарамайдиган одамлар, унда ёзилганларига кўпинча эътироз билдиларилар. Бироқ Муқаддас Китобнинг баъзи қисмлари ҳатто масиҳийларни ҳам ноқулай вазиятга солиб қўяди. Исроилнинг ваъда қилинган ерни қўлга киритиш учун қилган уруши бунга яққол мисол.

Нима сабабдан? Асосан, одамлар ўлдирилгани сабабли. Бу ўта ноаниқ ва шу билан бирга ўта батафсил ҳам туюлади. Баъзи шаҳарларда бутун бир аҳолини – эркаклар, аёллар, болалар ва ҳатто чорвани ҳам қириб юбориш нима учун керак бўлди? Ерлик аҳолини таслим қилдирса бўлмасмиди? Уларни қириб ташлашдан кўра, узоққа сургун қилиб юборса яхшироқ бўлмасмиди?

Бу эътирозларлар учун жавоб бор албатта, бироқ ўйлашимча бу жавоб масиҳийларни муаммонинг ўзи каби ноқулай ҳис қилишга мажбурлайди. Ваъда қилинган ерни босиб олиш баёнининг мантиқий асослари ва сабабларини фақатгина Исроиллик одамнинг ғайриоддий дунёқараши орқалигина тушуна оласиз.

Исроилнинг ғайриоддий мантиғи

Ваъда қилинган ер учун кураш иккита омилга асосланган бўлиб, ҳар иккаласи ҳам Исроил халқининг дунёлари бутун инсониятдан устунлигинигина эмас, балки шу билан бирга кўзга кўринмас руҳий курашда қўлга киритадиган ютуқни англаб етишига бориб тақалади. Бу иккаласига аллақачон тўхталиб ўтган бўлсакда, келинг бир такрорлаб чиқамиз.

Омиллардан битгаси Бобил минораси воқеаларининг салбий оқибатлари бўлиб, халқлар Худога қарши исён қилганидан сўнг, У бу халқлар билан бошқа тўғридан-тўғри муносабат қилмасликка қарор қилган эди. Аксинча, У илоҳий кенгашнинг аъзолари бўлган Худо ўғилларига ўша халқлар устидан ҳукмронлик қилишни топширган эди (Қон. 4:19-20; 32:8-9). Пировардида, У Иброҳимни чақириб, уни ва хотини Сорони фарзанд (Исҳоқ) кўришга лоаёқатли қилиб, улардан бутун бир Исроил халқини келтириб чиқарган эди.

Забур 81-санода ўрганганимиздек, бу кичик худолар йўлдан адашди. Улар ноҳақликка йўл қўйдилар. Одамлар Парвардигори Олам Худо ўрнига, уларга сиғинадиган бўлишди. Шу тариқа улар Худога ва Унинг халқи Исроилга душман бўлиб қолдилар. Ушбу халқлардан баъзилари, Худо Исроил халқига беришни мақсад қилган Канон ерида яшаётган бўлгани учун, Мусо ва Исроилликлар бу ерларни эгаллаб олган халқларни ўзларининг ўткинчи душманлари деб, ҳамда уларнинг худолари Исроилни барбод қилиш учун қўлларидан келган барча нарсани қилишади деб ишонишган.

Омилларнинг иккинчиси, Исроил учун ҳамма нарсадан кўрқинчлироқ бўлган. Бу нарса Исроилликлар ваъда қилинган ер, Канон чегараларига етиб келишганида содир бўлган воқеалар орқали жуда яхши тушунтирилиб берилади.

Мусо Канон ерини ва аҳолисини кўриб, улар ҳақида маълумот олиб келишсин деб ўн иккита айғоқчи юборган эди. Айғоқчилар ернинг ўзи жудаям ажойиб – худди Худо уларга айтганидай – сут ва асал оқиб ётган ер эканлигига далиллар олиб келишади (Саҳ. 13:27). Бироқ кейинги гаплари худди бомба ташлагандек бўлди: “Биз кўриб келган юрт у ерда яшашга борадиганларни ютиб юборар экан. Ўша юртдаги ҳамма одамлар дев қомат экан. Биз у ерда ҳатто улкан паҳлавонлар уруғидан бўлган Иноқ авлодини кўрдик. Уларнинг

олдида ўзимизни худди чигирткадай ҳис қилдик. Ҳа, уларнинг назарида биз чигирткадай эдик” (Саҳ. 13:33-34).

Нафилим (Иноқ) ҳақида аввал ҳам гаплашган эдик. Улар Ибтида 6:1-4 даги Худонинг ўғиллари билан одамзод қизларидан туғилган ёвуз уруғ эди. Исроил айғоқчилари Канонда кўрган Иноқ баҳодирлари уларнинг авлодлари бўлиб, уларнинг кўпчилиги Канон ери бўйлаб, Исроил халқи забт этиши керак бўлган халқлар орасига тарқалиб кетган эди (Саҳ. 13:28-29). Канон ерини ва унинг худоларини босиб олиш вазифаси аввал қийин кўринган бўлса, энди умуман имконсиздай туюларди. Мана энди бу ерни эгаллаш учун жисмоний ўлчамлари ҳаддан ташқари бўлган жангчиларга рўбарў бўлишлари лозим эди.

Айғоқчилардан фақат иккитасигина – Ёшуа ва Холиб – Худо Исроилликларга Иноқ авлодини енгишига ёрдам беришига ишонарди. Қолганлари бўлса халқни енгилишларига ишонтирарди. Худо, яъни фиръавн ва унинг қўшинини буткул йўқ қилиб ташлаган ўша Худонинг Ўзи уларга ғалаба бериш учун шафоат қилишига ишониш ўрнига, улар “У халққа бас кела олармидик? Улар биздан кучлироқ-ку! – деб нолинишарди”(Саҳ. 13:31).

Худо шундай жавоб берди: “Қачонгача бу халқ Мени хўрлайди?! Уларнинг орасида қанча мўъжиза кўрсатган бўлсам-у, қачонгача Менга ишонмай юради?!” (Саҳ. 14:11). Аслида, Худо шунчалар ғазабланган эдики, У Исроилдан воз кечишга, яъни бошида Бобил минорасида қилган ишини таркорлашга, ва ҳаммасини бошидан, бу сафар Мусо билан қилишга таҳдид қилди: “Мен ўлат юбориб бу халқни қириб ташлайман. Сендан эса улардан ҳам кучлироқ ва буюкроқ бир халқ яратаман” (Саҳ. 14:12).

Мусо Худога қарорини ўзгартиришини сўраб ёлворди (Саҳ. 14:13-19). Худо кўнди, бироқ У халқнинг имонсизлигига кўз юма олмади. Улар бундан сабоқ олишлари керак эди. Бу сабоқ улар учун оғир эди. Худо Мусога деди:

Илтимосингга мувофиқ уларни кечираман. Лекин Мен барҳаёт Худо бўлганим ҳақи, ер юзини тўлдирган улуғворлигим ҳақи, онт ичиб айтаманки, бу одамларнинг бирортаси Мен оталарига ваъда қилган юртга кирмайди. Улар Менинг буюк кудратимни, Мисрда ва саҳрода қилган мўъжизаларимни кўра туриб Менга кулоқ солмадилар, Мени қайта-қайта синадилар. Мени хўрлаган бу одамлар Канъон юртини кўрмайдилар...

Жасадларингиз мана шу саҳрода қолади. Рўйхатга кирган йигирма ва ундан юқори ёшдагилар – Мендан минғирлаб нолиганларнинг ҳаммаси Мен онт ичиб сизларга яшаш учун бермоқчи бўлган юртга киришмайди. У юртга фақат Яфунах ўғли Холиб билан Нун ўғли Ёшуа киришади. Сизлар, болаларимиз у ерда душманга ўлжа бўлади, деб айтдингиз. Аммо Мен болаларингизни ўша ерга олиб кираман. Сизлар рад этган ўша юртдан улар баҳра олишади. (Саҳ. 14:20-31)

“Ўн баробар” Муқаддас Китоб даврида кўп ишлатилган образли ифода бўлиб “яна ва яна ёки қайта-қайта” деган маънони англатган (Ибт. 31:7; Аюб 19:3). Шу пайтгача Худо одамларнинг шикоятларига сабр қилиб келаётган эди. Мисрда энди қул эмасликларидан хурсанд бўлиш ўрнига улар овқатдан ва Худонинг танлаган йўлбошчиси Мусодан нолишди (Саҳ. 11:1-14; 31-35). Бироқ Унинг сабр косаси тўлди; бу сафар уларнинг имонсизлиги бадали дахшатли эди. Имонсизлик қилган ҳамма катта ёшли ва балоғат ёшидагилар ўлиб кетмагунча, Исроил халқи саҳрода қирқ йил сарсон-саргардон бўлиб юриши лозим эди.

Иккинчи имкон

Исроилга ваъда қилинган ерни босиб олиш учун иккинчи имконият берилди. Қонунлар китобининг 2-3 боблари, қирқ йиллик саргардонлик даврида, Ўрдун дарёсининг

бошқа томонида (Трансўрдун Ўрдун орти), ваъда қилинган ернинг шарқидаги ерларда улар қандай кўчиб юрганини тасвирлаб беради. Ўрдун орти ерлари Эдўм, Мўаб ва Оммон бўлиб, Худо бу худудларни Иброҳимнинг жияни Лутнинг авлодларига ҳамда Ёқубнинг акаси Эсовнинг авлодларига берган эди. Бу ерларда яшаган одамларнинг аксари Исроилликларнинг қардошлари эди. Бироқ шу билан бирга улар ёт халқлар эдилар.

Худо Мусога бу сафарни махсус мақсадда амалга ошириш учун кўрсатмалар берди. Бу узоқ қариндошларни йўқлаш эмас эди. Исроилликлар ниҳоят Башан деб аталган ўлкага қараб йўл олишди. Бу жой даҳшатли жой деб ном чиқарган эди. Муқаддас Китобдан ташқари қадимий адабиётда, Башан “улкан илон яшайдиган юрт” сифатида маълум. Бу юртнинг иккита йирик шаҳарлари Аштарўт билан Эдрей мана шу сафар туфайли тилга олинган (Қон. 1:4; Ёш. 13:12), ҳамда ер остидаги ўликлар дунёсининг дарвозаси деб ҳисобланган. Исроил халқининг ғайриоддий дунёқараши контекстида, Худо уларни жаҳаннам дарвозаларига бошлаб бораётган эди.

Бу ҳаммаси эмас эди.

Худо Исроилликларни у ерга иккита шоҳлар Сихон ва Ўг билан юзлашиш учун олиб келган эди. Бу иккала шоҳ Амор халқидан бўлиб (Қон. 3:2-3; 31:4), Муқаддас Китоб Рафа деб атайдиган халқнинг ҳукмдорлари эди. Қонунлар 2:11 да таъкидлаганидек, Инок авлодлари “одатда Рафа халқи” деб ҳам аталарди. Худо Мусо орқали халқни худди шундай девқоматлар яшайдиган бошқа юртга бошлаб борган эди; бу девқоматлар анча йиллар аввал Исроил айғоқчиларини Худога бўлган ишончини йўкотар даражада даҳшатга солишганди (Саҳ. 13:32-33) ва бу воқеа қирқ йил сарсон бўлиб юришга сабаб бўлганди.

Худо нима учун уларни ўша ерга бошлаб борди? Чунки бу юзлашув, қирқ йиллик саргардонлик тугагандан кейин нималар содир бўлиши мумкинлигини олдиндан ҳис этиб

кўришга ёрдам берарди. Вақти келиб, Исроил халқи Худо уларга берган ерни қўлга киритиш учун Ўрдун дарёсидан кечиб ўтишига тўғри келарди. Худо Ўз халқини синаб кўраётган эди. Бу сафар улар имон билан жангга киришадими? Агар шундай бўлса, ғалаба уларга ўзига ишонч ва уларни олдинда кутаётган нарсага нисбатан имон берарди.

Анча йиллар аввал Исроилликлар қочиб қолган эди. Бироқ бу сафар вақеалар бошқача яқун топди. Мусо айтганидай, “Аммо Эгамиз Худо Сихўнни бизнинг қўлимизга берди. Сихўнни, унинг жамики халқини, фарзандларини йўқ қилиб ташладик...Эгамиз Худо Башах шоҳи Ўғни ҳам ҳамма лашкари билан бирга бизнинг қўлимизга берди. Бирорта тирик жон қолдирмай ҳаммасини ҳалок қилдик” (Қон. 2:33; 3:3). Пайғамбар Амос кўп йиллар кейин ўз китобида бу тўқнашув ҳақида баён этаркан, унинг натижасини шундай тасвирлаган эди: “Уларнинг бўй-басти садр дарахтидай баланд, Эман дарахтидай бақувват бўлган бўлса-да, Эгамиз Худо Амор халқини йўқ қилган эди” (Амос 2:9).

Бу берилган иккинчи имкониятдан фойдаланишнинг шафқатсиз йўли эди. Худо халқнинг ўз қўркувларига – уларнинг қирқ йил мақсадсиз дарбадар бўлиб юришига сабаб бўлган даҳшатга тик қарашларини талаб қилган эди. Қизил денгизни иккига ажратган Худо улар билан эди. Улар учун худди ўша онларни эслаш фурсати етганди.

“Вайрон бўлишга бағишланган”

Исроил Сихўн ва Ўғ устидан ғалаба қозонди. Мана шу ердан биз нима учун баъзан ваъда қилинган ерни босиб олиш ерли халқларни қириб ташашни ҳам назарда тутишини илк бор тотиб кўраимиз. Дев қомат Рафа халқига ватан бўлган шаҳарларнинг бутун аҳолиси “вайрон қилишга аталганди” (Қон. 3:6). Мақсад улардан қасос олиш эмасди. Мақсад Нефилим насл-насабини йўқ қилиб ташлашни таъминлаш эди. Исроилликлар учун девқоматлар уруғ жамоаси иблисга хос бўлиб, исёнкор, гуноҳга ботган илоҳий зотлардан

туғилган эди. Улар иблисга улуш қилиб берилган халқ билан бирга бир жойда яшай олмасдилар.

Вақт ўтиб, Исроилликлар Ўрдун дарёсидан кечиб Канъонга киришлари арафасида, Мусо оламдан ўтди. Йўлбошчилик Ёшуага ўтди. У Исроилликларнинг ваъда қилинган ерни эгаллашларида кўпгина ҳарбий юришларга бошчилик қилди; бу юришлар мазкур бобнинг бошида тилга олиб ўтган иккита омилга таянди: душман халқларни қувиб чиқариш ҳамда йўл-йўлакай, девқоматлар наслини қириб ташлаш.

Шу нуқтаи назардан, ваъда қилинган ернинг босиб олиниши муқаддас уруш – зулмат кучларига ва душман худоларнинг ҳукмронлиги остидаги ёвларга қарши уруш эди; Муқаддас Китоб уларнинг ҳақиқий руҳий мавжудотлар бўлганини айтади.

Ерни босиб олишнинг мантиқий изоҳини Ёшуа 11:21-22 қисқача баён этади:

Ўша пайтда Ёшуа қирларда яшаган Иноқ авлодини йўқ қилиб ташлаган эди. Улар Хеврон, Давир, Онов шаҳарларида, бутун жанубий ва шимолий қирларда яшардилар. Ёшуа уларни ўлдириб, шаҳарларини вайрон қилди. Исроил халқининг юртида Иноқ авлодидан ҳеч ким қолмади, фақатгина Ғазо, Гат ва Ашдод шаҳарларида бир нечтаси қолди.

Бунинг нима учун муҳим

Ёшуанинг ҳарбий юришлари кўпинча муваффақиятли бўлгани билан якунига етмаган эди. Бир неча дев қоматлар қочиб қутулдилар – гарчи бу нарса унча муҳимдек кўринмаса-да, содир бўлажак воқеаларга ўз кўланкасини солади. Уларнинг баъзилари Гатда ўрнашди. Гат Филистларнинг шаҳарчасига айланган (Ёш. 13:3) ва шоҳ Довуд даврида Гўлиётнинг она шаҳри бўлган эди (1 Шом. 17:4). Гўлиёт Гат шаҳридаги ягона девқомат ҳам эмас эди (1 Солн. 20:5-8). Ваъда қилинган ерни босиб олиш жараёнида

“вайрон қилишга аталган”ларнинг ҳаммаси ҳам йўқ қилинмаган, ва ерни босиб олишдаги асосий кўрсатмалар амалга ошмаганлиги Исроилликлар учун кўнгилсиз оқибатлар олиб келди.

Ҳакамлар китоби Ёшуанинг ўлиmidан сўнг ерни босиб олиш тўлиқ амалга оширилмаганлигини айтади. Халқ буни ҳеч қачон тўлалигича англаб етмаган. Исроилликларнинг назарида улар ҳаммасини рисоладагидай қилган эди, аслида эса Худонинг бошқа халқларни қувиб чиқариш ҳақидаги амрига итоатсизлик қилишди. Бирок қисман итоаткорлик итоатсизлик билан баробардир.

Исроилликлар Худонинг мақсадини амалга оширмасликка қилган қарорлари учун асрлар мобайнида бадал тўлашлари керак бўлди. Ҳакамлар китобида битта даҳшатли доира (цикл) такрорланаверади: Исроил қайта-қайта душман халқлар қўлига берилаверди, ва Худога содиқ қолишга бўлган ишонч деярли сўниб қолди. Шох Довуд ва унинг ўғли Сулаймон даврида кўп нарса яхшиланди, бирок Сулаймон оламдан ўтганидан кейин, Исроил фуқаролар уруши ва бутпарастликка муккасидан кетди.

Ерни босиб олишнинг улуғворлигига эпик муваффақиятсизлик соя солди. Ғалабанинг оғзидан мағлубиятни тортиб олишди. Худонинг шоҳлиги – Унинг Аданни қайта тиклаш режаси – ёниб кулга айланди. Бобилдан келиб чиққан ғайритабий дунёқараш, ёвуз худолар ҳукмронлиги остидаги Худога ишонмаган халқлар билан бирга ўзгаришсиз қолди. Исроил мағлуб бўлди ва тарқаб кетди, унга ваъда қилинган ер бошқа худолар ва халқлар ҳокимлиги остига тушиб қолди. Худди шундай дунёқараш Янги Ахдга ҳам сингиб қолган. Павлус қоронғулик кучларини тасвирлаш учун *ҳокимлар, ҳукмронлар, тожу-тахтлар, ва куч-қудратлар* деган атамалардан фойдаланади. Бу атамаларнинг ҳар бири қадимда географик худудга (шоҳликка) нисбатан ишлатилган.

Исроилликларнинг мағлубиятга учраши сабаби – уларнинг Худонинг халқи сифатида итоатсизлик ва имонсизлик қилганларидир. Инсонлар ожиздир. Худо нимага биз билан вақтини бекорга сарфлаяпти деб ажабланишимиз тайин. Биз Унинг суратини олиб юривчилармиз ва Унинг оиласимиз. Унинг дунёга ҳукмронлик қилиш ҳақидаги илк режаси бизни ҳам ўз ичига олади. Худо учун, ер юзида ҳукмронлик ўрнатиш учун тузган кенгашида инсоннинг иштирокидан воз кечиш, Унинг бу ишни эпломаслиги ёки бу ишни бошлашнинг ўзи нотўғри фикр бўлганини англатарди. Худо Ўз мақсадларига эришишга лаёқатсиз эмас. Бундан аввалги бобда айтиб ўтганимиздек, У хато қилмайди.

Эски гуноҳ ва муваффақиятсизлик муаммосига янгича ёндашиш фурсати етган эди. Инсониятга, Адан боғидаги шоҳликни қайта жонлантиришни ишониб топшириб бўлмасди. Фақат Худонинг Ўзигина қилиши керак бўлган ишни амалга оширишга қодир эди. Бироқ инсониятни четга ҳам чиқариб қўёлмасди. Аксинча, Худо инсон қиёфасига кириши лозим эди. Худо Қонунни ва тузган аҳдларини Ўзи амалга ошириши, сўнгра эса инсонларнинг мағлубияти учун бериладиган ҳамма жазони Ўзига олиши лозим эди. Бироқ, инсон ақлига сиғмайдиган бу ечимни муваффақиятли амалга ошириш, буни ҳаммадан, Унинг мақсадига қарши бўлган идрокли ғайриоддий мавжудотлардан ҳам сир сақлаш лозимлигини англатарди. Бу эса осон бўлмаслиги аниқ эди.

ЎНИНЧИ БОБ

Кўз ўнгимиздаги сир

Одам Ато ва Момо Ҳаво гуноҳ қилганидан бери, Худо Адан боғи ҳақидаги дастлабки мақсади, яъни Ўзининг илоҳий ва ердаги инсоний оиласи билан бирга яшаш мақсадини қайта тиклашга ҳаракат қилиб келмоқда эди. Худо Одам Ато ва Момо Ҳавога самарали бўлиб кўпайишни, шу тариқа сайёранинг қолган қисмларида ҳам Худонинг адолатли ҳукмронлигини кенг ёйишни буюрган эди. Худо бутун ер юзи, осмон билан ер туташадиган, ҳамда инсоният илоҳий зотлардан ва илоҳий зотлар инсонлардан завқ олиб яшайдиган жой бўлишини истаган эди. *Бунинг* қандай бўлганини ҳаммамиз биламиз.

Таназзул тарихи

Инсоният гуноҳ қилди ва Худонинг ҳузуридан чиқариб юборилди. Адан боғи ёпиб қўйилди. Илоҳий душман бўлган улкан илон ҳайдалди, яъни Худонинг ҳузуридан ерга, ўлим ҳукмронлик қилган жойга, ҳаёт абадий бўлмаган маконга ташлаб ёки отиб юборилди. Ў ўлим ҳукмдорига айланди, ва бинобарин ҳар бир тирик жони бўлган инсон зотига даъво қила бошлади, чунки улар гуноҳ қилар, ва гуноҳнинг эвази эса ўлим эди (Рим. 6:23).

Тўфондан сўнг, Худо Адан ҳақидаги мақсадини Нуҳ ва унинг оиласи билан такрорлади: уларга самарли бўлиб кўпайишни буюрди. Бу қайта уриниш эди. Аксга олиб, инсоният исён кўтарди. Худога итоат этиш ва Худо ҳақидаги билим ва Унинг ҳукмронлигини ёйиш ўрнига, улар Худо уларнинг олдиларига келиши учун минора курдилар.

Яна бир муваффақиятсизлик. Худо бунга рози бўла олмасди. У халқларнинг тилларини аралаштириб юборди ва уларни илоҳий кенгашининг ҳукмига топширди. Кейин эса, У яна ҳаммасини бошқатдан янги бир оила билан бошлашга қарор қилди; буни Иброҳим ва Соро орқали амалга оширмоқчи бўлди. Шоҳлиги қайта тикланганида, У бошқа халқларни Иброҳим насли орқали қайтариб келмоқчи бўлди (Ибт. 12:3).

Бу режа ҳам муваффақиятсиз бўлиб чиқди. Кейинги уриниш Исроилни Мисрдан олиб чиқиш, сўнгра Синайга бошлаб бориш, ундан сўнг эса ваъда қилинган ерга олиб бориш эди. Исроил панд берди. Пировардида, Худо Довудни ва унинг ўғли Сулаймонни кўтарди. Бироқ Сулаймоннинг ўлиmidан кейин, Исроил бошқа худоларга эргашиб кетди ва исроилликлар бир-бирига душман бўлиб қолишди. Худо уларни ваъда қилинган ердан чиқариб асирликка юборишига тўғри келади.

Инсоният ҳикояси, Худонинг ҳузуридан ташқарида, муваффақиятсизлик ҳикоясига айланади. Бунинг сабаби – гуноҳдан кейин инсоният кўлдан бой берилган эди. Ҳамма одамлар нокомил ва Худога бегонадир. Худонинг шоҳлигига асос солиш ва бошқаришни биронта ҳам йўлбошчи-инсонга ишониб бўлмайди. Улар фақат Худога содиқ қолишга қаршилиқ қилишади. Улар ўз йўлларида юришади. Инсонлар гуноҳ қилиши, панд бериши ва Худонинг энг катта душмани бўлган ўлим ҳукмдорида қўшилиб олиши мумкин. Бироқ Худонинг, уларни янги Адан устидан бошқарувчи-шоҳлар қилиш ва бошқа халқларни улар орқали марҳаматлаш орзуси (vision) инсонларсиз амалга ошмасди. Одамлар Худонинг режасидаги ўзларига тегишли қисмни амалга ошира олишининг ягона йўли уларнинг янгидан яратилиши бўларди. Гуноҳнинг лаънати бартараф этилиши лозим.

Бунинг учун эса Худога режа бор эди.

Ечим – ва муаммо

Худога бир одам керак бўлдики, у одамлардан устунроқ, яъни васвасаларга қарши тура оладиган, ҳар доим бўйсунадиган, ўлим лаънатини ўз ўлими ва қайта тирилиши орқали, қудрати ила бекор қила оладиган бўлсин. Буларнинг ҳаммаси битта йўл билангина амалга ошиши, яъни Худонинг Ўзи одам қиёфасига кириши лозим эди. Худо Ўзининг режасини *одам сифатида*, бутун инсоният учун амалга ошириб, Аданни қайта тиклаган бўларди. Инсонлар гуноҳларидан фориғ бўлиб, қайта тирилишнинг қудрати билан Исо каби муқаддас бўлганларидагина (1 Юҳ. 3:1-3), Адан воқеаликка айланиши мумкин эди.

Бироқ битта муаммо бор эди. Агар бу режа ошкор бўлса, яъни ўзи Худо бўлган одам Худонинг дасталки орзу-мақсадини қайта тиклаш ниятида ўлиш ва қайта тирилиш учун ер юзига келганини маълум бўлса, қоронғулик кучлари тинч ўтирмасди.

Бу нарса Павлус Коринфдаги жамоатга ёзган мактубида айтганларининг худди ўзгинасидир:

Биз Худонинг махфий, сирли ҳикмати борасида гапирамиз, У бу ҳикматни дунё бино бўлишидан аввал бизга улуғлик яратиш учун шайлаб қўйган эди. Бу ҳикматни дунё ҳокимлари тушунсалар эди, улуғ Раббимизни хочга миҳламас эдилар. (1 Кор. 2:7-8, 2008 таржима)

Павлус ким ҳақида гапиряпти? *Ҳокимлар* сўзи инсон ҳукмронларга, яъни Понтий Пилат ва яҳудий раҳнамоларига ишора қилиши мумкин, бироқ Павлус илоҳий, иблисга тегишли кучларни ҳам назарда тутган эди (Эф. 2:2). Худонинг душманлари бўлган одамлар ва илоҳийлар бу сирдан хабар топмасликлари лозим эди. Буларнинг барчаси Худо-одамнинг ўлими ва қайта тирилишига боғлиқ эди.

Бироқ буни қандай сир сақлай оласиз?

Яширин Масих

Зиммасига Аданни қайта тиклаш вазифаси юкланган одам-Худо, шубҳасиз, Масих – Носиралик Исо эди. Бироқ Масихни юбориш режаси (messianic plan) сир эди деганим, сизни хайратга солдимиз? Эски Аҳдни ўқиб чиқиб бутун бир режани билиб олсак бўлмайдимиз? Албатта бўлмайди.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Эски Аҳдда *масих* сўзи, яъни аслида Худо бўлиб, инсониятнинг гуноҳи учун ўладиган одамни ифодалайдиган сўз сифатида тилга олинган биронта ҳам оят йўқ. Ҳатто “азоб чекаётган кул” тасвирланган Ишайё 53:11 ҳам бунга мисол бўла олмайди. Ишайё китобининг ушбу бобида ва бошқа жойларида ҳам *масих* сўзи умуман учрамайди, “кул” сўзи эса якка шахсдан қутқарувчига эмас, балки Исроил халқига нисбатан ишлатилади (Иш. 41:8; 44:1-2, 21; 45:4; 48:20; 49:3). “Мойланган” маъносини англатувчи *масих* сўзи эса, деярли ҳар доим Довудга ёки ундан кейин шох бўлиб ҳукмдорлик қилган авлодларидан бирига нисбатан қўлланилган.

Аслини олганда, айтаётган нарсаларимнинг исботи – ўлиб, қайта тириладиган илоҳий масихнинг Эски Аҳдда топиш қийин бўлган тавсифи – Янги Аҳдда намоён бўлади.

Шогирдлари Исо Қуддусда ўлмоқчи эканлигини айтганида қандай жавоб берганлари ҳақида бир ўйланг. Бу эълон уларни ўйлантириб қўйган ва қайғуга солган эди (Мат. 17:22-23; Марк 9:30-32). Улар “Ҳа, албатта, биз бу ҳақда Муқаддас Битикларда ўқиганмиз”, деб жавоб берганлари йўқ. Бутрус ҳатто Исога айтганлари учун таъна ҳам қилганди (Мат. 16:21-23).

Шогирдлар Худонинг бу янги режаси ҳақида бирон туйғу ёки тасаввурга ҳам эга эмасдилар. Улар Исони Довуднинг ўғли ва унинг тахтининг қонуний вориси, Эски Аҳд пайғамбарлари каби мўъжизалар яратишга қодир шахс деб ўйлашган.

Ҳатто *қайта тирилганидан* кейин ҳам, шогирдлар азоб чекаётган масиҳни кўра олишлари учун уларнинг зеҳнларини ғайритабиий равишда очиб юбориш керак бўлди. Исо ўликлар ичидан тирилганидан сўнг, уларга зоҳир бўлиб шундай деди:

“Мен ҳали сизлар билан бирга бўлганимда, Мен ҳақимда Мусо Қонунида, Пайғамбарлар ва Забур китобларида ҳамма ёзилганларни бажо келиши керак, деб айтган эдим-ку. Мана шу бўлиб ўтганларга тўғри келади”, - деди. Кейин оятларни англамоқ учун шогирдларининг зеҳнини очиб юборди. (Луқо 24:44-45).

Худонинг “янги режаси” – гуноҳнинг лаънатини бекор қилиш учун Унинг ўлиши ва ўликлар орасидан тирилиши – Эски Аҳдда буткул ноаниқ эди. Аксинча, сирнинг калитлари Эски Аҳднинг ўнлаб қисмларига тарқатиб юборилган эди. Бунинг барчаси ҳеч қачон битта жойда ошкор этилмаган. Масиҳнинг тавсифи фақат воқеалар содир бўлгандан кейингина аниқ бўлади –ўшанда ҳам, фақат аллақачон нимани излашни ва кутишни биладиган одамларга ҳам.

Идрокли ғайриоддий ёвуз мавжудотлар, пайғамбарлар башорат қилиб айтган Довуднинг ўғли келганини албатта билишган (Мат. 8:28-29; Луқо 4:31-35). Уларнинг Эски Аҳддан билиб олганлари шугина эди. Бироқ ёвуз руҳлар айтганларининг бирортаси, улар Исонинг ер юзига гуноҳнинг лаънатини бекор қилиш учун, ўлиб қайта тирилишга келганини тушунганликлари ҳақида таассурот уйғотмайди.

Павлус таъкидлаганидек, агар Шайтон ва ёвуз руҳлар буни тушунганида эди, ҳеч қачон Исони ўлдириш учун Яҳудо Исқариёт каби одамларни ҳаракатга келтирмаган бўларди. Иблис ва у билан иттифоқ тузганлар ҳар нарса бўлишлари мумкин, лекин улар аҳмоқ эмас. Худо режа қилганидек, улар Исони ўлдиришга *ҳийла* билан жалб қилинганди.

Улар ўзларини таназзулга етаклайдиган воқеалар кетма-кетлигини яратишди. Бу илоҳий тарзда тузилган йўлдан оғдириш эди.

Масих тавсифининг қисмлари

Ортга назар ташлайдиган бўлсак, масих тавсифининг парчаларини Исонинг шогирдларидан кўра аниқроқ кўришимиз мумкин. Гарчи, Довуднинг илоҳий масих ўғли, гуноҳнинг лаънатини бекор қилиш учун ўлиб тирилишини тасвирлайдиган биронта оят бўлмаса-да, бу жумбоқ ипи бутун Эски Аҳд бўйлаб ўтади. Режа қандай амалга ошганини аллақачон кўрганингиз учун, энди арқоннинг учини топишингиз ва йўлак (намунa) бўйлаб юришга бошлашингиз мумкин.

Мисол учун, “Худонинг ўғли ким?” деб сўрайлик. Эски Аҳдда жовоб “Исо” эмас. Одам Ато Худонинг ўғли бўлган – у энг биринчи яратилган одам эди. Исроил Худонинг ўғли деб аталган (Чик. 4:23; Хўш. 11:1). Исроиллик шоҳ Худонинг ўғли деб аталган (Заб 2:7). Янги Аҳдда Исо “иккинчи Одам” ва “Худонинг ўғли” ҳисобланади (Рим. 1:4; 1 Кор. 15:45; 2 Кор. 1:19; Ибр. 4:14)

Биз яна “Худонинг қули ким?”, сўрашимиз мумкин. Одам Ато Худога хизмат қилган (Ибт. 2:15). Исроил Худонинг қули деб аталган (Иш. 41:8; 44:1-2, 21; 45:4; 48:20; 49:3). Довуд ва бошқа Исроил шоҳлари насаби бўйича Худонинг хизматчилари бўлишган (2 Шом. 3:18; Заб. 88:4; 1 Шоҳ. 3:7; 2 Солн. 32:16). Исо ҳам қул сингари бўлган (Ҳав. 3:13; 4:30; Фил. 2:1-8).

Худонинг бу ўғиллари ва қуллари азоб чекканмиди? Уларнинг ердаги ҳаётларига маълум пайтда қукта қўйилганмиди? Ердаги ҳаётлари қайта янгиланганмиди? Уларнинг келажаклари янги Адан билан боғлиқми? Жавобларнинг ҳаммаси “ҳа”. Одам Ато, Исроил ва Довуд наслидан бўлган шоҳларнинг барчаси Худонинг хузуридан – Унинг ердаги

маконидан (Адан боғи ва ваъда қилинган ердан) қувилган эдилар. Шунга қарамасдан, улар янги Аданда Худо ва қайта тирилган Исо билан яшаш учун қутқариладилар.

Гап шундаки, бу шахсларнинг барчаси қандайдир тарзда Исога ишора қилади, ва *Исо эса суртнинг қисмларини тўлдиради*. У бутун бир суратнинг бирлаштирилгани бўлиб, унинг барча қисмлари топилиб, ўз ўрнига қўйилгандагина кўзга кўринадиган бўлади. Ҳамма нарса кўз ўнгимизда бўлса-да, бўлиб ўтган воқеаларни таҳлил қилмагуниimizча кўришимиз қийин.

Бу нима учун муҳим

Ақл-идрокли ёвузлар, яъни Шайтон, ёвуз руҳлар, халқлар устидан ҳукмрон бўлган кичик худоларнинг ҳеч нарсадан хабари йўқ. Улар Худонинг идрокига эга эмаслар ва унга суқулиб кира олмайдилар. Ёвуз кучлар ғайриинсоний бўлганлари учун ҳамма нарсани билгувчи деб тахмин қилишга мойилмиз. Лекин бу тўғри эмас. Ҳар нарсани билгувчи зот *ягона* – бу ҳам бўлса Худодир. У бўлса биз томонда.

Гуноҳ туфайли Шайтон устимиздан қонуний юрисдикцияга эга бўлди. Нимани назарда тутяпман? Одам Атонинг гуноҳи туфайли “ўлим бутун инсонларга ўтди” (Рим. 5:12). Улкан илон лаънатланди, ўликлар дунёсига, ёки биз жаҳаннам деб атайдиган ер ости дунёсига ташалди. Гуноҳ туфайли, ҳар бир инсон ўлимга маҳқум ва Иблис ҳукмрон бўлган ўликлар дунёсига боради.

Буларнинг барчаси Исо *биринчи бор* ерга келганида, ва хочда ўлим топиш ва ўликлар орасидан тирилиш орқали, Худонинг нажот режасини амалга оширганида ўзгариб кетди. Аданни тиклаш учун ташланган биринчи қадам инсониятни ўлим лаънатидан халос қиладиган бир йўл тайёрлаш эди. Исога имон келтирганларнинг барчаси, Худонинг оиласи ва шоҳлигига аъзо қилинганлар, ўлим лаънатига ва ўлим ҳукмдорига бошқа асир эмаслар.

Шу сабабли, Исо хизматини шоҳликни тиклаш ишидан бошларкан (Луқо 10:1-9), шундай деганди: “Мен шайтоннинг осмондан яшиндай тушганини кўрдим” (Луқо 10:18). Исо Ўзининг ўлими ва қайта тирилиши, гуноҳкорнинг гуноҳидан кечиб, шайтонни бизнинг руҳимизга даъво қилиш имконидан маҳрум қиларди. Шоҳлик – ўликлар дунёси ҳукмдори учун хотиманинг дебочаси эди.

Яна бир марта таъкидлаб айтаманки, бизлар кимлигимизни ва ўзлигимиз кимга бориб тақалишини ёдда сақлашимиз лозим. Имонлилар жамоат сифатида *Масихнинг бадани* деб аталади. Исонинг бадани эса қайта тирилган эди. Биз ҳам ўлимдан тириламиз, чунки У бирини бўлиб тирилди (1 Кор. 15:20-23). У ўлганларнинг *илғоридир*. Бизлар “жаннатга қабул қилинган тўнғичларнинг йиғинимиз” (Ибр. 12:22-24). Юҳанно айтганидай, “Уни қабул қилганларга эса, барча Унинг номига имон келтирганларга У Худонинг фарзанди бўлиш иқтидорини берди” (Юҳ. 1:12). *Шайтон Худонинг фарзандларига даъво қила олмайди*, чунки улар ўлимдан ҳаётга қайтадилар. Ҳаёт бўлганнинг ўликлар орасида яшашига сабаб йўқ.

Худо қўли(даги)ни ҳеч кимга ошкор қилмайди – на инсонга ва на илоҳий зотга, на садоқатли, ва на душманга. Масих Худонинг режасини қандай қилиб амалга оширишининг икир-чикирлари сир бўлиб қолиши лозим эди. Бироқ масих пайдо бўлганида, у инсон қиёфасидаги Худо бўлишини ва Адан шоҳлигини тиклаш ўйиннинг хотимаси бўлишини, улар беҳато тушунишлари Худо томонидан таъминланган эди. Кейинги иккита бобда кўриб чиқадиганларимиз – одамларнинг юракларига имонни жо қилиш учун ва қоронғулик кучларининг ўз халокатларига ўзлари туртки беришлари учун юқорида тилга олинган нарса етарлича маълумот бўлган.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

Ғайритабий Режа

Аввалги бобда, Эски Аҳд, масиҳни кўз кўрадиган қилиб ошкора яшириш орқали тақдим этганига гувоҳ бўлдик. Худонинг Адан боғини тиклаб, инсониятни қутқариш режасининг калити – масиҳ ҳисобланган Исонинг хочда жон бериши ва ўликлар орасидан тирилиши эди.

Одам қиёфасига кириш билангина, Худо, Довуд наслидан бўлган инсон-шоҳнинг Унинг халқига ҳукмронлик қилишида, гуноҳга ботмай ва руҳан оғишмай туришини таъминлаши мумкин эди. Ўша шоҳ, халқининг ўрнига ўлиб тирилганидагина, Худо гуноҳни адолатли ҳукм қилиш билан бир вақтда, нажот ҳам келтирган бўларди. Масиҳнинг ўлими ва қайта тирилиши орқалигина, гуноҳкорлар Худонинг оилавий кенгашида ҳамон ўз ўрнига эга бўлиб, дастлаб режалаштирилганидек, янгидан тикланган Адан шоҳлигида ҳукмронлик қилган бўлади.

Бироқ нималар талаб қилинганини бир ўйлаб кўринг: Исо ғайриоддий кучларни одамларни гижгижлаб, Уни ўлдиришга мажбур қилишларига эришиши лозим эди – бунда улар аслида нималар қилаётганини ўзлари англаёлмай қолишлари шарт эди. Павлус Коринфликларга ёзганидай (1 Кор. 2:6-8), агар улар қилаётган ишларининг оқибати нималарга олиб келишини билишганида, улар Раббимизни ҳеч қачон хочга михламаган бўлишарди.

Исонинг ҳаёти ва хизмати мана шу фонда кўриб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Мисол учун, Исонинг хочга етакловчи хизмати Янги Аҳд ўқувчиларида, қандайдир қутилмаган воқеа сифатида таассурот уйғотиши осон. Модомики, Хушхабар китоблари ҳар

доим ҳам бир хил эпизодларни тақдим этмайди – мисол учун, Исонинг туғилиши фақат Хушхабар китобларининг иккитасидагина (Матто ва Лукода) ёзилган, ҳамда уларнинг фақат биттасигина мунажжимларнинг ташрифини тилга олади (Мат. 2). Баъзан эса воқеалар хушхабарларда ҳар хил тартибда берилган. Бироқ Исонинг Хушхабарларда ёзиб қолдирилган ва хочга етаклайдиган ишлари – хасталарга шифо бериши, Осмон Шоҳлиги ҳақида ваъз қилиши, гуноҳкорларни кечириши, икки юзламачиликни фoш этиши – (мамлакат бўйлаб) саёҳат қилиб юрган ва вақти-вақти билан мўъжизалар содир этган донишманд кишининг тасодифий ишларидан кўра олийроқ эди. Хушхабар ҳикояларида илк бор кўзга ташланганидан кўра кўпроқ нарсалар содир бўлади.

Ёвузликка фириб бериш

Исонинг оммавий хизматининг бошланиши қайд этилган воқеа Унинг сувга чўмиши бўлди. Ана шу ерда, Худо Исони Ўз Ўғли эканини оммага танитади (Марк 1:11), ҳамда Яхё эса Уни “дунёнинг гуноҳини Ўзига олувчи” сифатида намоён этади (Юх. 1:29). Яхё айтган ўша сўзларни ўқиганимизда, ҳаёлимизга биринчи келадиган нарсача хочга михлашдир. Бироқ Яхёнинг шогирдлари бу ҳақда ўйламаётган эдилар. Очиғини айтганда, ҳеч ким бу ҳақда ўйламаётган эди. Сувга чўмганидан қарийб уч йил ўтиб, ердаги хизмати поёнига етай деб қолган ва Исо Ўзининг ўлими ҳақида гапира бошлаганда, Унинг Ўз шогирдлари ҳам бу ғояни инкор этишганди (Мат. 17:22-23; Марк 9:30-32). Раббимиздан Унинг тез орада ўлиши ҳақида эшитиш уларнинг ҳаёлига ҳам келмасди. Бу ақлга сиғмайдиган гап эди. Исонинг хочдаги ўлими энг бошиданок режалаштириб қўйилганини улар тушунмасдилар. Нима учун тушунмасдилар? Чунки аввалги бобда муҳокама қилганимиздек, режа Эски Аҳдда очиқ-ойдик баён қилинмаган эди.

Сувга чўмганидан сўнг, Муқаддас Рух Исони сахрога, Иблиснинг синовидан ўтиш учун олиб кетганди (Мат. 4:1; Марк 1:12; Луқо 4:1-13). Иблиснинг Исони васвасага солиш учун келиши, унинг Исони кимлигини билишидан далолат беради – Исо Худонинг ердаги “бошқарувини” қайта тиклаш вазифаси билан келган масих эди. Пировардида, Худонинг “мойлангани” (масих) Довуд наслидан келиб чиққан шоҳ бўларди. “Бу дунёнинг ҳокими” Шайтон (Юҳ. 12:31), Исонинг унинг шоҳлигига, яъни Худо Исроил халқини барпо этишидан аввал, Бобил минорасида, тарқатиб юборган халқларга кўз тикишини билган (Қон. 4:19-20; 32:8-9).

Кўпчилигимиз Исо ва Шайтон ўртасидаги воқеани яхши эслаймиз. Шайтон Исони уч марта васвасага солди (Мат. 4:3-11). Исо билан Худо ўртасидаги муносабатни бузиш учун, Шайтон ишга солган стратегия, Исога дунё халқларини тақдим этишдан иборат эди (Мат. 4:8-9); Исо худди мана шу нарса учун келган деб тахмин қилганди:

Иблис Исони яна жуда баланд тоққа олиб чиқиб кетди. Дунёнинг барча салтанатларини ҳамда уларнинг ҳашаматини Унга кўрсатиб, “Агар тиз чўкиб менга сажда қилсанг, буларнинг ҳаммасини Сенга бераман,” – деди. (Мат. 4:8-9)

Шайтоннинг таклифи Худо режасини айёрона бузиб кўрсатилгани эди. Бу эса Худо истаган натижани берган бўларди, яъни Ўзи тарқатиб юборган халқлар қайтариб келинарди. Миссия амалга ошди. Исо қилиши керак бўлган ягона нарса – Худонинг ўрнига шайтонга сажда қилиш эди.

Шайтон бунни таклиф қилиш билан, Худонинг режаси Исонинг ўлимини *талаб этишини* хали англаб етмаганлигини кўрсатади. Исо ҳам унга ҳеч бир сир бой бермади. Исо нимага (шайтоннинг таклифини) рад этаётганини тушунтириб ўтирмади. У оддийгина қилиб шайтонга кўзидан йўқолишини айтди. Худо Ўзига тегишли бўлган нарсани қачон ва

қандай қайтариб олишни Ўзи ҳал қилади. Исонинг миссияси (топшириғи) халқлар устидан ҳукмронлик қилишдангина иборатмас эди. Балки, Худонинг оиласини қайта барпо этиш ҳам эди. Бу оилага фақат Исроил халқини эмас, балки бошқа халқларни ҳам киритиш, бу халқларни гуноҳдан поклаш кераклигини англатарди. Аввал бошидан режалаштирилганидай, Худонинг ҳукмронлиги унинг фарзандларини ҳам камраб оларди. Инсониятни қутқариш (қурбонлик эвазига сотиб олиш), ва бинобарин, Худонинг режасини ҳаётга тадбиқ этишда хочнинг аҳамияти катта эди. Исо эмас, балки шайтон хийлага лаққа тушаётганди.

Аданнинг таъми

Саҳрода васвасага солинганидан кейин, Исо дарҳол иккита нарсани амалга оширди: Ўзининг дастлабки шогирдларини (Бутрус, Идрис, Ёқуб ва Юҳано) танлади, ҳамда жинга чалинган одамга шифо берди (Марк 1:16-28; Луқо 4:31-5:11). Шогирдларни танлаш ва шифо бериш иккаласи ҳам давом этиб, (илгани тилга олганимиз) яхлик суратнинг бошланғич қисмларини очиб берди. Кўпроқ шогирдларни даъват этаркан, уларга жинларни қувиб чиқариш ва одамларни ҳар хил касалликлардан шифо бериш қудратини ато этди (Луқо 9:1-5).

Исо биринчи бўлиб ўн иккита шогирдни танлади. Бу рақам тасодифий эмас эди. Бу Исроилнинг ўн икки қабиласи сонига тенгдир.

Исо шохликни тиклаш режасини ҳамманинг кўз ўнгида Исроил билан бошлаган эди. Нима бўлганда ҳам, улар Худонинг улуши, танланган халқ эди (Қон. 32:8-9). Кейинчалик Павлус ҳам хушxabарнинг тарқалишини худди шундай усулда кўрган эди – аввал яҳудийлар орасида бошланиб, сўнгра эса маъжусийлар орасида тарқаларди (Рим. 1:16-17).

Исо ўн иккита шогирд билан чегараланиб қолгани йўқ. Луқо 10-чи бобда, у, етмишта одамни ёвуз рухларни ҳайдаш ва касалларга шифо бериш учун юборади (Луқо 10:1, 9, 17). Бу рақам ҳам тасодифий эмас эди. Бу рақам Ибтидо 10-чи бобда санаб ўтилган халқларнинг сонига тенг; бу халқларни Худо Бобил минорасидаги воқеадан сўнг тарқатиб юбориб, кичикроқ худоларга улуш қилиб берганди (Қон. 4:19-20; 32:8-9). Баъзи таржималарда бу сон *етмиши икки* деб берилади. Бу шу сабаблики, Эски Аҳднинг қадимги қўл ёзмаларида, Ибтидо 10 даги халқларнинг номларини етмиш иккита чиқадиған қилиб тақдим этишган. Нима бўлганда ҳам, буни айтишдан мақсад битта – Ибтидо 10 даги халқларнинг сонига тенг бўлган одамларни (хушхабарни тарқатишга) юборишдир. Ўн иккита шогирдни танлаб олиш, Осмон Шоҳлиги Исроилга етиб келганини англатганидек, етмишта шогирдни сафарга юбориш ҳам халқларни Шоҳликка қайтариб келишни англатарди.

Етмишта шогирд қайтиб келганида (Луқо 10:17), Исонинг жавоби шундай бўлди: “Мен шайтоннинг осмондан яшиндай тушганини кўрдим” (Луқо 10:18). Бундаги хабар драматик эди: Буюк ўзгариш содир бўлиш арафасида эди. Исо халқларни қўлга киритганидан кейин, шайтон уларга бошқа даъво қила олмасди. Унинг “имонлиларни айблаш” учун Худо ҳузурида туришига барҳам берилди (Вах. 12:10). У қўлида жиноят иши бўлмаган прокурор (қораловчи) эди.

Келинг ва Мени қўлга олинг

Уч йил Худо шоҳлигининг келиши ҳақида ваъз қилгани, одамларга Худонинг севгисини кўрсатгани ва Адан дунёсидаги ҳаёт қандай бўлишини намоён қилгандан сўнг, Исо хотимага, яъни Ўзининг ҳақиқий мақсадини амалга оширишга тайёрлана бошлади.

Қуддусга охирги сафари фожиали тугашидан сал олдин, Исо шогирдларини Исроилнинг узок шимолига бошлаб борди. У хочга михланишини тезлаштириши лозим эди. У ғайритабий кучларни курашга чорлаш учун яхши жой топганди.

Исо шогирдларини Филип Кесарияси деган жойга олиб келди. Бирок бу жойнинг номи римликлар тилида эди. Эски Аҳд даврида бу жойнинг номи Башан бўлган. Биз бу ҳақда мазкур китобнинг 9-бобида гаплашган эдик. Башан ўликлар салтанатига олиб борадиган йўл – жаҳаннам дарвозаси эди. Филип Кесарияси Хермон тоғида, яхудийларнинг тафаккури бўйича, Ибтидо 6:1-4 да тасвирланган исендан кейин Худонинг ўғиллари ерга тушган ерда жойлашган эди. Бир сўз билан айтганда, Эски Аҳд даврида Башан ва Хермон тоғи самовий ёвуз кучлар учун эпицентр вазифасини ўтаган.

Худди мана шу ерда Исо шогирдларига “Сизларчи, Мени ким деб ҳисоблайсизлар?” деган ўша машҳур саволини беради. Бутрус бунга жавобан, “Сен барҳаёт Худонинг Ўғли Масиҳсан” (16-чи оят) дейди. Исо қўшимча қилиб деди:

Сен бахтиёрсан, эй Юнус ўғли Симун! Бу сирни сен ўз уқув-идрокинг билан уққанинг йўқ, балки осмондаги Отам сенга очиб берган. Мен ҳам сенга шуни айтиб қўяй: сенинг тош деган исминг бор ва Мен Ўз умматимни бу тош устида бунёд этаман, жаҳаннам кучлари эса ундан устун чикмас. (17-18 оятлар)

Исо “тош” деб атаган сўзнинг нималиги, асрлар давомида муҳокама қилиниб келади. Бу атамани тушунишнинг калити – ўша худуднинг географиясидир. Филип Кесарияси Башаннинг энг олис шимол томонида жойлашган. Эски Аҳд даврида, бу худуднинг ўликлар диёрига олиб борадиган дарвозаси бор деб ишонишган. Филип Кесарияси тоғнинг этагида жойлашган. “Тош” бу ўша тоғдир. “Жаҳаннам дарвозаси” айнан Исо ва Унинг шогирдлари турган ер эди.

Исо қоронгоулик кучларини жангга чақирмоқда эди. Гуноҳга тушганида, инсоният, Худо билан абадий яшашдан маҳрум бўлган, ва бунинг ўрнига, ўлимга ва Худодан абадий ажралишга эришганди. Ўликлар ҳукмдори, яъни шайтон ва иблис сифатида ҳам маълум бўлган илон, инсониятга даъво қилди. Ҳар бир инсон ўликлар диёрига борганида унга кўшиларди. Бироқ Худода бошқа ғоялар бор эди. Исони инсониятнинг гуноҳи учун бадал тўлашга юбориш маҳфий режаси, жаҳаннам дарвозаларига очикдан-очик хужум қилиш эди. Ўликлар ҳукмдори ва унинг кўшини, Худонинг шоҳлигига қарши тура олмасдилар. Моҳиятан, Матто 16 даги парчада, Исо иблиснинг эшиги тагига бориб уни жангга даъват этади. Исо шайтоннинг ғазабини қўзғатмоқчи эди. Нима сабабдан? Чунки Худонинг яширин режасини амалга ошиши учун Исонинг ўлим соати яқинлашганди.

Ўша жангга оғзаки даъват қилиш етарли бўлмагандай, Исо яна бир қадам олдинга силжиди. Матто, Марк ва Луко биргаликда, Исонинг хизматидаги кейинги воқеа Исо қиёфасининг ўзгариши деган фикрга кўшилишади. Марк 9:2-8 да шундай ёзилади:

Орадан олти кун ўтгач, Исо Бутрус, Ёқуб ва Юҳаннони алоҳида баланд бир тоққа олиб чикди. У ерда, уларнинг кўзи ўнгида Исонинг қиёфаси ўзгариб кетди. Унинг кийимлари ярқираб, қордай оппоқ тусга кирдики, ер юзида ҳеч бир кир ювувчи бундай оқартира олмасди. Тўсатдан шогирдларга Илёс билан Мусо пайғамбарлар кўринди. Улар Исо билан суҳбатлашаётган эдилар. Шунда Бутрус Исога: “Устоз! Бизлар учун бу ерда бўлиш жуда ёқяпти. Учта чайла ясайлик, бириси Сенга, бириси Мусога, бириси Илёсга” – деди. Лекин у нима дейишни билмас эди, уларни жуда ваҳима босган эди. Шу пайтда бир булут пайдо бўлиб, уларга соя солди. Булут ичидан: “Бу Менинг севимли Ўғлимдир, Унга қулоқ солинглар!” – деган акс-

садо келди. Бирданига шогирдлар атрофларига қараб, ёлғиз Исодан бошқа ҳеч кимни кўришмади. (2008 таржима)

Исонинг қиёфаси ўзгариши Хермон тоғида рўй берди. Исо Бутрус, Ёқуб ва Юҳаннога Ўзининг аслида ким эканини, яъни Худонинг улуғворлиги Ўз танасида мужассамлашишини намоён қилиш учун, айнан шу жойни танлаган эди. У шайтон ва унга хизмат қилган қоронғулик кучларига хабар юбормоқда эди: *Мен Ўзимга тегишли бўлганни олиб кетиш учун ер юзига келдим. Худонинг Шоҳлиги яқин. Аслида эса: “Мана Мен шу ердаман – энди қўлингдан нима келади”*.

Исонинг қиёфаси ўзгаргандан кейин, дарҳол Қуддус томонга юз буриб, шогирдларига ўша ерда ўлмоқчи эканини айта бошлади. Шогирдлар бундай нарсалар ҳақида эшитишни исташмасди. Бироқ Исо шайтон ва қолган барча ёвуз кучларни аллақачон ҳаракатга келтириб қўйган эди. Улар эса Исодан имкон қадар тезроқ қутулиш кераклигини ҳис этишарди. Исо айнан шу нарсани хоҳлаганди. Унинг ўлими барча нарсанинг калити эди.

Бу нима учун муҳим

Исонинг хизмати атайдан уюштирилган эди. У Худонинг ердаги шоҳлигини қайта тиклашдаги Ўзининг ролини очиқ-ойдин кўра олган, токи бу шоҳлик Исо қайтиб келадиган кунгача, бутун жаҳонни қамраб оладиган Аданда юксаладиган кунгача, ўсишда давом этсин.

Бизнинг ҳаётимиз Исоники каби ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас, бироқ ҳар биримизнинг, худди Унинг шогирдлари каби, ўйнашимиз керак бўлган ҳақиқий ролларимиз бор. Бизлар ишонганимиз каби яшашимиз лозим. Худонинг оилавий кенгашига қўшилган имонлилар кузатувчиликка эмас, балки иштирокчиликка олиб келинган (Кол. 1:13).

Исонинг ниятларидан бири одамларга Аданнинг қандай бўлганини ва Худо билан ҳаёт кечириш қандай бўлишини кўрсатиш эди. Худонинг оиласи ва салтанатида ҳеч қандай касаллик ва жисмоний нуқсон бўлмайди. У ерда, яна, Худога душман кучлар ҳам бўлмайди. Худонинг пировард шоҳлиги боғдан каттароқ ва Исроилдан кенгроқ бўлади. Осмон шоҳлиги бутунжаҳон (глобал) шоҳлик бўлади. У ҳамма халқларни қамраб олади. У аввал Адан боғи бўлган нарса – ердаги жаннат бўлади.

Бизнинг вазифамиз Исога тақлид қилишдир. Бизлар худди У каби, ўзимизга ўхшаш Унинг суратини олиб юрувчиларнинг таналари ва руҳлари ҳақида ғамхўрлик қилишимиз, уларни Шоҳимизга имон келтиришларига бошлашимиз, ва уларнинг Исога садоқатли бўлиш қарорларини қўллаб-қувватлашимиз мумкин. Масиҳнинг изидан бориб, “Дилабгорларга шифо бериш” ва “асирларга озод бўлдинг” деб эълон қилиш учун (Иш. 61:1) ғайриоддий кучга эга бўлиш шарт эмас, бироқ буларнинг бари, моҳиятан, ғайриоддий ишлардир. Бу ишлар қоронғуликка қарши туришни ва стратегик мақсадга (strategic vision) эга бўлишни талаб қилади. Муқаддас Руҳ орқали кўрсатилган меҳр-мурувват, кимнингдир юрагини тўғри йўлга солиш учун, ҳеч қачон панд бермайди. Хушxabарнинг ҳеч бир баёни самарасиз қолмайди. Исонинг меҳр-инояти Ўзи етказаётган хушxabарга мос эди. Бу ҳар бир имонли эргашиши мумкин бўлган намунадир, ҳамда бу – шоҳликнинг мақсадларига мос ишнинг тавсифидир.

Ниҳоят, айёр шайтоннинг имкониятлари чекланибгина қолмасдан, шоҳликнинг мақсадлари ва фаолиятига нисбадан ҳимоясизлигини яна бир бор эсга оламиз. Исо аллақачон “Худонинг ўнг тарафида ўтириб,” фаришталар ва (қоинотдаги барча) куч-қудратлар устидан ҳокимият ўрнатди (1 Бут. 3622). Биз У билан бирга “аллақачон лекин ҳали эмас” тахтдошлармиз (Кол. 3:1; 2 Тим. 2:12; Вах. 2:26; 3:21). Жаҳаннам эшиклари

Худо жамоатининг, Унинг ердаги шохлиги сифатида камол топиши жараёнига, тўсқинлик қила олмайди. Ушбу буюк ўзгаришда иштирок этишга қарор қилиш ўз қўлимизда.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

Булутларда келгувчи

Аввалги бобни, Исо жаҳаннам дарвозалари ва Хермон тоғи олдида, қоронғулик кучларини Ўзига жалб қилганидан кейин, кечиктирмай Ўз ўлими ҳақида гапириб бошлагани билан яқунлагандим. Бу урушга даъват Раббимизнинг суд қилиниши ва хочдаги ўлимига олиб борган бир қатор вақеаларни ҳаракатга солиб қўйди. Масиҳийлар Исонинг суд қилиниши ҳақида кўп бора ўқиганлар. Бироқ бу воқеанинг ортида бир ғайриоддий манзара борки, кўпинча улар уни эътиборсиз қолдиришади.

Яхудий ҳукмдорлари Исо устидан ўлим ҳукмини чиқариб, Понтий Пилатнинг қўлига топширишига нималар сабаб бўлганини тушуниш учун, Эски Аҳддаги Дониёр китобига муружаат қилишимизга тўғри келади; бунда Худо самовий лашкари, илоҳий кенгаши билан мажлис қилади.

Азалий Нуроний ва Унинг кенгаши

Дониёр китобининг 7-чи боби ғаройиб ваҳий билан бошланади. Дониёр денгиздан чиқиб келаётган тўртта махлукни кўради (Дон. 7:1-8). Уларнинг барчаси ваҳимали, бироқ энг охиргиси энг ёмони эди. Эски Аҳдда даврида тушлар таъбирланганда, жонли ва жонсиз нарсалар ҳар доим ниманингдир рамзи бўлган; бу тушда эса, Дониёр ваҳийда кўрган тўртта махлук тўртта империяни англатарди. Биз бунга аминмиз, чунки у кўрган ваҳий Навухадназар Дониёр 2-чи бобда кўрган, Бобил ва бошқа учта империялар ҳақидаги туш билан мос келарди. Биз эса диққатимизни Дониёр тасвирлаб берган қуйидаги нарсаларга қаратамиз:

Мен тахтларнинг жой-жойига ўрнатилганини томоша қилиб турдим, Азалий Нуроний ўз жойига ўтирди. Унинг кийими қордай оқ, сочлари эса оппоқ момикдай эди. Унинг тахти оташин аланга, тахтининг ғилдираклари ловуллаган олов эди. Унинг хузуридан оловли дарё оқиб чиқарди. Минглар Унга хизмат қилар, миллион-миллионлар амрига мунтазир эди. Сув мажлиси бошланди, ҳамма китоблар очилди. (Дон. 7:9-10)

Азалий Нуроний Исроилнинг Худоси эканини биламиз. Буни аниқлаш қийин эмас, айниқса, Унинг тахтини Хизқиё ваҳийда кўрган Худонинг тахти билан солиштирсак (Хиз. 1). Бу ваҳийдаги олов, ғилдирақлар ва инсон киёфасидаги зот, Дониёр кўрган ваҳийдаги билан бир хил.

Бироқ у ерда тахт фақат битта эмаслигига эътибор бердингизми? Дониёр кўрган ваҳийда тахтлар бир нечта (Дон. 7:9), яъни Худонинг кенгаши, илоҳий суд аъзоларига етадиган миқдорда (Дон 7:10).

Ваҳийда самовий кенгаш махлуқлар, яъни империяларнинг тақдирини хал қилиш учун йиғилади. Тўртинчи махлуқ ўлдирилди ва қолганларининг ҳукмронлиги йўқ қилинди (Дон. 7:11-12). Уларнинг ўрнини бошқа бир шоҳ ва шоҳлик эгаллайди. Ана ундан кейинги воқеалар янада қизиқ тус олади.

Осмон булутларида келаётган инсон ўғли

Дониёр ваҳийни баён этишда давом этади:

Тунда келган ўша ваҳийда мен осмон булутларида келаётган инсон киёфасидаги биттасини кўрдим (баъзи инглизча таржималарда “инсон ўғли”). У Азалий Нуроний олдига келди. Унга ҳукмронлик, улуғворлик ва шоҳлик берилди. Барча халқлар, элатлар ва уруғлар унга бўйсунди. Унинг ҳукмронлиги битмас-

туганмас, абадий хукмронликдир. Унинг шоҳлиги ҳеч қачон бузилмасдир. (Дон. 7:13-14)

“Инсон ўғли” ибораси Эски Аҳдда кўп марта ишлатилган. Бу ибора инсонга нисбатан ишлатилгани бизни ҳайратга солмаслиги керак. Ҳайратланарлиси, бу инсоннинг мазкур парчада қандай тасвирланганлигидир. Дониёр 7:13 (инсон қиёфасидаги) биттасининг Азалий Нуроний олдига *осмон булутларида келётганини* тасвирлайди.

Бунинг нимаси муҳим? Чунки Эски Аҳднинг қайси жойида бу тасвирлаш ишлатилса, у Худонинг Ўзи ҳақида бўлар эди (Иш. 19:1; Қон. 33:26; Заб. 67:32-33; Заб. 103:1-4). Бирок Дониёр 7 да, Худо *аллақачон ўша ерда* Азалий Нуроний сифатида бор эди. Бу гўёки, ваҳийда Дониёр инсон қиёфасидаги “иккинчи Худони” кўрган; масиҳийлар ҳам Худога биттадан ортиқ шахс сифатида ишонадилар.

Гап айнан мана шунда.

Матто 26-чи бобда Исо Каяфа ҳузурида суд қилинар, ҳамда ҳаёти қил устида экан, қуйидаги ғояни илгани суриб, асабларни таранглаштирди:

Олий руҳонийлар, оксоқоллар ва бутун Олий Кенгаш Исога ўлим жазосини бериш учун Унга қарши сохта далилларни излашга тушдилар. Анчагина гувоҳлар олға чиққан бўлса-да, етарлича айбловчи далиллар топилмади. Ниҳоят, икки сохта гувоҳ сўзга чиқиб, “Бу одам: Мен Худонинг маъбадини бузиб, уч кунда қайта тиклай одаман”, деган, - деб айтишди. Бош олий руҳоний ўрнидан туриб, Исога: “Нега Сен ҳеч жавоб қайтармайсан? Уларнинг айбловларига нима дейсан?” – деди. Исо индамади. Олий руҳоний Унга: “Барҳаёт Худо ҳақи Сенга қасам ичирайинки, бизларга айт: Худонинг Ўғли Сенмисан?” – деди. Исо унга: “Ўзинг айтдинг”, - деди. “Ҳатто сизларга айтадурманки, бундан кейин Инсон Ўғли Қодир Тангрининг ўнг

томонида ўлтириб, осмон булутлари узра келаётганини кўрасизлар”. Шунда олий рухоний кийимларини йиртиб: “У шаккоклик қилмоқда-ку! Бизларга бошқа гувоҳларнинг нима краги бор? Мана энди У Худога шак келтирганини ўзларингиз эшитдингизлар. Сизлар нима дейсизлар” – деди. Улар жавоб бериб, “Ўлимга лойик!” – дейишди. (Мат. 26:59-66)

Каяфанинг дангал берган саволига маънисиз кўринган жавобда, Исо Дониёр 7:13 дан цитата келтирган эди. *Каяфа, ким эканлигимни ростдан ҳам билмоқчимисан? Диққат билан эшит.* Бунга жавоб реакцияси учкундай тез. Исо Дониёр 7:13 даги иккинчи Худо Ўзи эканлигига ишора қилаётганини Каяфа дарҳол тушунди; Исо Ўзини Эски Аҳдда Худо тасвирланган Худодай қилиб тасвирланган эди. У Ўзининг инсон қиёфасидаги Худо эканлигини даъво қилаётган эди. Бу эса шаккоклик эди, ҳамда ўлим жазоси бериш учун асос бўла оларди.

Бирок, Исо буни албатта биларди. У Ўзини ҳимоя қилишдан манфаатдор эмас эди. У Худонинг шоҳлигини тиклаш, имонлиларни Худонинг оиласига олиб келиш, ва Худо Бобилда рад этган халқларни бошқараётган ёвуз ҳоким ва ҳукмдорлардан халқларни қайтариб олиш учун *ўлиши* шарт эканлигини биларди.

У ўлимга борди ҳам. Забур 22-сано хочга миҳлашнинг жисмоний таъсирларини Довуднинг сўзлари орқали тасвирлаб, хочдаги кўзга кўринмас даҳшатларга назар ташлаш имконини беради. Азоб чекаётган забур куйчиси шундай нола қилади:

Мени кўрган барча мазах қилади,

Бурнини жийириб, бош ирғатиб дейдилар:

“Худовандга эътикод қилди, У халос этсин!

Худованд ундан рози экан, Ўзи қутқарсин!” ...

Бир гала буқалар мени қуршаб олди,
 Зўр Башан буқалари менга ёпирилди.
 Ов қўмсаб ўкираётган арслон каби
 Улар менга оғизларини катта очди.
 Менинг ичларим сел бўлиб оқяпти,
 Бутун суякларим бўғини бўшашгудай бўлди,
 Юрагим танимда мум каби эриб битди. (Заб. 21: 8-15)

Бу тасвирнинг этни жунжиктирадиган қисми зўр *Башан буқаларидир*. Аввалроқ айтиб ўтганимиздай, Эски Аҳдда даврида, Башан ёвуз худолар ва ўликлар салтанатининг маркази бўлган. Бу ҳудуд Баалга топинишнинг етакчи маркази бўлиб, буқалар ва сигирлар билан ифодаланган. “Башан буқалари” – жинлар, қоронғулик кучларига ишора бўлган. Бизнинг давримизда, бу тасвир бутун жирканчликлари билан бирга К. С. Льюиснинг *Арслон, жодугар ва кийим шкафи* асарида жонли ифодалаб берилган. Бу китобни ўқиган ёки фильмини кўрган ҳеч кимса, Арслоннинг камтарлик билан Тош Супа устида, ўз ҳаётини Оқ Жодугарнинг шодон қўшини қўлига топширганини эсдан чиқармайди.

Исо шайтонга фириб берганидай, Аслан ҳам Оқ Жодугарни аҳмоқ қилди. Ёвуз шайтон ғалаба онларини нотўғри тушуниб, ўзининг муқаррар мағлубиятига айланганини сезмай қолди.

Сизлар худоларсиз, бироқ ҳаммангиз ҳам одамлардай ўласизлар

Шайтоннинг Одам Ато фарзандлари ҳаётига даъво қилишдан маҳрум бўлиши, унинг хочда азоб чеккан ягона йўқотиши эмасди. Унинг издошлари, халқларнинг ғайриоддий худолари (*элоҳим*), ўз салтанатлари йўқолиб кетаётганини кўрардилар.

Ғайриоддий худоларга ўша халқлар Исроилнинг Худоси – Тангри Таоло томонидан улуш қилиб берилганди (Қон. 4:19-20; 32:8-9). Улар қачон Худонинг душманларига айланишганини ҳеч ким айтмайди, лекин бу ҳақиқат. Улар Худонинг халқи Исроилни Унга сажда қилишдан айнитиб, ўзларига қурбонлик келтиришга мажбур қилишди (Қон. 17:1-3; 29:26-27; 32:17). Мазкур китобнинг 2-чи бобида, илоҳий кенгашни таништириш учун Забур 81-санони кўриб чиққандик, бу сано бизга бу худоларнинг ўз ваколатларини суистеъмол қилиб, ёвузликни рағбатлантирганини айтади. Улар Худонинг қонуни ёки адолатини хурмат қилмасди:

Худо илоҳий мажлисда туриб,

Илоҳийлар орасида ҳукмини юритди.

Қачонгача сиз ноҳақ ҳукм қиласизлар,

Фосиқ одамларга юз-хотир қиласизлар?

Қашшоқ ва етимларнинг даъвосини қилинг,

Бечораю камбағалга инсоф кўрсатинг!

Дармонсизу фақирни халос қилинг,

Фосиқлар қўлидан озод этинг уларни!

Улар билмасдан ва англамасдан зулматда кезмоқда,

Ҳатто ернинг негизлари ларзон урмоқда. (Заб. 81:1-5, 2008 таржима)

Ушбу санонинг қолган қисми бизга Худо бу самовий кенгашни худоларнинг келажаклари мавҳумлигини ўзларига айтиш учун чакирганини маълум қилади. Худо халқларга қайта даъво қилганида уларнинг даҳшатли ҳукмронлигига нуқта қўйилади:

“Мен айтдим: Сизлар худоларсиз,

Ҳаммангиз ҳам Таолонинг ўғилларисиз.

Шунга қарамай, инсон каби ўласизлар,

Ҳар қандай раис каби йиқиласизлар”.

Тургин, эй Худо, ер юзини ҳукм этгин!

Барча халқларнинг Соҳиби Сенсан-ку! (Заб. 81: 6-8, 2008 таржима)

Худо халқларни даъво қилишга қачон қарор қилади? Биз жавобни аллақачон Дониёр 7:14 да ўқиган эдик:

Унга ҳукмронлик, улуғворлик ва шоҳлик берилди. Барча халқлар, элатлар ва уруғлар унга бўйсунди. Унинг ҳукмронлиги битмас-туганмас, абадий ҳукмронликдир. Унинг шоҳлиги ҳеч қачон бузилмасдир.

Дониёр 7:13-14 даги хабар аниқ – Инсон Ўғли шоҳликни қўлга киритганида, қоронғулик кучлари учун бу хотиманинг бошланиши бўлади. Исо қайта тирилганида шоҳликни қўлга киритди. Худо “Масиҳни тирилтириб, Уни самовий оламда Ўзининг ўнг томонига ўтказди. Масиҳни ҳар қандай раҳнамолик ва ҳукмронлик, куч ва салтанатдан, у дунёю бу дунёда айтиладиган ҳар қандай номдан юқори қўйди” (Эф. 1:20-21, 2008 таржима).

Бу нима учун муҳим

Хочдан аввал, шайтон бизнинг руҳимизга абадий даъво қилар эди. Барча инсонлар ўладилар ва оқибатда, *унинг салтанати* бўлган ўликлар диёрига борадилар. Агар Исонинг ўлими ва қайта тирилиши бўлмаганида, бизлар ўша ерда қолган бўлардик. Унинг хочда амалга оширган ишига ишончимиз орқали, бизлар У билан бирга тириламиз. Бундан аввалги бобда кўриб чиққанимиздек, ерда Осмон Шоҳлиги бошланганда, шайтон Худонинг ҳузуридан ҳайралди (Луко 10:18). Унинг имонлиларга тухмат қилишини Худо бошқа эшитмайди. Энди, Унинг бизнинг жонимизга даъво қилишга ҳаққи қолмади.

Ундай бўлса, нимага У яшагандай яшашимиз лозим?

Нажотга ахлоқий камолот туфайли эришилмайди. Бу иноят орқали, имон билан бериладиган совғадир (Эф. 2:8-9). Ўз навбатида бу яна шуни англатадики, нажотни ахлоқий нокомиллик туфайли *йўқотиш* мумкин эмас. Яхши ишлаш билан эришилмаган нарсани ёмон ишлаш билан қўлдан чиқариб бўлмайди. Нажот бу *садоқатга ишончга*, яъни Исо шайтоннинг даъвосини енгиш учун нималар қилганига ишониш, ҳамда бошқа худолардан ва уларнинг эътикод тизимларидан юз ўгиришдир.

Бизлар бошқа халқларга бориб етказишга ваколат олган хабар мана шудир (Мат. 28:19-20). Биз бўйсунганимиз сари, душман худолар, ҳокиму-ҳукмронларнинг салтанати жондан-жонга, фурсатдан-фурсатга кичрайиб бораверади. Жаҳаннам эшиклари, ўликлар диёри, қайта тирилишга тўсқинлик *қила олмайди*, хушxabарнинг тарқалишига қаршилиқ *қила олмайди*.

Исо хочга михланган пайтда, буларнинг бирортаси шогирдларга ҳақиқатдай туюлмаган. Бироқ улар буни тез орада драмматик, унутилмас тарзда билиб оладилар.

ЎН УЧИНЧИ БОБ

Буюк ўзгариш

Хушхабар китобларида Исо ҳақидаги, яъни Унинг туғилиши, ўлими ва Тоғдаги Ваъзи ҳақидаги ҳикоялардан ташқари, Ҳаворийлар 2-чи боб – Янги Аҳддаги энг яъши таниш бўлган парча бўлиши мумкин; бунда, Ҳосил байрами куни Исога эргашганларнинг устига Муқаддас Рух тушган эди. Бу эса ёш жамоатнинг қонот чиқариб учирма бўлаётгани ва хушхабарнинг Исо Масих номидан бутун жаҳонга тарқалиши бошланганини белгилаб берди.

Бу парча қанчалар таниш бўлмасин, унда биз англаб етгандан кўра кўпроқ нарса яширинган. Ҳаворийлар 2-боб аслида Эски Аҳднинг Бобилдан кейинги самовий географиясини ўзгартириб юбориш кампанияси ҳақида хабар юбориш учун ёзилган; бу географияга кўра, Исроилдан бошқа халқлар кичикроқ худолар ҳукмронлиги остида эди. Ҳосил байрамида содир бўлган ҳодиса, Худо Бобилда рад этган барча халқларнинг орасига Исонинг хушхабари билан суқилиб кириш мақсадида тузилган жанг режаси, яъни руҳий жангнинг қадимий стратегияси эди.

Ҳосил байрами

Ҳаворийлар 2 Ҳосил байрамида содир бўлган воқеаларни одатдан ташқари деб тасвирлайди:

Ҳосил байрами бўлганда, шогирдларнинг ҳаммаси яқдиллик билан бир жойда йиғилиб турган эдилар. Тўсатдан осмондан кучли шамол эсаётгандек бир шовқин келди-ю, улар турган уйни тамоман тўлдирди. Оловга ўхшаш алангаланиб турган тиллар уларга кўринди. Булар бўлиниб, уларнинг ҳар бири устига биттадан қўнди.

Ҳаммалари Муқаддас Рухга бўлиб, Унинг бераётган башорати билан янги тилларда гапира бошлашди.

Ўша замонда Қуддусда фалак остидаги ҳамма эллардан келган диндор яҳудийлар турар эди. Бу товушни эшитганларида, эл-улус бир жойга ялпи тўпланиб келди. Ҳар бири ўз шеvasида гапиришаётганини эшитиб, эсанкираб қолди. Ҳамма хайрату таажжубга тушиб, ўзаро: “Бу гапираётганларнинг ҳаммаси жалилалик эмасми? – дейишарди. – Қандай қилиб ҳар биримиз ўз она тилимизни эшитяпмиз?” (Ҳав. 2:1-8)

Бу мислсиз парчада бизни Эски Аҳднинг ғайриоддий дунёқарашига олиб борадиган баъзи нарсалар, инглизча таржимада аниқ етказиб берилмаган. Муқаддас Рухнинг тушиши билан боғлиқ бўлган “”кучли шамол” Эски Аҳдда бизга таниш бўлган Худо ҳузурининг тавсифидир (2 Шох. 2:1, 11; Аюб 38:1; 40:6). Олов ҳам Худонинг тавсифларидан маълум (Хиз. 1:4; Ош. 6:4;, 6; Дон. 7:9; Чик. 3:2; 19:18; 20:18).

Ҳавола қилинган оятлардан равшанки, Худо ўша воқеада ва унинг ортидан содир бўлаётган ишларда ҳозир эди. Унинг нияти кичик худолардан халқларни қайтариб олиш кампаниясини бошлаш эди; Худо халқларни кичик худоларга улуш қилиб берган (Қон. 4:19-20; 32:9-9), бироқ пировардида, худолар Унга душман бўлиб қолишган эди (Заб 81).

Худонинг буни амалга оширишдаги асбоби шогирдларининг сўзлари, яъни тилнинг жонлилиги эди. Худо Исонинг яҳудий издошларини Ҳосил байрамига йиғилган бошқа яҳудийларга, душман худолар ҳукмронлиги остидан яшаётган барча халқларга гапириш қобилятини берди. Улар хушхабарни эшитиб, унга ишонсалар, ўз халқларига қайтиб борганларида бошқаларга ҳам Исо ҳақида гапириб беришарди.

Ҳосил байрами ва Бобил

Бобил минорасида содир бўлган кўнгилсиз ҳодиса Худонинг халқларни тарқатиб юбориб, бошқа худолар ҳокимияти остига ташлаш ҳақидаги қарорига асос бўлганди (Қон. 4:19-20; 32:8-9). Бир қарашда бу воқеа билан Ҳаворийлар 2 да содир бўлган воқеа ўртасида боғлиқлик каттамасдай кўринади. Бироқ китобнинг оригинал тилида, бу иккала воқеа ўртасида ёрқин боғлиқлик бор.

Ҳаворийлар 2 даги иккита калит элемент уни Бобил воқеалари билан боғлайди. Биринчидан, оловга ўхшаш алангаланиб турган тиллар “бўлингани”, ҳамда, иккинчидан, барча халқлар орасидан келган яҳудийлардан иборат оломон “эсанкираб қолгани” айтилади. Инглиз тилида, бу унча ишонарли чикмаган бўлиши мумкин. Луқо хушхабарни юнон тилида ёзган, у ишлатган юнонча “бўлинди” ва “эсанкираб қолди” деб таржима қилинган сўзлар Ибтидо 11:7 ҳамда Қонунлар 32:8 дан олинган бўлиб, ҳар иккаласи ҳам Бобилда тилларнинг ва халқларнинг бўлинишини ва бунинг санкирашга сабаб бўлганини тасвирлайди.

Ҳаворийлар китобининг муаллифи Луқо маъжусий халқлардан бўлган. У фақат юнон тилида гаплаша оларди. Бинобарин, у Эски Аҳднинг ўша пайтда (бугунги кунгача ҳам) кенг танилган юнонча таржимаси Септуагентдан фойдаланган эди. Бу дастлабки жамоатнинг Эски Аҳди эди, чунки озчилик яҳудий тилида ўқий оларди. Луқо Ҳаворийлар 2-бобни ёзганида унинг ҳаёлида Бобил воқеалари бўлган.

Бироқ бу боғлиқлик нима учун керак? Ҳосил байрамида нималар содир бўлгани ҳақида бир ўйлаб кўринг. Муқаддас Рух Эски Аҳдда бўлгани каби, кучли шамол ва олов билан Худо бўлиб келди. Алангаланиб турган тиллар шогирдларга, Қуддусга байрам учун бутун дунёдан йиғилиб келган яҳудийларнинг тилларида гапиришга лаёқатли қилганида,

тилларнинг кўплигидан келиб чиққан чалкашлик (Бобилнинг натижаси эди) баргараф этилди. Улардан уч мингтаси Исо ҳақидаги хушxabарга ишонишди (Ҳав. 2:41).

Исони масиҳ деб қабул қилган бу янги имонлилар ушбу хабарни ўз мамлакатларига – Бобилда тарқалиб кетган халқларга олиб борар эди. Ибтидо 11-бобда, Худо халқларга орқа ўгириб, бунинг ортидан дарров, Ибтидо 12-бобда, Иброҳимни танлаб, у орқали янги халқ ва миллат яратмоқчи эди. Энди бўлса, Ўзи рад этган ўша халқларни йиғиб, уларни Иброҳим авлодлари бўлган яҳудий имонлилар билан бирга, имонлилар оиласига қайтариб келмоқчи эди. Вақти келиб, Худонинг шоҳлиги душман худоларнинг шоҳликларига кенг тарқаларди.

Бу воқеаларнинг ақл бовар қилмас қисми Ҳаворийлар 2 да берилган халқларнинг рўйхати ва уларнинг тақдим қилиш тартибидир. Агар харитада бу халқларнинг жойлашишига қараб чиқадиган бўлсангиз, шарқдан, яъни Эски Аҳднинг охирида яҳудийлар асирликка олиб кетилган Бобил ва Форс империяларидан, ғарбнинг энг чекка нуқтасигача етиб бориши мумкин. Улар Ибтидо 10 да санаб ўтилган, яъни кичик худолар ҳокимияти остига ташалган халқларнинг масофаси ва кўламинга тўла мос келади.

Бизнинг курашимиз тана ва қонга қарши эмас

Ҳаворийлар китобининг катта қисми Павлус ва унинг миссионерлик сафари ҳақида. Павлус маъжусийларнинг ҳаворийси, яъни Исроилдан ташқари халқлар орасида жамоат барпо этиш учун Худо томонидан махсус юборилган шахс эди. Павлуснинг саёҳатлари ва ҳаёт муҳити, яъни унинг римликлар томонидан қўлга олиниши кабилар уни ғарб томонга олиб кетди.

Янги Аҳддаги мактубларида Павлус хизматига ва хушxabарнинг тарқалишига халақит бераётган руҳий кучлар ҳақида тез-тез гапирарди. Унинг ёвуз мавжудотларга

нибатан ишлатган луғати унинг Эски Аҳддаги самовий географияни яхши тушунганидан далолат беради; Ҳосил байрами орқасидан, у руҳий кучларнинг салтанатига даҳл қилган эди. Павлуснинг терминологияси орқали кўзга кўринмас қоронғулик кучлари учун умумий бир ип ўтишига аҳамият беряписизми?

- раҳнамолар/ҳокимлар (Эф. 1:20-21; 6:12; Кол. 2:15)
- ҳукмронлар (Эф. 1:20-21; 3:10; 6:12; Кол. 2:15; 1 Кор. 2:6)
- руҳий кучлар (Эф. 1:20-21; 3:10)
- салтанатлар (Кол. 1:16)
- раблар (Эф. 1:20-21; 1 Кор. 8:5)
- тахту тожлар (Кол. 1:16)

Бу сўзларнинг барчаси *географик ҳукмронликни* англатади. Чунончи, бу атамалар Янги Аҳдда ва бошқа юнон адабиётларида сиёсий қудрат эгаларига нисбатан ишлатилган. Павлус ишлатган сўзлар ўша салтанат ҳукмдорларига тегишли. Бу нарса руҳий оламнинг инсонлар дунёсига муносабатини Эски Аҳд ифодалаб беради: Худо ажратиб қўйган халқлар Худо ва Унинг халқига душман бўлган руҳий мавжудотлар салтанати остидадир.

Мен Испанияга бораман

Ҳаворийлар китоби Павлуснинг Римга сафари билан якун топади. Павлус маҳбус эди ва икки сабабга кўра Римга бораётган эди: Қайсарнинг ҳукмини талаб қилиш ва хушхабар тарқатиш. Бироқ Павлус душман худолар ҳокимияти остидаги халқларга даъво қилиш учун ўша пайтда унга таниш бўлган дунёнинг чеккасига етиб бориши лозимлигини биларди. Эски Аҳд даврида у жой Таршиш деб аталарди. Павлус яшаган пайтда эса у Испания деб аталган. Павлус сафарини поёнига етказиш учун Испанияга бориши лозим эди. Унинг қамокқа олинишидан илгарироқ римликларга ёзган сўзларидан маълумки, у

Испанияга, яъни ўзи яшаган даврда дунёнинг энг ғарбий чеккаси ҳисобланган жойга бориб, халқларни Исо учун қайтариб олишни буткул ниёт қилган:

Испанияга йўл олиб сизларнинг олдингизга бормоқчиман. Ўтиб кетаётганимда аввал сизларни кўриб, бир оз дийдорингизга тўйганимдан кейин, мени у ерга кузатиб қўясиз деган умиддаман...демак, мен бу ишни бажариб, тўпланган маблағни уларга топширганимдан кейин, сизларнинг ерингиздан ўтиб Испанияга жўнаб кетаман. (Рим. 15:24, 28)

Худонинг шоҳликни тиклаш режаси Павлуснинг ҳаётлиги даврида бошланганини англаб, бундан куч оларди. У “бошқа халқлардан нажот топадиганларнинг сони тамом бўлгандан” кейингина “бутун Исроил кутқарилишига” ишонган (Рим. 11:25-26).

Бу нима учун муҳим

Павлус ҳаётида ғайриоддий истиқболга эга эди. У ўзини Худонинг асбоби сифатида кўрган. У ҳақиқатдан ҳам шундай эди. Бироқ Ҳосил байрамидан сўнг, Қуддусдан ўзлари яшайдиган жойларда ёвуз руҳларнинг кўрғонларига Павлусдан олдин кириб борган, исмлари номаълум бўлган одамларнинг барчаси ҳам худди шундай эди.

Бизлар ҳам Худонинг асбобларимиз.

Агар бизлар ҳам худди *Павлус* каби Худонинг асбоблари бўлсак, унда нима учун у биздан кўра таъсирлироқ ва самаралироқ иш қилган? Биз билан Павлус орасидаги битта фарқ, у ҳаёти нимани англатишини *тушунганидир*. У ер устидан ҳукмронлик ўрнатган кучлар ҳақиқийлигига, бироқ ўзининг ортида турган ва ичида бўлган куч ундан-да кучлироқ эканига *ишонган*.

Сиз ҳам бу нарсаларга ишонасизми? Муқаддас Китоб уларни факт сифатида илгари суради. Павлус ҳам ҳаёти давомида уларга шундай муносабатда бўлиб келган.

Павлус дунёнинг аслида қанчалар катта эканини билмаган. У Шимолий Америка, Жанубий Америка, Хитой, Ҳиндистон. Норвегия, Исландия ва бошқа жойлар ҳақида билмаган. Худо эса билган. Хушхабарни бутун дунёга тарқатиш Павлус ўйлаганидан кўра буюкроқ эканини Худо биладди. Агар хушхабар ернинг турли бурчакларига етиб бориши керак бўлса, одамлар Павлуснинг Худо ҳақидаги мақсадларига эргашишлари лозим бўлишини Худо билган. Агар топшириқни фаол амалга оширмасак, ерда юзида бизлар даъват этилган бажармаётган бўламиз. Агар биз Худонинг Ўзинигина хоҳласак, У келиб муҳтожликларимизга жавоб беради, бироқ унда, Исо, ўн иккита шогирд ва Павлусдан кўра, Бобил минорасидаги одамларга кўпроқ ўхшаб қоламиз.

Биз ўрганиб чиққан Муқаддас Битиклардаги парчаларнинг бошқа бир моҳияти шундаки, ёвуз руҳлар қалъалари тушунчаси Муқаддас Китобга оиддир. Бизга ёвуз руҳлар яшайдиган ҳудудлар ёки яшил газонлар чегаралари, ёхуд қора кучлар учун норасмий руҳий иерархия ҳақида тўлиқ тавсиф беришмаган. Бироқ *бизга* кўзга кўринмас кучлар ерни ўз салтанатлари сифатида кўришларини айтишган. Бизга яна ўша кучлар, Худонинг шоҳлигига қарши чиқишлари ва одамлар Худо режасининг бир бўлагига айланиб, Унинг адолатли ҳукмронлигини кенгайтиришни истамаслигини ҳам айтишган. Бу эса биз мантиқан ёки эмпирик далиллар билан тушунтира олмайдиган қаршиликка дуч келишимиз ва буни ўз кучимиз билан бартараф эта олмаслигимизни *мумкинлигини билишимиз* лозим. Худонинг миссиясини тарғиб қилишимизга ёрдам бериш учун, У бизга Ўз Руҳини ва кўзга кўринмас ёрдамчиларни берди (1 Кор. 3:16; 6:19; Ибр. 1:13; 1 Юх. 4:4).

Ўзимизга беришимиз керак бўлган ҳақиқий савол ушбу: Агар ҳар куни дунёга ва унинг ғайриоддий таъсирига Павлуснинг нигоҳи билан қараб уйғонсак ҳаётимиз қандай бўлган бўларди? Агар, ҳаётимиз, ҳар куни Худо оиласининг бир қисми сифатидаги

мақомимизни, биродарларимизни қоронғуликдан олиб чиқиш вазифаси зиммамиздалигини билиш асосида ташкиллаштирилса нима бўлади? Агар қабул қиладиган ҳар бир қароримиз ва оғзимиздан чиқадиган ҳар бир сўзимиз бемақсад бўлмаслигини билиб, онгли равишда яшасакчи? Агар, атрофимиздаги кўзга кўринмас ақлли мавжудотлар бизнинг қарорларимиз, ҳатти-ҳаракатларимиз, бизнинг сўзларимиздан одамларга, биз уларни билиш-билмаслигимиздан қатъий назар, яхши ёки ёмон таъсир қилиш учун фойдалансачи? Ўзимизнинг *аслан* ким эканлигимизни, келажакда ким бўлишимиз ва нима учун бу ердалигимизни билишга келганда, ишимиз, даромадимиз, қобилиятларимиз, ва ҳатто муаммоларимизнинг ҳам ҳеч қандай аҳамияти қолмайди. Биз на ғайриоддий дунёни, на микроскопик дунёни кўра оламиз – бироқ ҳар иккала дунёнинг ҳам ажралмас қисмимиз.

Илк имонлилар ҳудди шундай фикрлашган. Улар атрофларидаги олам қоронғуликка қул бўлгани ва бир кун келиб қоронғулик чекинишига ишонишгани ҳақида кейинги бобда кўриб чиқамиз. Кураш том маънода, илк имонлиларнинг душман олам ва унинг кучларига қарши чиқиши бўлишига қарамасдан, улар Худо ва Унинг кўзга кўринмас ёрдамчилари билан биргаликда меҳнат қилиб, биз Масихийлик деб атайдиган оламшумуш тушунчани ишлаб чиқишди. Улар рухий низо муқаррарлигига, ва пировардида, ўзларининг мағлуб бўлмасликларига *ишонилган*. Улар мағлуб бўлишмаганига биз тирик гувоҳлармиз.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

Бу дунёга хос бўлмаган

Исо қўлга тушиб, суд бўлишидан аввал, Гетсемания боғида қилган машҳур ибодатида, Ўз издошлари ҳақида “Мен бу дунёдан бўлмаганим каби, улар ҳам бу дунёдан эмас” деб айтади (Юх. 17:16). Имонлилар албатта дунё (*ичи*)да бўлиб, Худо уларга хушxabарни бутун халқларга етказиш вазифасини махсус берган (Мат. 28:19-20), бироқ улар бу дунёдан бўлишмаган. Бу парадокс – дунёда бўлиш, бироқ дунёдан бўлмаслик – илк масиҳийларга бир неча унутилмас йўл билан етказиб берилган.

Муқаддас макон, муқаддас замин ва Худонинг ҳузури

Мазкур китобнинг 8-бобида муқаддас ер тушунчаси ҳақида гаплашган эдик. Эски Аҳд давридаги исроилликлар учун Худо бутунлай *ўзгача* бўлган. Унинг ҳузури эгаллаган майдон бошқа майдонлардан ажратиб қўйилган. Бу Худонинг ҳар ерда ҳозирлиги (omnipresent)ни – ҳар ерда ҳамма вақтда ҳозирлигини инкор этишни англамайди. Аксинча, бу халқи билан учрашишга танлаган ерини белгилаб қўйишнинг бир йўли эди. Бу муқаддас чодир ва маъбадга эга бўлишнинг мақсадларидан бири эди. Муқаддас макон тушунчаси Исроилнинг кўпгина қонунлари ва маросимларига мантиқий асос бўлибгина қолмасдан, балки самовий география ғоасини – дунё қандай қилиб Исроилнинг Худоси, Сарвари Коинот ва кичик худолар ўртасида тақсимланганлиги ғоясини ҳам мутаҳкамлади.

Муқаддас макон Янги Аҳдга драматик учунда олиб кирилади. Оддийгина “Худонинг ҳузури ҳозир қаерда?” деб сўрашимизнинг ўзи кифоя. Худо ҳамма ерда бўлиш билан бирга, у айнан *ҳар бир имонлининг ичида* макон қилади. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, *сиз*

муқаддас маконсиз. Павлус аниқ-равшан қилиб “сизнинг баданингиз ўзингизда яшаётган Муқаддас Рухнинг маъбадидир” деб ёзган эди (1 Кор. 6:19).

Имонлилар гуруҳ бўлиб йиғиладиган жой ҳам худди шундай муқаддасдир. Коринф жамоатига ёзар экан. Павлус уларга умумий қилиб “Сизлар Худонинг маъбадисизлар” деганди (1 Кор. 3:16). У эфеслик имонлиларга “Худонинг хонадони аъзоси бўлдингиз (2013 таржима)...Худо учун муқаддас бир маъбадга айланади. Сиз ўзларингиз ҳам Исо Масих билан бирлашган ҳолда, Унинг руҳий масканини ташкил этмоқдасизлар” деганди. (Эф. 2:19, 21-22).

Бунинг оқибатлари хайратланарли даражади. Кўпчилигимиз Исонинг “Қаерда икки ёки уч киши Менинг номим учун йиғилса, Мен шу ерда уларнинг ўртасида бўламан” деган гапи билан танишмиз (Мат. 18:20). Агар Эски Аҳддаги муқаддас маскан нуқтаи назари билан қараладиган бўлса, бу гап имонлилар қаерда йиғилса ҳам, улар эгаллаган руҳий маскан қоронғулик кучлари ўртасида муқаддасланади.

Эски Аҳдда Яхвенинг сўнгги танлаган истиқомат жой Исроил – Қуддусдаги маъбад бўлди. Исроил муқаддас ерга айланди, чунки Худонинг ҳузури ўша ерда қўним топди. Бироқ бу муқаддасликка Исроилни ўраб олган халқлар ва уларнинг Худога душман худолари даҳл қила бошлашди. Худди шунга ўхшаб имонлилар ҳам бугунги кунда руҳий уруш ҳолатидадирлар. Энди биз Худонинг маъбади, Худонинг Рухи макон қилган махсус ер, Унинг ҳузури нур таратадиган масканимиз – ҳамда қоронғулик кучларига қул бўлган дунё бўйлаб тарқалиб кетганмиз.

Шайтонга топшириб қўйилган

Бу тушунча Павлуснинг маҳаллий жамоатнинг муқаддаслигига қараши билан тасвирлаб берилади. Имонлиларнинг ҳар бири муқаддас ер эди, тавба қилинмаган гуноҳга ўрин йўқ эди.

8-бобда Исроил қароргоҳида қароргоҳнинг муқаддаслигини сақлаб қолиш учун гуноҳ билан нималар қилишганини кўриб чиққан эдик. Биз Покланиш куни ҳақида гаплашган эдик (Лев. 16), бунда халқнинг гуноҳлари маросимга кўра эчкига, яъни “Азazelга аталган” эчкига ўтказиларди (Лев. 16:8, 10). Азazel иблисона мавжудот бўлиб, саҳрода макон қилган. Исроилликлар гуноҳлари ортилган эчкини саҳрога қўйиб юборишган. Бу иш рамзий равишда одамларнинг гуноҳларини ўзларининг жойларига – руҳий қоронғулик жойи бўлган саҳрога юборганди.

Павлус Коринфликларнинг гуноҳ билан йўл тутиши – уни ўзи тегишли бўлган жойга юборишини истаганди. 1 Коринфликлар 5-бобда, Павлус Коринфликларга жинсий ахлоқсизлик билан яшаётган одамнинг тавба қилиши кераклиги ҳақида ёзган эди. У “бундай одамни шайтонга топшириш қўйишни” буюрганди (1 Кор. 5:5). Бундаги мантиқий асос аниқ – муқаддас маконда гуноҳга ўрин йўқ. Имонлилар гуноҳлари учун тавба қилмаган имонлиларни жамоатдан чиқариб ташлашлари лозим эди (1 Кор. 5:9-13). Жамоатдан ҳайдалиш шайтоннинг салтанатига, дунёга итқитиб юборилиш эди.

Павлус тавба қилмайдиган одамнинг “танаси ҳалокатга учраб, руҳи эса Раббимиз Исо келган кунида халос бўлишига” умид қилганди (1 Кор. 5:5). (Бундаги тананинг ҳалокати жисмоний ўлим эмас, балки бу одамни гуноҳга жалб этган тана хоҳишларининг ўлими назарда тутилади (Гал. 5:24; 1 Кор. 11:32-33)).

Сувга чўмиш руҳий кураш сифатида

Бутруснинг бу муаммога муносабати худди Павлусникидай – имонлилар қороноғулик кучларига қарши душман бўлиб қолганлар. Унинг уруш ҳақидаги фикрларини Янги Аҳддаги ғалати парчалардан бирида, 1 Бутрус 3:14-22 да топишимиз мумкин:

Ҳаттоки ҳақиқат йўлида азоб-уқубат чексангиз бахтиёр бўласизлар. Дўқ-пўписа қилувчилардан қўркманглар, довдираманглар. Раббингиз Масихга юракларингиздан муқаддас жой беринглар. Дилингиздаги умид ҳақида сиздан ҳар бир сўраган кишига жавоб беришга доимо тайёр бўлинглар. Лекин буни мулойимлик ва эҳтиром билан бажо қилинглар, вижлонингизни тоза тутинглар. Шундай қилиб, Масих йўлидаги яхши юриш-туришингизни мазаммат қилганлар сизларни ёмонлаб айтган гапларидан уялсинлар. Агар Худонинг иродаси билан азоб чекишингиз лозим бўлса, ёмонлик қилиб азоб чекишдан кўра, яхшилик қилиб азоб чекиш афзалдир. Чунки Масих ҳам бизни Худога яқинлаштириш ва гуноҳларимизни ювиш учун бир марта азоб чекиб, ўлди. Ўзи солиҳ бўлгани ҳолда, гуноҳкорлар учун қурбон бўлди. Унинг баданини ўлдиришган бўлса-да, Руҳи тирилди. Масихнинг Руҳи эса бориб, зиндондаги қамалган руҳларга ваъз айтди. Булар қадим замонда, Руҳ пайғамбар ўз кемасини қураётган замонда Худонинг сабрини инобатга олмай итоатсиз бўлган эдилар. Ўша кемадан оз киши. Яъни саккиз жонгина сувдан ўтиб қутқулган эдилар. Мана шу сув – ҳозирги сувда имон келтириш маросимининг тимсолидир. Бу маросимнинг маъноси баданни кирдан тозалаш эмас, балки Худодан пок виждонни сўрашдир. Сизлар ҳам сувга чўмиб имон келтирганингизда, Исо Масихнинг тирилиши туфайли нажот топдингизлар. Масих осмонга чиқиб, Худонинг ўз

томонида ўтириб, фаришталар ва коинотдаги барча куч-қудратлар устидан ҳокимият ўрнатди. (2008 таржима)

Парчадаги баъзи ғалати нарсаларни пайқаганингизга аминман. Кема, Нуҳ ва зиндонга камалган руҳларнинг сувга чўмиш (баптизм)га нима алоқаси бор? Ҳамда бу парча сувга чўмиш бизни қутқаришини айтаяптими?

Бутруснинг бу ерда қилаётган иши Павлуснинг Римликларга 5 да қилган ишига ўхшаб кетади. Павлус Исо ҳақида гапирган бўлса-да, Одам Ато ҳам унинг ҳаёлида бўлган. Исони қайсидир жиҳатлардан Одам Атога қарама-қарши қўйиб ўйланг. Шу сабабли Павлус “бита одамнинг (Одам Атонинг) итоатсизлиги туфайли кўп одамлар гуноҳкор бўлган бўлса, энди эса бир Кишининг (Исонинг) итоаткорлиги туфайли кўп одамлар солиҳ деб қабулга ўтадилар” деган эди (Рим. 5:19). Бутрус эса 1 Бутрус 3 да Исо ҳақида ёзганида Одам Атодан кўра Ҳанўхни назарда тутган эди. Бироқ Бутрус учун Ҳанўх билан Исо қарама-қарши эмасдилар. Ҳанўх Бутрус Исо ҳақида айтмоқчи бўлган нуқтаи назарга қиёслаш бўлиб хизмат қилади.

“Қандай нуқтаи назар” деб ажабланишингиз табиий. Ваҳоланки, Эски Ахдда Ҳанўх ҳақида бир-нечта оят бор холос (Ибт. 5:18-24). У ҳақда билган нарсаларимиз унинг буюк тўфондан олдин яшаганлиги ва “бирданига йўқ бўлиб кетгани. У Худо билан юрар эди, Худо эса уни олиб кетди” (Ибт. 5:24). Бу оятлар Бутрус 1 Бутрус 3 да айтганлари билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Ҳанўх нимаси билан Бутрусга Исони эслатганини тушуниш учун, Бутрус Ҳанўх ҳақида Эски Ахддан ташқарида иброний китобларида нималар ўқиганини тушунишимиз лозим. Бутрус яҳудийларнинг қадимий китоби билан таниш бўлиб, бу китобда Ҳанўх ҳақида кўп нарсалар ёзилган эди. У 1 Ҳанўх деб номланган эди. Ушбу китоб тўфон

пайтида содир бўлган воқеаларни, айниқса Ибтидо 6:1-4 да Худонинг ўғиллари (Ҳанўх китобида улар кўрикчилар деб аталади) одамзод қизларидан фарзандлар кўргани (Нефилим девқоматлари) ҳақидаги воқеаларни тафсилотлар билан бойитади. Бутрус ҳам Ёқуб ҳам Нух даврида гуноҳ қилган фаришталар ҳақида ёзганларида (2 Бут. 2:4-5; Ёқуб 6), ҳар иккаласи Муқаддас Китобдаги тўфон воқеасига кирмаган, 1 Ҳанўх китобидаги ғояларга ишора қилишаётган эди. Ибтидоги тўфон ҳикояси бизга ҳеч қачон Худонинг илоҳий ўғиллари ернинг тубидаги ўликлар оламига охирги кунгача банди қилиб кўйилгани ҳақида айтмайди, лекин 1 Ҳанўх китобида айтилади (1 Ҳанўх 6:1-4; 7:1-6; 10:4, 11-13).

1 Ҳанўх китобида ушбу “зиндонга қамалган руҳлар” билан содир бўлган нимадир Бутрусга Исо ҳақида тасаввур берган. 1 Ҳанўх ҳикоясида, Ҳанўх тушида зиндонга қамалган руҳлар ундан Худо олдида улар учун шафоат қилаётганини кўради. Модомики, Ҳанўх Худо билан юрар экан, Худодан ўзларини озод қилишларини сўрашга ундан ҳам муносиб одам бормикан? Ҳанўх уларнинг айтганини қилди, бироқ ёмон хабар олди. Худонинг жавоби *йўқ* деган жавоб эди. Шундан сўнг Ҳанўх бу жавобни етказиши керак эди – у руҳлар қамалган зиндонга тушди. Ҳанўх уларга ҳали ҳам ҳукм остидан эканликларини айтди.

Бутрус бу воқеани Исога қиёслаб ишлатди. У етказмоқчи бўлган фикр Исо ўлиб, ўликлар диёрига тушди ва гуноҳкор илоҳий мавжудотларга хушxabар етказди. Исони кўрганларида, ўзларига ўхшаган ёвуз руҳлар ғалаба қилиб, ўзларини зиндондан озод қилиш учун тушган деб ўйлаган бўлишлари мумкин. Аксинча, Исо уларга ўзини бошқа кўрмасликларини, ўликлар орасидан тирилишини айтди. Бунинг барчаси Худо режасининг бир қисми эди. Улар ғалаба қозонишмади – *улар ҳали ҳам ҳукм остида ва тоабод маҳкум*

эдилар. Мана шу сабабли бу ғалати парча худди шундай, Исонинг “осмонга чиқиб, Худонинг ўнг томонидан ўтириб, фаришталар ва коинотдаги барча куч-қудратлар устидан ҳокимият ўрнатиши” билан тугайди (1 Бут. 3:22).

Нима учун Бутрус бунинг барчасини сувга чўмиш билан боғлаб кўрсатади? Бутруснинг ҳаёлида, Исонинг ўлими ва қайта тирилиши иблисона кучларга Ўзининг ғалабасини эълон қилиш билан яқунланиб, сувга чўмишнинг рамзи бўлган. Сувга чўмиш Исонинг ўлими, кўмилиши ва қайта тирилишининг рамзидир (Рим. 6:1-11).

Бутрус учун, сувга чўмиш бунинг барчасига “мос келади”, чунки бу “Худодан пок виждонни сўрашдир” (1 Бут. 3:21). Юнон тилидаги “сўраш” сўзи одамнинг қасам ичишига ишора қилади. Юнон тилидаги “виждон” сўзи бўлса кўпинча яхши ва ёмонни ажрата олиш қобилиятига ишора қилади. Бироқ бу бизнинг ҳолатга тўғри келмайди. Яхши ва ёмон ўртасидаги фарқни билиш Исонинг ўлими, кўмилиши ва қайта тирилиши билан маълум бир муносабатда бўла олмайди. Бу юнонча сўз катъий қарор қилишни – ёмон эмас, балки яхши нарсага қарор қилишни ҳам англатади. Бутрус 1 Бутрус 3 да тушунган нарса мана шу эди. Моҳиятан, сувга чўмиш ушбу рухий курашда кимнинг томонида эканлигига *садоқат қасами ичиши ва қоронгулик кучларига* (ва бошқа ҳамма одамларга ҳам) *хабар етказиши эди.* Қадимги даврдаги масиҳийлар буни биздан кўра яхшироқ тушунишган. Мана шу парча туфайли, илк жамоатларда сувга чўмиш маросими шайтондан ва унинг фаришталаридан юз ўгиришни ҳам ўз ичига олган.

Бунинг аҳамияти нима

Биринчидан, имонлилар муқаддас ер, Худонинг хузури маскан қилган жой – Эски Аҳднинг улуғворлиги эканлигини тушуниб етиш. Худди шундай яшайпмизми? Исо яшаган кунлардаги Исроилликлар ва имонлилар имонсизлардан фарқли бўлишлари лозимлиги

доимий эҳтиёж эканлигини ҳис қилганлар. Мақсад атайдан ўзини ғалати тутиш бўлмаган, токи имонсизлар улар билан алоқа қилишдан қочсинлар. Исроил “руҳонийлар шохлиги” ва “муқаддас халқ” бўлиши лозим (Чик. 19:6). Худо Ўз фарзандларидан талаб қиладиган ҳаёт тарзи самарали, баракали ва бахтли ҳаётга олиб боради. Исроилликлар душман худоларга қул бўлган халқларни Худога қайтиб келишлари учун жалб қилишлари лозим эди.

Бизнинг дунёқарашимиз Худонинг ҳар бир халқдан бўлган одамларни қутқари, уларни Худонинг оиласи аъзосига айлантириш режасига уйғунлашганда, бизлар бу дунёдан бўлмаймиз. Бу дунёдан бўлиш дунёнинг ташвишларига кўмилиб яшаш демакдир. Бизнинг гап-сўзимиз, юриш-туришимиз, ахлоқимиз ва бошқаларга муносабатимизни кўрган Исога ишонмаганлар бизнинг беадаб, худбин ёки қўпол эмаслигимизни, яъни бизнинг диққатимиз ҳаммадан ўзиб кетиш ёки одамлардан фойдаланиш эмаслигини кўра олишлари лозим. Биз ўзимизни мамнун қилиш учун яшашимиз керак эмас. Бу нарсаларнинг акси бўлишимиз лозим. Бошқача қилиб айтганда, бизлар худди Исо каби ҳаёт кечиришимиз лозим. Одамлар Исога яқин бўлишни исташган, *чунки У* бошқалардан эмас эди.

Иккинчидан, жамоатларимизда қиладиган ишларимиз Худо ва Исони юксалтириши керак. Муқаддас Китоб даврида, муқаддас чодирга ва маъбадга бориш Худонинг комиллиги, бошқачалиги – Унинг фарзандларига бўлган севгиси ҳавидаги ғояларни мустаҳкамлаган. Бу нарсалар бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Нима учун ҳеч нарсага эҳтиёжи бўлмаган ва ҳамма нарса устидан ҳоким бўлган Худога инсоний оила керак бўлиб қолди? Нима сабабдан халқларни Бобилда тарқатиб юбориб, уларни бошқа худоларга

улуш қилиб берган Худо янги оилани яратишнинг ташвишига тушиб қолди? Ҳаммасидан воз кечиб кетса нима бўлади? Чунки У бизни севади.

Чунки Худо яна бирон нарса қилиши мумкин бўлганини, бироқ Унинг севгиси бирон аҳамият касб этиши учун шундай қилмаганини биз биламиз. Жамоат Худонинг севгиси ҳақида гапирганда, бу севгини Худонинг бошқа характерли жиҳатларига қарама-қарши қўйилгандаги истехзоли томонини кўрсатмаса, имонлилар бу севгини одатдагидай қабул қилади. Бу, мисол учун, Худонинг муқаддаслигидан беҳабар одамларга, худди қадрсиз нарсадай эшитилади.

Ушбу бобда муҳокама қилганларимиздан келиб чиқадиган учинчи хулоса шуки, қоронғулик кучлари юриш-туришимизга қараб кимнинг томонида эканимизни билиб оладилар. Улар аҳмоқ эмас. Улар бизнинг Худога садоқатимизни кўришади, ҳамда Исога эргашиш қароримизни, сувга чўмиш ва гуноҳга қарши туриш орқали намоён қилаётганимизни ҳам кўришади. Бироқ улар яна Худога нисбатан садоқатсизлик қилганимизни ҳам кўришади. ва улар биз қанчалик ожиз эканлигимизни тушунишади. Хоҳ ишонайлик, хоҳ ишонмайлик, бизни кузатишяпти – руҳий урушнинг *ҳар иккала тарафидагилар*.

Бу ҳақиқатларга амал қилишдан ишониш осонроқ. Нажот топган бўлсакда бўлсак-да, гуноҳ қиламиз. Бу ҳақиқатларга амал қилиб яшаш учун бизнинг онгимиз ва юрагимиз нима учун бу ерда ўз дунёмизда бегоналардан яшаётганимизга уйғунлашиши керак. Исо каби бизлар ҳам бу дунёдан эмасмиз – дунё ичида лекин ундан эмас (Юҳ. 8:23; 1 Юҳ. 4:4). Бу тафовут (контраст) ва бизнинг мақомимиз Худонинг фарзандлари бўлиш нимани англатишини билиб олганимиздан кейин янада кескинлашиб бораверади.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

Илоҳий табиатдан баҳрамандлар

Кимлигингизни биласизми?

Бу саволни аввалроқ ҳам бергандим, бироқ уни яна бир бор кўтариш вақти етди. Ҳа, бизлар дунёдамиз, бироқ дунёдан эмасмиз. Ҳақиқат шуки, бизлар Худодан иноят топиб, имонимиз орқали қутулганмиз (Эф. 2:8-9). Бироқ бу – Худо қилаётган ишларни тушунишнинг бошидир.

Худонинг асл нияти Адан боғида Ўзининг инсониятдан иборат оиласи билан илоҳий зотлардан яъни дунё яратилишидан аввал ўша ерда ҳозир бўлган Худо ўғилларидан (Аюб 38:7-8) иборат оиласини бирлаштириш эди. У бу режани илк яратилган одамлар гуноҳга ботгандан кейин ҳам ташлаб қўйгани йўқ. Эй, масиҳий, сен ҳам худди Худонинг элоҳим фарзандлари каби, худди Исонинг Ўзи каби илоҳий бўласан (1 Юҳ. 3:1-3).

Теологлар ушбу ғояга кўплаб ёрликлар ёпиштириб ҳаво қилишади. Булардан энг кўп тарқалгани *улуғланиш (glorification)*. Бутрус буни “илоҳий табиатдан баҳраманд бўладиганлар” сифатида ҳавола қилади (1 Бут. 1:4). Юҳанно бўлса, буни шундай етказди: “Отамиз бизларни болаларим деб, қандай буюк муҳаббат кўрсатди! Ҳақиқатан ҳам, *биз Унинг болаларимиз*” (1 Юҳ. 3:1). Ушбу бобда, Муқаддас Китоб бу хабарни қандай етказиб беришини кўриб чиқамиз.

Худонинг ўғиллар, Иброҳимнинг зурриёти

Худо дунё халқларини Бобилда кичик худолар қўлига топширганида, Ўзининг янги инсон оиласи билан ҳаммасини бошидан бошлашини билган эди. Бобил воқеасидан

кейиноқ, Худо Иброҳимни чақирди (Ибт. 12:1-8; Ибт. 11:1-9). Иброҳим ва хотини Соро орқали, Худо дастлабки Аданни тиклаш режасига қайтарди.

Худонинг халқи, Иброҳим фарзандлари бўлган Исроилликлар, Худонинг ерда адолатли ҳукмронлигини ўрнатишда панд бердилар. Бироқ бу фарзандлардан биттаси *муваффақият қозонади*. Худо Довуд, Иброҳим ва Одам Атонинг авлоди бўлган Исо шахсида одамга айланади. Худо бир кун келиб, Бобилда Ўзи жазолаган халқларни марҳаматлашга ваъда берган эди, мана шу ваъда Исо орқали амалга ошди. Павлус бу ҳақда бир нечта жойда ёзган. Мана улардан иккитаси:

Юқорида қисқача ёзганимдай, Худо бу сирни менга ваҳий орқали маълум қилди. Сизлар буни ўқиб туриб, мен Масих сирини қандай фаҳмлаганимни билиб олишингиз мумкин...Шунга кўра, энди Исо Масихнинг Хушхабарига ишонган бошқа халқ вакиллари яҳудийлар билан бир бадандай бўлиб, Худонинг ваъда қилган қут-баракаларига шерик ва ҳамворисдирлар. (Эф. 3:3-6).

Шундай қилиб, сизлар, Исога ишонган ҳамма, Худонинг ўғилларисизлар...Энди на яҳудий бор, на юноний, на қул бор, на озод, на эркак бор, на аёл. Сиз Исо Масих уммати бўлганингиз учун, ҳаммангиз бирсизлар. Агар Масихники бўлсангизлар, у ҳолда Иброҳимнинг ҳам зурриётисизлар, шунингдек, Худо Иброҳимга ваъда қилган меросдан баҳрамандсизлар. (Гал. 3:26-29).

Бундан аввалги бобларда тушунтириб берганимдай: Бутун Аски Аҳд бўйлаб, Исроил халқидан бўлмаган одамлар, кичик худоларнинг ҳукмронлиги остидаги худудларда яшашарди; бу халқларни Худо Бобилда кичикроқ худоларга улуш қилиб берган эди. Бобилда, Исроилдан бошқа халқлар ҳақиқий Худо билан муносабат қилишдан маҳрум бўлгандилар. Исроил, ёлғиз Исроилгина Худонинг “улуши” эди (Қон. 32:9). Исроилликлар

Худо воз кечган халқлардан бўлган одамларга турли атамалар билан мурожаат қилишган. Бунда географик ёки этник номлар ҳам бор эди (мисрликлар, мўабликлар, омолеклар), бироқ Янги Аҳд даврида уларга берилган атрофлича тавсиф маъжусийлар эди; бу ном лотинча “халқлар” (*gens*) деган сўздан келиб чиқади. Модомики яҳудий эмаскансиз, демак маъжусийсиз.

Янги Аҳддаги ҳикоя шундан иборат, Иброҳимнинг авлоди бўлган Исо нафақат Иброҳимнинг этник авлодларини (исроилликлар/яҳудийларни), балки Худо аввал воз кечган халқлардан бўлган одамларни ҳам кутқариш учун ўлди ва ўлимдан тирилди. Юқорида келтирилган оятларда, Павлус маъжусийларнинг Худо оиласига киритилишини сир деб деб атайди. Худо ҳайдаб юборган ва эндиликда бошқа худолар назорати остидан бўлган халқлар ҳам Иброҳимга берилган ваъдаларга меросхўр бўла олиши Павлусни ҳайратга солган эди.

Хушxabарни қабул қилган *барча*, Исо Масихда Яхвенинг, яъни Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худоси бўлган ҳақиқий Худонинг фарзандидир (Юх. 1:12; Гал. 3:26; Рим. 8:14). Шу сабабдан Янги Аҳд имонлилар ҳақида гапирганда оилага оид атамаларни (ўғиллар, фарзандлар, меросхўрларни) қўшиб айтади ҳамда Худо томонидан “ўғил қилиб олиниш” (Рим. 8:15, 23; Эф. 1:5; Гал. 4:4) каби сўзлардан фойдаланади. Мерос сўзи аниқ ва онгли равишда ишлатилган. У бизга кимлигимизни айтади: Худонинг янги илоҳий-инсоний оиласи аъзоларимиз. Имонли одамнинг тақдири Одам Ато билан Момо Ҳаво дастлабки пайтда бўлганидек: ўлмайдиган, Худонинг суратини олиб юрадиган ва улуғворликка эришган, Худонинг хузурида яшайдиган бўлиш.

Бироқ бу нарса ҳам бизнинг кимлигимизни тўлиқ ифодалаб бера олмайди. Энг ажойиб қисми Исо бизни ким сифатида кўришидадир.

Оиланинг қайта бирлашиши

Ибронийларга китобининг дастлабки иккита боби бизга Худонинг илоҳийлар ва инсонлардан иборат аралаш оиласининг драматик тасвирини беради. Мен учун, бу Муқаддас Китобдаги энг ҳаяжонли парчалардан бири.

Ибронийларга 1-боб “Исо фаришталардан ғоят олий мартабага юксалгани”ни (4-оят) аниқ тушунтириб беради. Худонинг самовий кенгашида Исодан кўра олийроқ зот йўқ. Нима бўлганда ҳам, У Худодир. Умуман олганда, муаллиф бирорта ҳам фаришта одам қиёфасига кириш ва шоҳликни мерос қилиб олишга лойиқ бўлмагани учун, улар Исога сажда қилишлари лозим (5-6 оятлар) дея изоҳлайди. Исо шоҳдир.

Шуниси ажабланарлики, Исо одам қиёфасига кирганида, У қисқа муддатга фаришталардан пастга туширилганди. У бизларнинг биримизга айланганди. Инсонлар фаришталар каби илоҳий мавжудотлардан андаккина пастда. Ибронийларга китобининг муаллифи шундай савол сўрайди:

Инсон қадри недирки, Сен уни ёдлагансан? Одам ўғли недирки, Сен уни ардоқлайсан? Сен уни малаклардан андак паст қилдинг, иззату жамол тожини унга кийдирдинг. Ўз яратганларинг устидан унга салтанат бердинг. Бор мавжудотни унинг оёқлари остига қўйдинг..Бироқ Исони эса фаришталардан бироз паст қилиниб ўлим азоб-уқубати чекканидан сўнг, иззату жамол тожи кийдирилган ҳолда кўряпмиз. Унинг ҳамма инсон учун ўлимга дучор бўлиши Худонинг иноятли хоҳиши эди. (Ибр. 2:6-9)

Исо амалга оширган ишнинг натижаси нима эди? *Нажот топил* деб айтишимиз мумкин. Бу тўғри жавоб бўлиши мумкин, бироқ у Ибронийлар китобининг муаллифи билишимизни хоҳлаган нарсани тушириб қолдиради. Худо Исо Масих шахсида одам

бўлиб келгани учун, унинг ўткинчи издошлари илоҳийларга ва ўша оиланинг аъзоларига айланадилар.

Бир кун келиб, ҳаётимиз поёнига етганида, ёки Исо ер юзига, яъни янги Адан бўлган ердаги шоҳликка қайтиб келганда, У бизни илоҳий кенгашнинг бошқа аъзоларига ва уларни бизга таништиради. У биз каби бўлганидек, биз ҳам У каби бўлишимиз мумкин:

Ҳамма нарса Худо учун ва Худо орқали бор бўлган. Худо кўп ўғилларни улуғликка эриштирмоқчи бўлиб, уларнинг нажот Асосчиси – Исони ҳам азоб-укубатлар орқали камолга эриштиришни муносиб кўрди. Чунки ҳам муқаддаслик бахш этувчи Исо, ҳам муқаддаслик қабул қилувчи имонлилар ҳаммаси бир Отадандир. Бу сабадан Исо уларни биродарларим деб чақиришдан ор қилмайди. Забурда айтганидек:

“Сенинг исмингни биродарларимга эълон этгайман,

Жамоат ичра Сенга ҳамду сано айтурман...

Мана Мен ва Худо Менга берган болалар!” (Ибр. 2:10-13)

Худонинг элоҳим кенгаши олдида одамга айланиб, улардан пастга туширилганидан ҳижолат бўлиш ўрнига, Исо бундан шодланади. Бунинг ҳаммаси улкан стратегиянинг бир қисми эди. Кенгаш қошида туриб (“жамоат ичра”) У бизни тақдим этади: *Мана Мен ва Худо Менга берган болалар. Мана энди ҳаммамиз жаммиз – абадий биргамиз.* Ва бу аввал бошиданок тузилган режа эди.

Худонинг илоҳий, улуғворликка эришган оиласига киришимиз бизнинг тақдиримиздир. Павлус буни Римликлар 8:18-23 да чиройли қилиб ифодалайди:

Ўйлайманки, бизга зоҳир бўлажак улуғворлик олдида шу он азоб-укубатларини айтиб ўтиш ҳам арзимасдир. Мана, Худо Ўз фарзандларини зоҳир

қилишини бутун махлуқот муштоқ бўлиб кутмоқда...Ва фақат махлуқотгина эмас, балки биз ўзимиз ҳам ичимиздан оҳ-нола қилаётибмиз. Биз келгуси ҳосилнинг илк маҳсулидай Худо Рухини олган бўлсак ҳам, ўғил қилиб олинишни, вужудимиз кутулишини интизор бўлиб кутяпмиз.

Павлус имонлиларга худди шундай хабар билан далда берди. У римлик имонлиларга “Худо азалдан билган кишилар (эканликлари ва улар)ни Ўз Ўғлининг суратига айлантириш учун белгилаган, токи Ўғил кўп биродарлар орасида Тўнғич бўлсин” деганди (Рим. 8:29). Коринф жамоатига эса у “Биз ҳаммамиз очиқ юзимиз билан, кўзгуга қарагандай, Раббимизнинг улуғворлигига қараб турибмиз. Улуғворликдан улуғворликка ўтганимиз сари, Раббимизнинг суратига томон ўзгармоқдамиз” (2 Кор. 3:18) ҳамда бизнинг инсонийлигимиз ҳам ўзгаради чунки “бу ўткинчи баданимиз чиримайдиган, бу ўладиган вужудимиз ўлмайдиган вужудга бурканиши керак” деб айтган. Бутрус учун Худонинг оилавий кенгашига қўшилиш “илоҳий табиатдан баҳраманд бўлиш”ни англаган (2 Бут. 1:4). Юҳанно бўлса буни оддийгина қилиб “биз У сингари бўламиз” деган (1 Юҳ. 3:2).

Бу нима учун муҳим

Масихийлар сифатида, биз Исо сингари бўлишимиз кераклигини кўп марта эшитганмиз. Албатта шундай. Бироқ буни эшитганимизда, буни *фақатгина* яхши бўлиш ёки “камроқ ёмонлик қилиш” маъносидагина тушунамиз. Биз аслида деярли етишиб бўлмайдиган ғояни, яъни бир кун келиб Исо сингари бўламиз деган ғояни, бамалга ошириш мажбуриятига айлантирамиз.

Исога қанчалар ўхшамаслигимиз учун ўзимизни айбдор ҳис қилиш ва юрагимизда “янада ҳаракат қилиш”га аҳд қилиш ўрнига, Унинг биз учун қилган ва қиладиган

ишларининг кут-баракаси, У сингани бўлиш ҳақидаги фикрлашимизни ўзгатириб юборишига йўл қўйишимиз лозим. Биз Масихга ўхшашликни Худо биздан камроқ ғазабланиши учун қилишимиз шарт вазифага айлантиришимиз мумкин, бироқ бу нотўғри теология бўлади. Бу нарса иноятни бурчга айлантириб юборади. Ёки бўлмасам, бир кун келиб, Худо бизни нима иш учун *хайрат ила* яратганини билиб миннатдор бўлишимиз (Рим. 8:29), қоронғулик кучларига қул бўлган одамлар биз билан бирга Худонинг оиласига қўшилишни исташадиган даражада яшашимиз мумкин. Бир нуқтаи назар ички томонга, бошқаси эса самога кўз тикади.

Эндиликда, масиҳийлик ҳаёти, хали қоронғулик кучларига қул бўлганимиздаёқ бизни севган Зотни мамнун қила олмасликдан қўрқишдан иборат бўлиб қолди. Масиҳийлик ҳаёти аслида иккита тушунчани англаб етишдир: Худо бизни *ўғилликка қабул қилгани* (бу эса Исо бизнинг биродаримиз эканини ва Худо бизни Исони севгани каби севишини англатади), ҳамда Худонинг режаси ичидаги мақсадимиз, ер юзида Унинг шоҳлигини тиклашдан иборатлиги. Бизлар *Худонинг янги кенгашимиз* ва шундай бўлиб қоламиз. У бизнинг Отамиз. Бизлар Унинг фарзандларимиз, ва У яшаган жойда яшашга азалдан тайинланганмиз. Биз Унинг ҳамкасбларимиз; бизнинг вазифамиз ўлим ҳукмдори ва кўзга кўринмас қоронғулик кучлари ҳалигача тутиб турган одамларни озод қилишга Унга ёрдам беришдир.

Муқаддас Китоб айнан *мана шу нарса* ҳақида: Адандан то Адангача. *Мана шу* сизнинг қисматингиздир. Ҳаётингиз энди Худонинг оиласида ўз ўрнингизни топишдан иборат эмас. Бунга эришиб бўлмайди. Бу Худонинг инъомидир. Эндиги ҳаётингиз ўғилликка қабул қилинганингиз учун миннатдорлигингизни кўрсатиш, ундан завқланиш ва бошқалар билан бўлишишдан иборатдир.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

Фаришталарни ҳукм қилиш

Масихий сифатида кимлигимизни англаб етишимиз имонимиз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Биз Худонинг ўғил-қизлари, Унинг қайта тузилган илоҳий кенгаши бўлиб, бу кенгаш аллақачон Отамизнинг шоҳлигида иштирок этаяпти. Бироқ (кенгаш учун) бу ҳали ҳаммаси эмас. Албатта биз Худонинг оилавий кенгашимиз – аммо қай даражагача (бунинг чегараси қаергача боради)?

Гарчи аллақачон шоҳликда яшасак-да (Қол. 1:13), ҳалигача бу шоҳликнинг тўла ошкор бўлганини кўрганимиз йўқ – ҳали дунёнинг Аданга айланганига гувоҳ бўлганимиз йўқ. “Аллақочон, лекин ҳали эмас” парадокси бутун Муқаддас Китоб бўйлаб турли йўллар билан ўтади. Ушбу бобда, сизларга “Қай даражада?” деган саволга жавоб бўладиган “ҳали эмас”ни озгина тушунтириб бераман.

Шоҳликда ҳозирги иштирок

Бизнинг Худо шоҳлигида иштирокимиз азалдан белгилаб қўйилмаган: Бизлар дастурлаштириб қўйилган функцияларни бажарадиган роботлар эмасмиз. Бу нарса Худонинг суратини олиб юрувчилар, яъни Унинг вакиллари бўлиш ғоясини бузади. Биз У каби бўлиш учун яратилганмиз. У озоддир. Агар ҳақиқий озодликка эга бўлмасак, У каби бўла олмаймиз – моҳиятан, У каби бўла олмасдик ҳам. Бизларнинг итоат этиш ва сажда қилиш, ёки исён кўтариб, ўзимизни мамнун қилиб яшаш эркимиз бор. Шундай экан, нима эксак, шуни ўраимиз. Бизнинг экканимизни ўриб олишимиз дастурланган эмас.

Бироқ Худо биздан кўра буюк. У режа тузган ва бу режа амалга ошиши муқаррар. Бу режанинг муваффақияти инсоннинг эркига боғлиқ бўлиши ҳам, мослашиши ҳам шарт

эмас. На биз, ва на биз каби танлаш ҳуқуқига эга бўлган илоҳий мавжудотлар буни буза олмаймиз.

Биринчи бобда мен сизга кўрсатиб берган самовий кенгаш ҳақида эслаб кўринг. Сиздан Муқаддас Китобда айтилганларнинг барчасига ишонасизми деб сўрагандим, ва сизни 1 Шоҳлар 22 даги Худо ва Унинг самовий кенгаши мажлисига бошлаб боргандим. Худо ёвуз Ахабнинг куни битгани ҳақида қарор чиқарганди (ва бу қарор амалга ошиши шарт эди). Аммо Худо кенгашидаги руҳий мавжудотларга бу қарорни амалга ошириш йўлларини ўзларича ҳал қилишларига қўйиб берди (1 Шоҳ. 22:19-23).

Худонинг шоҳлигида азалдан белгилаб қўйиш билан эркинлик ёнма-ён юришади. Унинг мақсадлари ҳеч қачон бекор қилинмайди ёки тўхтатиб қўйилмайди. У гуноҳ ва исённи Ўзига олиб, истаганини шундоқ ҳам бошқа эркин вакиллари орқали амалга ошириши мумкин. К. С. Льюис (C. S. Lewis) Худо ҳақида (Переландра китобида) шундй деганди: “Нималар қилмагин, У буни яхшиликка айлантира олади. Бироқ агар унга (шайтонга) бўйсунган бўлсанг, У (Худо) сен учун ҳеч қандай хайрли нарса тайёрлаб қўймаган”.

Айни пайтда, қандай сабабга кўра Худонинг оилавий кенгашимиз? Худо билан одамларни зулматдан қутқариш ишида иштирок этиш учун. Одамларга қандай қилиб адолатли ва раҳм-шавқатли ҳаёт кечиришни кўрсатиш – жонли мисол керак бўлганларга Худога тақлид қилиб кўрсатиш. Ҳақиқий Худо тўғрисидаги ҳақиқатни ҳимоя қилиш ва уни ҳасадгўй, ақлли илоҳий мавжудотлар ҳукмронлиги остидаги ёвуз дунёга тарқатиш. Худо мақсад қилганидек, ҳаётдан лаззатланиш.

Бу даъватларнинг барчаси шоҳликнинг келиши йўлидаги машқдир. Тирикчилик масалалари ҳақида даъволашиб юрган Коринфликлардан Павлус “Биз фаришталарни ҳукм

қилишимизни билмайсизларми?” деб сўраган эди (1 Кор. 6:3). У жиддий эди. Павлус бу гапи билан муайян бир нарсани назарда тутган эди.

Халқлар устидан тайинланган

Худо шоҳлиги яқунланган шаклда энди келади. Бу содир бўлганда эса, қоронғулик кучлари мағлуб бўлади. Иблисона худолар халқлар устидан ҳукмронлик қилишдан абадий маҳрум бўладилар – *бунинг ўрнини эса Худонинг улугвор инсоний оиласи ва кенгаши эгаллайди*. Ваҳий китобида Исо айтган гапларга эътибор беринг:

Фақат Мен келгушимга қадар, сизда бор бўлганни қаттиқ ушланглар. Ғолиб келган ва охиригача Менинг ишларимга эргашганга халқлар устидан ҳукмронлик қилишни ато этаман. Бу иқтидорни Менга Отам ато қилган, Мен эса уни шогирдимга это этаман. У темир таёқ ила халқларга чўпонлик қилади, улар эса сопол идиш сингари синиб кетади. Унга тонг юлдузини ҳам ато қиламан. (Вах. 2:25-28)

Исо тахтини эгаллаш учун янги ерга – янги, оламжаҳон Аданга қайтиб келганида – У бу ерни Ўз биродарлари билан бўлишади. Ҳокиму ҳукмронлар тахтларидан туширилади ва уларнинг ўрнини бизлар эгаллаймиз. Уларнинг салтанати Худога садоқатли фаришталарга берилмайди – аксинча бизга берилади, чунки Худонинг тугалланган Адан шоҳлигида *фаришталардан устун бўламиз*. Исо Ўзининг инсон биродарлари ва сингилларини бош қилиб қўяди.

Ваҳий 2:28 даги охириги гапдан ажабланмадингизми? “Мен унга тонг юлдузини ҳам ато этаман”? Бу ғалати эшитилиши мумкин, бироқ у, ёвуз кучлар мағлуб бўлганидан кейин, Исо билан биргаликда халқлар устидан ҳукмронлик қилишимиз ҳақида айтади. “Тонг юлдузи” илоҳий зотларни таърифлаш учун ишлатилган (Аюб 38:7). Бундан ташқари у масиҳга оид атамандир. Худонинг масиҳи илоҳий бўлгани учун, “юлдуз сўзи” баъзан

унинг келаётган хукмронлигини таърифлаш учун ҳам ишлатилган. Саҳрода 24:17 шундай дейди: “Бир юддуз чиқар Ёқуб наслидан, Салтанат ҳассаси Исроил халқидан”. Ваҳий китобида Исо Ўзини “Мен Довуд авлодидан келиб чиққан Зот, ёруғ тонг юлдузидирман” деб таърифлайди.

Ваҳий 2:25-28 да ишлатилган сўзлар кучга эга. Исо нафақат Ўзини масихга хос тонг юлдузи деб атайди, балки у бизга ҳам тонг юлдузини *беради* – у масихлик хукмронлигини биз билан бўлишади. Ваҳий 3:20-21 бўлса, имонлилар гап нимада эканини тушунишлари учун, яна бир қадам олға силжийди:

Мана, Мен эшик олдида туриб, тақиллатяпман. Кимда-ким овозимни эшитиб эшикни очса, Мен унинг ёнига кираман; Мен у билан, у Мен билан кечки овқатни баҳам кўрамиз. Ғолибга Ўзим билан тахтимда ўтиришни ато этаман. Чунки Мен ҳам ғолиб келиб, Отам билан Унинг тахтида ўтирдим. (Ваҳ. 3:2-21)

Қандай мақсадда бизлар илоҳий табиатдан баҳраманд қилингандик? Нима учун Исо бизни кенгашда Ўзининг биродарлари ва сингиллари деб таништиради? Худо бизга бутун ер устидан хукмронлик бериши учун; буни У азалдан орзу қилган эди. Осмон шоҳлиги янги, бутун жаҳонни қамраб олган Аданга қайтиб келади.

Абадий Адан

Ибтидо китобининг дастлабки бобларидан, Адан, Худонинг одамлар, бошқа Худонинг суратини олиб юрувчи илоҳий зотлар ва Ўзининг шоҳлиги учун режасини амалга оширадиган жой эди. Ваҳий китобининг охириги боби бизни Аданга қайтариб олиб борса, бунинг на ажабланарли ва на тасодифий жойи бор:

Фаришта менга Худонинг ва Қўзининг тахтидан чиқиб, шаҳар кучаси бўйлаб оқаётган биллурдай тиниқ оби ҳаёт дарёсини кўрсатди. Дарёнинг у ёғида ҳам, бу

ёғида ҳам ҳар ойда бир, яъни йилда ўн икки марта ҳосил берадиган ҳаёт дарахти бор эди. Бу дарахтнинг барглари халқларга шифо бахш этади. Бошқа ҳеч қандай лаънат қолмайди. Шаҳарда Худонинг ва Қўзининг тахти бўлади, Унинг қуллари Унга хизмат қилади. Улар Унинг ўзини кўриб туради, Унинг исми уларнинг пешанасига ёзилган бўлади. У ерда бошқа тун бўлмайди; чироққа ҳам, қуёш ёғдусига ҳам эҳтиёж бўлмайди. Чунки Худойи Таолодан уларга нур ёғилиб туради, улар эса то абад ҳукмронлик қиладилар. (Ваҳ. 22:1-5)

Ҳаёт дарахти халқларга шифо беришига эътибор бердингизми? Бир вақтлар ҳокимлару куч-қудратлар ҳукмронлик қилган халқларни энди Худонинг ўғиллари ва қизлари – *сиз билан мен бошқарамиз.*

Ҳаёт дарахти Ваҳийда биринчи марта учраши эмас. Охирги кунгача имонини сақлайдиганларга Исо “Ғолибга ҳаёт дарахти мевасини ейишни эҳсон этаман...Ғолиб келган иккинчи ўлимдан ҳеч бир зара кўрмайди” дейди (Ваҳий 2:7, 11). Ҳаёт дарахтига ишора қилиш очиқ-ойдин унинг Аданга хослигини кўрсатади. Биринчи ўлим Одам Атонинг гуноҳи туфайли келиб чиққан жисмоний ўлим ва Адандан сургун бўлишдир. Ҳукм кунидан олдин барча инсонлар, имонлилар ҳам, имонга келмаганлар ҳам, бир хилда тириладилар; иккинчи ўлим охирги ҳукмдир (Ваҳ. 21:8). Худо билан янги Аданда яшашни давом эттирадиганлар иккинчи ўлимдан зарар кўрмайдилар.

Бу нима учун муҳим

Кўпгина масиҳийлар нариги дунё ҳақида нотўғри тушунчага эгадирлар. Муқаддас Битиклар бизга бунинг қандай бўлиши ҳақида барча нарсани айтиб бермайди, бироқ бунинг баъзи жиҳатлари маълум. Бизлар бунда булутларда сузиб, арфа чалиб ёки тўхтамай

кўшиқ куйламаймиз. Самовий курсиларда ўтириб, ўтиб кетган қардошларимиз ёки ўтмишда машҳур бўлган имонлилар билан суҳбатлашиб ўтирмаймиз.

Аксинча, биз Адан тақдим этган ҳаётда яшаймиз – Худого содиқ қолган илоҳий мавжудотлар билан ёнма-ён туриб, Унинг яратганларидан баҳра оламиз. Жаннат билан ер, бошқа бир-биридан айри ерлар бўлмайди.

Қисматимиз ҳақида хабардор бўлиш бизнинг айнан ҳозирги фикрлашимизни шакллантиради. Павлус айтганидай, “Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, инсон ақли бовар қилмаган нарсаларни Худо Ўзини севганларга муҳайё қилган” (1 Кор. 2:9). Бу ақлни шоширадиган улуғвор натижа ҳозирги вазиятимизни назардан қочирмасликка ёрдам беради. Юқорида ўқиганларимизни ёзганидан сўнг, Павлус Коринфликларга иккинчи мактубида шундай деган эди:

Ҳар турли тасаллининг манбаи бўлган Худо, марҳаматли Ота, Раббимиз Исо Масихнинг Отаси Худого ҳамду санолар бўлсин!...Эй биродарлар, Асия вилоятида бошимизга келган кулфатлардан хабарсиз қолишингизни истамаймиз. Биз ҳаддан ташқари, чидаб бўлмайдиган даражада эзилдик, ҳатто соғ қолишга умидимизни йўқотган эдик. Ҳа, ўлимга маҳкум бўлганимизни ўз вужудимизда сезардик. Бу шунинг учун содир бўлдики, биз ўзимизга эмас, балки фақат ўликларни тирилтирувчи Худого умид боғлайлик. (2 Кор. 1:3-9).

Худо бизни бу ҳаётда асраши мумкин. Бироқ ҳатто ўлганимизда ҳам, Исо билан Унинг тахтида ўтириш учун қайта тириламиз (Ваҳ. 3:21).

Бизлар ёки кўз олдимиздаги мақсад билан яшаймиз, ёки акси. Қисматимиздан хабардорлигимиз бизнинг юриш-туришимизни ўзгартириб тузатиши лозим. Агар ўзингиз танқид қилган, назар-писанд қилмайдиган ва турли йўллар билан ҳақорат қилган одам

билан бирга битта уйда яшашингиз ёки битта идорада ишлашингизни билганингизда, ўша одамга тинчлик ўрнатувчи, далда берувчи, ва балким у билан дўст ҳам бўлишга тер тўкиб ҳаракат қилардингиз. Қандай қилиб ўзимиздек биродарларимизга шундай ёмон муносабатда бўла оламиз? Нимага Исога ишонмаган одам билан душман бўлишга тиришганимиздек, уни Исога яқинлаштиришга ҳаракат қилмаймиз? Бизлар одамларнинг кўз ўнгида абадиятга эришамиз, ёки бунинг акси.

Мамнун бўлишингиз учун Исо сиз билан қанча ҳукмронликни бўлишиши керак? Савол сизга ғалати туюлиши тайин, чунки Исодан бўлган ҳар қандай шу каби инъом жуда ажойиб бўларди. Унда нима учун ўзимиз каби биродарлар билан, мақомга эришиш учун ўзишгандай ҳаракат қиламиз? Нима сабабдан бир-биримиз билан афзалликка эришишга, диққат-эътиборга, ва ўз фойдамизга талашиб-тортишамиз? Павлус, қисматлари ҳақида эслатишга мажбур бўлган Коринфликлардан нима афзаллигимиз бор? Бизлар Худо билан ҳукмронлик ва шоҳлик қилишдан манмун бўламиз, ёки акси.

Эй, масиҳий, ўзингни кимлигини ва Худонинг сен учун режасини билиб яшаш вақти келди.

Хулоса

Мана сафаримизнинг охирига ҳам етиб келдик. Бироқ сафаримиз аксинча энди бошланди десак тўғрироқ бўлар. Биз қуйидаги асосий саволларни кўриб чиқдик: *Бошқа худолар ҳам мавжудми? Агар мавжудлиги рост бўлса, бу бизнинг Муқаддас Китобни қандай тушунишимизга катта таъсир кўрсатадими? Агар Муқаддас Китобда тасвирланган кўзга кўринмас олам ҳақиқатдан бор бўлса, унинг фақат ўзимизга таниш ва мантиқан қабул қила оладиган қисми эмас, балки ноодатий ва кўпинча одамлар рад этадиган қисмлари ҳам ҳақиқат бўлса, бунинг бизнинг имонимиз учун қандай аҳамияти бор?* Муқаддас Битиклардаги ғайриоддий сюжетнинг оқимини илғай бошлаганимда, ҳар турли нарсалар ҳақида бошқача фикр юритишим лозимлигини англаб етдим. Бироқ буларнинг барчасини иккита сўзга жам қилишим мумкин: *ўзлик* ва *мақсад*. Бу китобни ўқиганда ҳар иккала соҳада ҳам синалдингиз деб умид қиламан.

Бизнинг ўзлигимиз – Худонинг оиласида уйимиз бор

Бу китобда муҳокама қилинган нарсалар Масихий бўлиш, яъни Янги Аҳдда кўп маротаба таъкидланганидек, “Масихда” бўлиш нимани англатиши муҳим аҳамият касб этади. Эски Аҳддаги худолар ҳақиқий эканини англаб етганимиздан кейин, Яхве, яъни Исроилнинг Худосидан бошқа худоларингиз бўлмасин деган Худо амри диққат марказимизни ўзига тортади. Бу амр пулга ёки яхталар ёхуд машиналарга эътибор қаратмасликни англатмайди. Бу Худонинг Ўз халқига бўлган рашкли севгисидир. Бошқача қилиб айтганда, *амрда нима дейилган бўлса, ўша назарда тутилган*. Ҳамма худоларнинг худоси бўлган Худодан бошқа ҳар қандай худога садоқат аҳмоқлик эканини илғаш қийин эмас.

Худо бошқа худолар ва уларнинг одамларини (“халқларни”) қандай хукм қилганининг оқибатлари билан яшаш қандай даҳшатли экани ҳам сир эмас. Бир вақтлар бизлар ҳам Худо *воз кечган*, бошқа худоларнинг бузукликлари ва эксплуатациясига қул эдик. Бизлар Павлус айтганидай, Масихдан беҳабар, Исроил умматидан бенасиб, илоҳий аҳду ваъдаларга бегона эдик (Эф. 2:12). Бизлар йўлдан адашган, қоронғулик кучларига қул, Худога душман ва кўзга кўринмас хўжайинларнинг хизматида эдик (Эф. 4:18; Кол. 1:21).

Ушбу вазиятни яхши тушуниш, *фарзандликка қабул қилиш* ва *мерос* каби доктринал тушунчаларга алоҳида мазмун беради. Бу уларнинг контекстини очиб беради. Худо оиласи билан ерда яшаш, Ўз қўллари билан яратган дунёдан баҳра олиш режасини бекор қилишни истамасди. Ҳа, Бобилда У инсониятга орқа ўгирганди, бироқ бунинг ортидан У янги оила барпо этиш учун ва Ўзи *воз кечган* халқлар Унга қайтиб келишларида воситачи вазифасини ўташи учун Иброҳимни чақирди (Ҳав. 10:26-27).

Муқаддас Китобнинг ўзини тушунишда, Муқаддас Китобдаги ғайриоддий дунёнинг ғайриоддий воқелигини қабул қила олиш жуда муҳим. Бу нима учун Эски Аҳд илгарилаб боргани сари, бутпарастлик гуноҳи барча гуноҳлардан ўтиб тушишини изоҳлайди. Бу энг оғир гуноҳ бўлади. Исроил Худога содиқ бўлиш учун барпо этилган эди; бунинг ўрнига бошқа худоларга юз бургани учун, у сургун қилиниб, худди бошқа халқлар каби ҳайдаб юборилган эди. Нима учун Муқаддас Китобда нажот *имон* нуктаи назаридан таърифланиб келинганининг асосий сабаби мана шудир. Худо бундан яхшироқ хулқ-атворни мутлақо кутаётгани йўқ эди. У имонни, яъни *имончга садоқатни* излаётган эди. Юракларимизни худоларнинг Худоси билан мувофиқлаштиришни танлаганимизда, У бизга нажот беради. Агар бошқасини танласак, нима эксак шуни ўраимиз.

Биз учун, бугунги кунда, ишончга садоқат Исо хочда нималар қилганини қабул қилишдир, чунки У инсон қиёфасидаги Худо эди. Бизнинг ахлоқимиз ва юриш-туришимиз (бизнинг ишларимиз) Худо бизларни қабул қилиши учун бизни етарлича содиқ қила олмайди. Биз Унинг амрларига амал қиламиз, чунки биз Уни танладик. Унинг амрлари эса бизни бахт-саодатга ва хурсандчиликка етаклайди, чунки улар бизни ўз-ўзимизни ва бошқаларни ҳалок қилишдан узоқлаштиради. Бу амрлар Худо билан ва Унинг қолган оила аъзолари билан, яъни бизнинг кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган оиламиз билан, янги Аданда уйғунликда яшашга ишора беради.

Мақсадимиз – Худонинг яраштириш режасидамиз.

Худо оиласига аъзо бўлишнинг биттагина шarti бор: Исо Масих шахсида келган худолар Худосига собит имон келтириш. Бу аъзолик бизга ажойиб имтиёзлар инъом этибгина қолмасдан, балки ҳаётимизга порлоқ бир мақсад беради.

Худо оиласи аъзоларининг муҳим топшириғи (миссияси) бор: Худонинг ер юзида адолатли ҳукмронлигини ўрнатиш ва оиласини кенгайтиришда Унинг вакиллари бўлиш. Бизлар Ҳаворийлар 2-бобда Масихнинг танаси бўлган жамоат дунёга келиши билан бошланган буюк ўзгаришларни, Раббимиз қайтиб келадиган кунгача ҳаракатлантириб турадиган воситаларимиз. Биринчи Адан муваффақиятсизлика учраганидан сўнг, ёвузлик бутун инсоният бўйлаб мараз каби тарқалганидай, хушхабар ҳам касаллик тарқатувчи вирусга қарши доридай тарқалади. Биз худолар Худоси ҳақидаги, Унинг *барча* халқларга бўлган севгиси ҳақидаги, ҳамда оиласи билан ердаги ошёнида яшашга бўлган ўзгармас орзуси (У буни ерни яратганидан бери истаб келарди) ҳақидаги ҳақиқатни *олиб юрувчилармиз*.

Дунёдаги материклар ҳар йили бир-биридан узоқлашиб бориши илмий исботланган фактдир. Бироқ “материкларнинг горизонтал силжиши” одамларга сезилмайдиган жараёндир. Бунинг содир бўлишини фақат фактларни ўрганиб чиққанимиздан кейингина биламиз. Худонинг шоҳлиги билан ҳам шундай бўлади; у бир тесикда, сусаймасдан олдинга силжийверади. Қоронғулик кучли бўлган худоларнинг салтанати кундан-кунга қандай кичрайиб бораётганини, ёки уларнинг ҳукмронлиги остида бўлганларни хушхабар қандай битта-биттадан озод қилаётганини оддий кўз билан кўришимиз қийин. Бу ажратиб бўлмайдиган исботдир.

Ўзимизни ушбу манзарада кўришнинг калити, Худо ҳали ҳам режасини амалга ошириш устида ишлаётганига қаттиқ ишонишдир, гарчи Унинг ишлаётганини кўра олмасак ҳам. Худонинг доноларча таъминоти ҳаётимизда ва инсоният тарихидаги ишларда фаол бораётганига ишонмай туриб, кўзга кўринмас, ғайриоддий дунёга ишонамиз деб айта олмаймиз. *Худо бизнинг мақсад билан яшашимизни* – Унинг кўзга кўринмайдиган қўли ва бизга ҳамда Унга содиқ кўзга кўринмас ёрдамчилари (Ибр. 1:14), бизнинг ҳолатимиздан хабардорлигига ишониб яшашимизни хоҳлайди, токи Худонинг глобал Адан ҳақидаги мақсади бетўхтов олдинга силжиб бораверсин.

Кимнингдир шоҳликка қадам қўйишида ва бу шоҳликни ҳимоя қилишда ҳар биримиз муҳиммиз. Ҳар бир кун бизга қоронғу кучлар ҳукмронлиги остидаги одамлар билан алоқа қилишга, ҳамда бу бир кам дунёда мақсадларимизга етишишдек мушкул вазифани бажаришда, бир-биримизга далда беришга имкон беради. Айтган ҳар бир сўзимиз ва қилган ҳам бир ишимиз аҳамиятга эга, модомики бунинг нима учун ёки қандай содир бўлаётганини умуман билолмаслигимиз ҳам мумкин. Бироқ бизнинг ишимиз кўриш эмас, балки бажаришдир. Имон билан юриш суэстик эмас, балки мақсадлилиқдир.

Авф дуоси

Авф дуоси: Қимматбахо ином.

Кечирим бу хар бир инсон ҳаётида кидирадиган нарсадир. Кечирим, яшаш учун муҳим кадрли нарсадир. Кечирим, бу осонликча олинадиган ёки берадиган нарса эмас. Айнан кечирим, бизларни ўтмишдаги хатолардан озод қилади ва келажакка умид беради. Кечирим учун Исо Масих дунёга келди ва бутун инсоният учун ўлди.

Авф дуоси: Исо Масих орқалигина амалга ошди.

Авф дуоси Худога қаратилган дуодир. Гарчи иснонлар бир бирларга қарши гуноҳ қилган бўлсаларда, бу гуноҳлар энг аввало Худога қарши қилинган гуноҳдир, ва бу Худони ранжитади. Қандай қилиб бизнинг хатоларимиз Қудратли Тангримизга озор бериши мумкин? Ҳақиқатдан Худога булар қизиқми? деган саволлар туғулиши мумкин. Ибтидо китобининг 6 - бобида, одамлар бир бирларига қарши қилган гуноҳлар устидан қайғуриши тасвирланган: “Эгамиз кўрдикки, ер юзида инсон зоти қилаётган қабихликлар жуда ҳам кўп экан. Уларнинг кўнглида фақат қабих ният бор экан. Эгамиз ер юзида инсонларни яратганидан пушаймон бўлди, юракдан афсусланди” (Ибтидо 6:5 \6).

Хамма нарсани билувчи Худони ҳатто инсон қалбидаги қабих ниятлар ҳам ранжитади. Шунинг учун ҳам кечирим фақатгина Худодан келиши керак. Унинг адолати қарор топиши учун хар бир гуноҳ ва ноҳақлик жазоланиши керак. Шунинг учун кечиримга текинга эришиб бўлмайди. Исо Масих бутун инсоният гуноҳи учун хочда ўлди ва одамзотни гуноҳ қуллигидан сотиб олди. Унинг азоблари бизнинг гуноҳларимиз учун тўловдир. “Бу шароб Худонинг аҳдини билдиради. Бу аҳд кўпларнинг гуноҳини ювиш учун тўкиладиган қоним эвазига кучга киради” (Матто 26:28).

Худованд инсон виждони, айб ва уятдан озод бўлишга эҳтиёжи борлигини билар эди. Кечирим бу инсониятнинг энг катта муҳтожлиги эканлигини, Худо севгиси орқали билади. Ўз муҳаббатини амалда исботлаб, У нафақат бизнинг гуноҳларимиз учун азоб чекди балки, бизнинг гуноҳларимизнинг ёмон оқибатлари учун ҳам тўлов тўлади. Инсоният унга текинга таклиф қилинган кечиримни қобил қилиши учун буларнинг хаммасини Худо амалга оширди.

Авф дуоси: Худодан кечирим сўра.

Эҳтимол сени чарчаган қалбингни овунтириш учун ёки балки, сени қаттиқ ранжитган бирон кишини кечиришинг қийинлиги учун, бу веб саҳифага назаринг тушган бўлиши мумкин. Исо Масиҳни Раббим ва Нажоткорим деб қабул қилганларга кечрим текинга берилади. Агар биз гуноҳларимизни этироф этиб, Худодан кечирим сўрасак, ҳеч қандай саволларсиз, Худо бизларини кечиради. “Борди–ю, гуноҳларимизни эътироф этсак, содик ва адолатли бўлган Худо гуноҳларимизни кечириб, бизни ҳар қандай ёмонликдан фориғ қилади” (1 Юханно 1:9).

Исо Масиҳни рад қилиш орқали биз Худонинг мархамати бўлган кечиримни рад қилган бўламиз. Бу амалимиз орқали Худо билан ярашишни хоҳламаганимизни очик кўрсатган бўламиз (1Юҳонна 1:9). Худодан кечирим қабул қилмаслик, инсоннинг эркин танлови бўлсада, умрим охирида қилган гуноҳларимиз учун албатта жавоб берамиз. Худо сиз билан ярашишни жуда хам истайди. “Зеро, Худо оламини шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди. Токи Унга ишонганлардан биронтаси ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин” (Юханно 3:16). Агар чин дилдан кечирилишни хоҳласангиз, у ҳолда Исо айтганларига этиқод қилинг, ва Уни Раббим ва Нажоткорим деб қабул қилинг. Шунда Худо сизни кечиради ва сизни ҳаётингизда ўзгартириш ишларини бошлайди.

Авф дуоси: Янги Ҳаётни қабул қилинг.

Авф дуоси бизга янги умид ва ҳаётимизни бошидан бошлашимизга имкон беради.

Худо бизни ҳамма гуноҳларимиз авф этди. “Мен уларнинг айбларини кечираман, гуноҳларини ҳеч қачон эсга олмайман” (Ибронийлар 8:12).

Агар сен гуноҳкор эканлигингни тан олсанг ва Исо Масиҳ осмондан келган ягона Қутқарувчи эканлигига этикод қилсанг, унда сен авф дуосини тушунгансиз. Энди фақат бу дуони амалга ошириб, Худонинг иноми бўлган Худонинг Ўғли Исо Масиҳни қабул қилиш қолди. Сиз бунга тайёрмисиз? Агар тайёр бўлсангиз, Исо Масиҳга ишонинг, гуноҳларингизни товба қилинг, ва ҳаётингизни қолганини Худога бағишланг:

Осмондаги Ота, Мен гуноҳ қилиб Сени муқаддас қонунингни буздим ва гуноҳ мени Сендан ажратди. Энди тавба қилиб, эски гуноҳкор ҳаётдан сенинг бағринга қайтишни хоҳлайман. Илтимос, мени авф этгин ва қайта гуноҳ қилмаслигим учун ёрдам бер. Сени ўзлинг Исо Масиҳ менинг гуноҳларим учун ўлганига, учунчи кун ўликлардан тирилгани, ва мени ибодатларимни эшитаётганига ишонаман. Шу кундан бошлаб, Исо Масиҳни Раббим ва қалбимнинг ҳукмдори ва қалбимни бошқаришини учун таклиф қиламан. Сенга бўйсунушим учун ва Сенинг иродаларингни бажаришим учун Муқаддас Рухни менга бергин. Исо Масиҳ номи билан сенга дуо қиламан, Омин.

“Тавба қилинглар, ҳар бирингиз Исо Масиҳнинг номи билан сувга чўминглар, токи гуноҳларингиз кечирилсин. Шунда сизлар Муқаддас Рухни инъом қилиб оласизлар” (Хаворийлар 2:38).

Агар бугун сиз Исо Масихни қабул қилишга қарор қилган бўлсангиз, унда сизни Худонинг оиласига кирганингиз билан табриклайман ва сиз хуш келибсиз дейман. Қуйидаги Муқаддас Калом айтган амаллар бизни янада Худога яқинлашишимизга ва руҳда ўсишимизга ёрдам беради. Бу амаллар:

- **Масих буюргандек сувга чўмиш**
- **Исо Масихга бўлган иймонинг билан бошқалар билан бўлиш.**
- **Хар куни Худо билан вақт ўтказинг. Ибодат ва Калом ўқишни хар кунлик одат қилинг. Муқаддас Каломни тушуниш ва имонда ўсишни Худодан сўранг.**
- **Исо Масихнинг бошқа издошлари билан алоқани қидиринг. Сизни қўллаб қувватлайдиган ва сизни саволларингизга жавоб берадиган бродарлар билан дўстликни ривожлантиринг.**
- **Худога сажда қилишингиз учун маҳаллий жамоатни топинг.**
- **Агар сиз бугун Исо Масихга этиқод қилган бўлсангиз, унда қуйидаги ХА/ЙЎҚ тугмасини босинг.**
- **Агар аллақачон Исони издоши бўлсангиз, унда бу тугмани босинг**

Хамма гуноҳ қилган ва Худонинг қаҳр ғазабига дучор бўлган. Ота Худо Ўзининг ягона Ўғлини Унга ишонганларни айбларидан оқлаш учун ер юзига юборди. Бутун дунёни яратувчиси бўлган Абадий Худонинг Ўғли Исо Масих гуноҳсиз хаёт кечирди, бизни

севгани учун бизнинг гуноҳларимиз учун ўлди ва биз лойиқ бўлган жазони бизни ўрнимизга жазони тортди. Хочда ўлди ва учунчи кун ўликлардан тирилди ва буларнинг хаммаси Муқаддас Каломда олдиндан ёзилганидек бўлди. Агар Сен чин қалбингдан Исо Масих ишонсанг ва Уни ягона Нажоткор деб қабул қилиб, Уни Раббим деб этироф қилсанг, унда сен охирагдаги айбловдан озод бўласан ва абадиятни Худо билан жаннатда ўтказасан.

Сизнинг жавобингиз қандай?

Ха, бугун мен Исо Масихга эргашишга қарор қилдим.

Ха, мен аллақачон Исо Масихнинг издошиман.

Иккиланаяпман ва менда саволлар бор.

Муаллифдан

Ғайриоддий бу менинг “Кўринмас Олам: Муқаддас Каломдаги Илохий Дунёқарашни қайта тиклаш” (Lexham Press, 2015) номли илмий китобимнинг қисқача кўринишидир. Бу китобни Amazon.com саҳифасидан харид қилишингиз мумкин.

Ғайриоддий китобидан сиз руҳландингиз деб умид қиламан. Китобнинг мазмунига бефарқ бўлмаган саҳий инсонларни ҳайр эҳсонлари орқали бу китобни сизларга тафҳа қилиш имкони бўлди. Илтимос, янада бу китобни бошқа тилларга таржима қилишимиз учун бизларни қўллаб қувватлаб турунг. Сиз бизга miqlat.org ёки nakedbible.org сайтлари орқали эҳсон беришингиз мумкин.

Муқаддас Китоб талимоти билан кўпроқ танишишни хоҳласангиз, унда менинг интернет саҳифам бўлган dgmsh.com ташриф буюринг ва мени иштиш учун nakedbiblepodcast.com сайтига ташриф буюринг. Инглиз тилидаги “Naked Bible” сўзини таржимаси “Ялонғоч Инжил” деганидир. Мен бундай ном беришимдан сабаб шундаки, мен ўз дарсларимдан замонавий анъана ва миллатчилик ва масхабчилик ва бошқа диний қарашлар таъсирларисиз фақат ва фақат тоза Инжил таълимотини ўқитишга бўлган истагимни акс эттиради.

Агар мени интернет саҳифамга ташриф буюрсангиз, менинг “The Façade and its sequel, The Portent” номли бадий асаримни топишингиз мумкин. Бу асар, Муқаддас Китоб билан таниш бўлмаган инсонларни илоҳиёт билан таништириш учун ёзилган асардир. Бу китобни Amazon.com сайтида инглиз тилида харид қилишингиз мумкин.

